

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН  
ГЕОСИЁСАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2012**

Ўқув қўлланма Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг  
ўқув-услубий кенгашининг мажлисида муҳокама қилинган ва нашр  
қилиш учун тавсия этилган.

**Таржимон:** ЖИДУ тадқиқотчиси *Ш.Рамазонов*

**Муҳаррир:** ЖИДУ “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси  
мудири, тарих фанлари доктори, проф. *Р.Фармонов*

*Мазкур ўқув қўлланма франциялик олим Жак Барранинг “Ўзбекистон геосиёсати” номли китоби асосида ёзилган.*

© Тошкент, 2012.

© ЖИДУ, Тошкент, 2012.

## **МИННАТДОРЧИЛИК**

Биз, аввало, мазкур китоб ёзилиши жараёнида ёрдамларини аямаган Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий вакили Лола Каримова–Тиллаева Жаноби Олияларига ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимизни изхор қилишни истар эдик. У кишининг ёрдамисиз Ўзбекистон геосиёсати тўғрисидаги бу асар дунё юзини кўрмаган бўлар эди.

Шунингдек, бизга кўплаб ишончли маълумотларни етказиб беришга ўз вақти ва ғайратини аямагани учун Ўзбекистоннинг Франциядаги Элчиси Баҳромжон Аълоев Жаноби Олийларига, асарнинг қўлёзмасини ўқиб чиқиб бизга қимматли маслаҳатларини берганликлари учун, чуқур миннат-дорчилигимизни билдирамиз.

Нихоят, бизга зарур бўлган энг сўнгги маълумотларни етказиб берганликлари учун Тошкент ва Париждаги барча мутахассисларга ҳам миннатдорчилик билдирамиз.

"Давлатни яхши бошқаришда түккизта қоидага амал қилиш даркор. Улар қуидагилар:

*Үз шахсини тарбиялаш.*

*Қобилятли инсонларга ҳурмат күрсатиши.*

*Үз яқинларини севиши,*

*Үз вазирларини ҳурмат қилиши.*

*Давлат хизматчиларини зийракликка чорлаш,*

*Үз халқини севиши.*

*Хунармандалар шиіжсоатини күллаб-құвватлаш.*

*Хориждан келғанларга илтифот күрсатиши.*

*Шаҳзодалар ва қыроллик вакилларининг ишончини қозониши".*

Конфуций (Милоддан авв. 551–479 ый.)

## КИРИШ

2010 йил охирида Франция пойтахти Париж шаҳрида “Ўзбекистон геосиёсати” номли монографик тадқиқот француз тилида чоп этилди. Мазкур монография муаллифлари уч тадқиқотчидан иборат бўлиб, улар – Жак Барра, Колин Ферро ва Шарлотта Ванглардир. Жак Барра география ва филология фанлари доктори. Пантеон-Асса Париж II университети профессори лавозимида ишлаётган Жак Барра Франция матбуот институти, француз армия коллежи, дипломатик ва стратегик илмий тадқиқот марказида ва геостратегияга ихтисослашган бир қатор бошқа ўқув муассасаларида геосиёсат фанидан талабаларга дарс берган. Шу билан бирга у Франция ташқи ишлар вазирлигига Франция – Квебек ҳамкорлиги идорасининг Бош котиби, Руминияда маданий ҳамкорлик миссияси раҳбари, Бухарестдаги француз институти директори лавозимларида ҳам фаолият олиб борган. Денгиз орти ҳудудлари фанлар академияси аъзоси бўлган Жак Барра 1972–1981 йилларда Франция собиқ ташқи ишлар вазири Мишел Жобернинг, 1986–2007 йилларда эса собиқ бош вазир Пьер Мессмернинг маслаҳатчиси лавозимини эгаллаган. У бир қатор китоблар муаллифи ҳисобланади. Қобул – Афғонистон пойтахти (ЮНЕСКО, 1970), Буюк давлатлар географияси (Натан, 1981), Африка мамлакатлари иқтисодиёти (Банк ходимларини тайёрлаш халқаро маркази, 1983), Оммавий ахборот воситалари иқтисодий географияси (Литек, 1991), Оммавий ахборот воситалари ва тарақкиёт (Литек, 1992), Ривожланаётган мамлакатлар ранг-баранглиги (Литек, 1992), Франкофония мамлакатлари геосиёсати (PUF, 1997), Телевидениени яхшироқ тушуниш учун (Mediomatrie, 1999), Руминия геосиёсати: кесишма нигоҳ (Alvik, 2003), Франкофония мамлакатлари геосиёсати: янги нафас (La documentation française, 2005), Франция ов ҳовлиси: келажак бойлиги (Les introuvables, 2007), Буркина Фасо геосиёсати (SEM, 2008), Кот-д'Ивуар геосиёсати (SEM, 2010) каби асарлар шулар жумласидандир.

Колин Ферро 1984 йилда Францияда туғилган. Ренн-2 ва Нант университетларида тарих, ахборот-коммуникация йўналишлари бўйича таҳсил олгандан кейин Колин Ферро ахборот ва коммуникация соҳаларида магистр даражасини олиш учун Пантеон-Асса Париж II университети хузуридаги Франция матбуот институтида (*Institut français de Presse – IFP*) ўқиган. 2007 йилда мазкур олийгоҳни аълога битириб, шу йўналишда докторлик даражасини олиш учун Франция матбуот институтида докторлик диссертациясини тайёрламоқда. Унинг тадқиқотлари Марказий Осиёни ўрганиш ва минтақа геосиёсатига бағишлиланган. Шу билан бир

қаторда, Колин Ферро 2007 йилдан бери Париж IV Сорбонна университети журналистика бўлимида ўқитувчилик фаолиятини олиб бормоқда.

Шарлотта Ванг 1977 йилда Манжурияда таваллуд топган. Шанхай университетида француз тили мутахассислиги бўйича бакалавр даражасини олгач, Пантеон-Асса Париж II университетининг Франция матбуот институтига (IFP) қабул қилинган. Шарлотта Ванг “Оммавий ахборот воситалари ва глобализация” йўналишида магистрлик даражасини олгандан сўнг 2009 йилда “Ахборот ва коммуникация фанлари” бўйича докторлик диссертациясини юқори даражада ҳимоя қилди. Ш.Ванг France 24 ва TV 5 Monde француз телеканалларида амалиёт ўтаган. Марказий ва Шарқий Осиё геосиёсати бўйича таниқли мутахассис.

“Ўзбекистон геосиёсати” монографияси кириш қисми, 8 та боб ва хулосадан иборат. Китобнинг илова қисмида “Ўзбекистон рақамларда”, “Айрим хронологик саналар”, “Сиёсий партияларнинг логотиплари”, “Адабиётлар рўйхати” ва интернет манбалари рўйхати келтирилган.

Китобда 26 та харита ва 51 та жадвал мавжуд. Монографиянинг ҳар бир боби ўз изчиллиги ва тузилишига кўра мантиқийлиги билан ажralиб туради.

Мазкур монографик иш француз тадқиқотчилари ва Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистоннинг Франциядаги элчинонаси ҳамкорлиги натижасида юзага келди.

Монографик тадқиқот таниқли олимлар ва эксперталар томонидан ижобий баҳоланган. Китоб Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили Лола Каримова-Тиллаева томонидан юқори баҳоланган йўлланмадан бошланади.

Шунингдек, мазкур китобга Франция Сенатининг собиқ раиси, собиқ вазир, академик Кристиан Понселе сўз боши ёзган. Айтиб ўтиш жоизки, “Ўзбекистон геосиёсати” асарининг илк тақдимоти 2010 йил охирида Франция пойтахти Париж шаҳрида ўтказилди. Унда бир қатор машҳур олимлар, тадқиқотчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, китобга юқори баҳо беришди. Китобнинг иккинчи тақдимоти 2011 йил бошида ЖИДУда муаллифнинг иштирокида ўтказилди.

Шу билан биргаликда, муаллиф – профессор Жак Барра 2011–2012 ўкув йили давомида З маротаба ЖИДУга ташриф буюриб ўзининг қимматли маъruzalарини талабалар хукмига ҳавола қилди. Унинг маъruzалари талабалар томонидан катта қизиқиш билан тингланди ва профессор Ж.Барра мазкур ташрифлардан мамнун эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

ЖИДУ томонидан тайёрланган мазкур ўқув қўлланма асосида Жак Барра бошчилигидаги тадқиқотчи олимлар яратган “Ўзбекистон геосиёсати” монографияси ётади. Кўлланма Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг талабалари, тадқиқотчилари ва илмий-тадқиқот марказлари учун бағоят бой манба сифатида фойдали аҳамият касб этади.

Умуман олганда, мазкур китобнинг дунёга келиши Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган туб ислохотлар, тараққиёт босқичлари ҳамда унинг, яъни Ўзбекистоннинг чуқур тарихий илдизларга эга буюк маданият ўчоғи сифатидаги ролини кенг жамоатчиликка етказиш борасида олиб борилаётган салмоқли ишлардан бири десак адашмаган бўламиз.

## **І БОБ. МИНТАҚА ЧОРРАҲАСИДА ЖОЙЛАШГАН, ЛЕКИН ОЧИҚ ДЕНГИЗ ЙЎЛЛАРИДАН УЗОҚ БЎЛГАН МАМЛАКАТ**

*“На тўғонлар ва на чегаралар ҳалқни занжирбанд қилиб қўя  
олмайди”.*

*Менг Зи*

### **1. Марказий Осиёдаги ҳудуди бўйича учинчи, аҳолиси сони бўйича биринчи мамлакат**

Марказий Осиёда жойлашган Ўзбекистоннинг ҳудуди 447 400 км<sup>2</sup> ни ташкил этади. У шимолдан жанубга 930 км, ғарбдан шарқقا эса 1425 кмга чўзилган. Ўзбекистон шимолда Қозоғистон (2203 км), шарқда Қирғизистон (1099 км) ва Тожикистон (1161 км), жануби-ғарбда Туркманистон (1621км), ва, нихоят, жанубда Афғонистон (137 км) билан чегарадошdir. Ҳудудининг катталиги жиҳатидан минтақада Қозоғистон ( $2\ 717\ 300\ \text{км}^2$ ) ва Туркманистон ( $488\ 000\ \text{км}^2$ )дан кейин учинчи ўринда турадиган Ўзбекистон – минтақанинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга бўлган ягона мамлакатидир. Шу маънода Ўзбекистон Марказий Осиёнинг табиий чорраҳаси. 28 миллион аҳолиси билан минтақанинг энг ҳалқи кўп мамлакати бўлиш билан бирга, аҳоли зичлиги жиҳатидан ҳам Марказий Осиёнинг биринчи давлати ҳисобланади ( $61\ \text{одам}/\ \text{км}^2$ ).

Ҳудуди жиҳатидан дунёда 56-ўринда турадиган Ўзбекистон, Лихтенштейн давлати сингари, очиқ дengiz йўллари камида икки мамлакат ҳудуди билан чегараланган давлат ҳисобланади. Демак, очиқ дengiz йўлларига чиқиш учун жуда бўлмагандан икки мамлакат ҳудудини кесиб ўтиш лозим бўлади. Лекин Орол дengизи ҳудудининг

420 км қирғоғи Ўзбекистон худудига түғри келади. Умуман олганда, умумий 447 400 км<sup>2</sup> дан 90 фоизи қуруқлик ва 10 фоизи сувлардан иборат. Мамлакат пойтахти – Тошкент шахри шимолий кенгликтининг 41° 16 ва шарқий узунликнинг 69° 13 да мамлакаттинг шарқий чегарасига жуда яқин жойлашган.

Харита – 1



*InterCarto (Харита муаллифи E.Debricon) томонидан тақдим этилган ҳужжат асосида тузилган харита*

Харита – 2

### Ўзбекистон Марказий Осиёда



## **2. 80 фоиз худуди текисликлардан иборат, Сирдарё ва Амударё билан сугориладиган мамлакат**

Худудининг 80 фоизи текисликлардан иборат бўлганлиги боис Ўзбекистон рельефи нисбатан ўзгармасдир. Тоғларга келсак, улар мамлакатнинг шарқида бўлиб баландлиги 4300 метргача етади.

Мамлакат худудининг жануби-шарқий қисмида Тянь-Шань тоғ тизмаси қад кўтарган. Қирғизистон ва Тожикистон худудида ҳам қад кўтарган бу тоғ тизмалари Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги табиий чегарани ташкил этади.

Мамлакат шимолида Қизилқум деб номланувчи улкан чўл мавжуд бўлиб, у Қозоғистоннинг жанубий ерларигача чўзилган.

Фарфона водийсининг умумий майдони  $20\,000 \text{ км}^2$  дан ошади ва у мамлакатнинг энг унумдор ери ҳисобланади. Водий шимол, шарқ ва жануб томонлардан улкан тоғлар билан ўралган. Унинг ғарбий қисмидан Сирдарё дарёси оқиб ўтади.

**Сув захираларининг танқислиги** туфайли Ўзбекистон ер майдонининг 10 фоизигина дехқончилик қилиш учун яроқли. Бунинг устига катталиги бўйича дунёда тўртинчи ўринда турувчи берк қўл – Орол денгизи суви микдори 1960 йиллардан буён 10 марта камайди, дengiz ҳавзаси эса 75 фоизга қисқарди. Бу феномен пахтачилик эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда Амударё ва Сирдарё сувларининг меъёрдан ортиқ даражада ишлатилиши эвазига юзага келди. Ушбу дарёлардан қуйиладиган сув микдори шу давр мобайнида 30 марта камайганлигини ҳам таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Оролбўйи ҳудудларини 1988 йилдаёқ совет ҳукумати «экологик фалокатга юз тутган минтақа» деб эълон қиласди. Бугунги кунда баъзи олимлар денгизнинг 2025 йилга бориб бутунлай қуриб қолишини башорат қилмоқда. Хайриятки, бошқа экспертларнинг фикрига кўра, «кичик дengиз» сув микдори 2007 йилдагига қараганда кўпайган ва бу ҳолат кўзда тутилгандагидан кўра анча юқори кўрсаткичdir.

Харита - 3




### **3. Қурғоқчилик билан изохланадиган континентал иқлим**

Ўзбекистон иқлими континентал ҳисобланиб, ёз жуда иссик (баъзан ҳарорат  $40^{\circ}$ дан ошади), қиши ойларида эса ўртача ҳарорат  $-2^{\circ}$ , баъзан қаҳратон совуқда  $-40^{\circ}$ дан ҳам тушиб кетиши мумкин.

Умумий олиб қаралганда, мамлакат иқлими жуда куруқ, чунки ёғингарчиликлар кам (йиллик ёғин миқдори ўрта ҳисобда 100-200 мм). Ёғингарчиликларниг асосий қисми қиши ва баҳор ойларига тўғри келади. Ёғингарчиликларниг камлиги туфайли мамлакат ер майдонининг атиги 3 фоизи ўрмонлар билан қопланган ва доимий экин майдонлари эса 1фоиз ни ташкил этади. Умумий ер майдонининг 45 фоизини ташкил этувчи яйловларниг асосий қисми чўл яйловларидир.

**2009 йилда Тошкент шаҳрида бўлган ёғингарчиликлар (мм) ва ҳаво ҳарорати ( $C^{\circ}$ )**



Манба: [www.interex.fr](http://www.interex.fr) сайтидан олинган маълумотлар асосида тайёрланган.

Мамлакатнинг ўсимлик оламига келсак, Ўзбекистон чўлларида узлуксиз вегетация даври мавжуд эмас ва асосий ўсимлик турлари саксовул, буғдойиқ ва шувоқдан иборат. Тоғолди минтақалари ўсимлик турларига жуда бой, чунки шамоллар учиреб келтирган сариқтупроқ (лёсс) ерга юқори маҳсулдорлик бахш этади.

Ўзбекистон ҳайвонот олами, худди Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидағи каби, жуда хилма-хил. Антилопаларниг камёб тури оққуйруқ (сайғоқ), мамлакатнинг овлоқ ерларида эса қор барслари учраб туришини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.


### **4. Жиддий табиий хавф-хатарлар ва экологик муаммолар**

Худди қурғоқчилик каби, зилзилалар ҳам Ўзбекистон учун доимий табиий хавф-хатарлар сирасига киради (1966 йилги зилзила Тошкент шаҳрини деярли тўлалигича вайрон этган). Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига қурғоқчилик туфайли сугориб дехқончилик қилинадиган ер майдонлари атиги  $40-50$  минг  $km^2$  ни ташкил этади. Бироқ, шу ўринда, **Оролбўйидаги экологик фалокат** келтириб

чиқараётган қум ва туз бўронлари ер майдонларининг чўлу биёбонга айланиши, шўрланиши хавфини кучайтираётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмасликнинг иложи йўқ<sup>1</sup>.

Инсон фаолияти оқибатида пайдо бўлган ушбу табиий оғатлар сирасига совет даврида ишлаб чиқаришнинг назоратсиз ва тартибсиз ривожланиши туфайли юзага келган атроф-муҳитнинг **ифлосланиши** ҳам киради. Масалан, сувнинг ифлосланиши, саноат чиқиндиларини бошбошдоқлик билан теварак-атрофга ташлаб юбориш, қишлоқ хўжалигига кимёвий моддаларнинг тўхтовсиз ишлатилиши ва ш.к.

Расмий ҳисоботлар бугунги кунда сув ҳавзаларининг ифлосланганлигини таъкидлаш билан биргаликда, барча ер ости сувларининг саноат ва кимёвий чиқиндилар билан заарланганлиги ҳақида хабар беради. Совет даври хатолари Ўзбекистонни МДҲ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) давлатлари ичida экологик жиҳатдан энг танг минтақалардан бирига айлантирганлигини инкор қилиб бўлмайди. Ушбу воқеликни чуқур англаб етган Ўзбекистон ҳукумати теварак-атрофнинг ифлосланишига олиб келаётган иқтисодий ва, айниқса, саноат корхоналарини имкон қадар камайтириш йўлида **биохилмажиллик бўйича иш олиб бориши режасини** амалда татбиқ этди.



*Муаллифлар томонидан ишланган харита (Картограф Э.Дебрикон)*

<sup>1</sup> Президент Ислом Каримовнинг Орол денгизини сақлаб қолиш Халқаро Фонди асосчи давлатлар раҳбарларининг Алматида бўлган (Қозогистон) учрашувидаги нутқидан.

## 5. Совет даврида бошланган экологик фалокат

Рус истилоси бошидаёқ славян агрономлари Ўрта Осиё учун мўлжалланган гидравлик иншоотлар лойиҳаларини ишлаб чиқдилар. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Россия империясига қишлоқ хўжалигини кенгайтириш учун етишмаётган «иссиқ тупроқли» минтақа вазифасини бажарадиган ҳудудга айланди. Агрономларнинг мақсади жудда оддий, яъни Россияни пахта, ипак, тамаки, гуруч каби субтропик маҳсулотлар билан таъминлаш эди. 1870 йилдан бошлаб славян мустамлакачилари беҳисоб суғориш каналларини қаздиришга киришдилар ва дехқонларни пахтачиликка сафарбар қилдилар. 1896 йилда Сирдарёга параллел қилиб қазилган 90 км.лик канал Самарқанд ва Бухоро орасидаги чўлни кўум-кўк воҳага айлантириш имконини берди.

Бирок советлар мустамлаканинг бундай шаклига бемулоҳазалик билан ёндашардилар. Бу ҳолат, айниқса, 1965–1975 йилларда кучайди. Шу тарзда «социализм қурилиши» доирасида ва «қўриқ ерлар ўзлаштирилиши» режаси остида Ўзбекистонда суғориш каналлари узунлиги 200 000 км.га, дренаж қувурлари 120 000 км.га, насос станциялари сони 90 000 ва сув омборлари 50 тага етди!

Ушбу сиёsatнинг мусибатли оқибатлари бизга маълум. Бугунги кунга келиб Орол денгизи йўқолиб кетиш арафасида. Балиқчилар қолмади, дехқонлар ва чорвадорлар жўнаб кетишиди, туз шамоллари теварак-атрофни вайронага айлантирмоқда. 30 йил ичида ушбу денгиз ҳавзаси 45 фоизга, сув миқдори эса 60 фоизга камайди. Денгиз чекинган 3 миллион гектар майдонга чўккан тузлар чанг-тўзонлар билан кўтарилиб, тобора катта ҳудудларнинг шўрланишига сабаб бўлмоқда, шунингдек, минтақадаги музликлар эришининг тезлашишига олиб келмоқда.

Бунинг устига 1930 йиллардаёқ советлар томонидан ташкил этилган колхозлаштириш жараёни иқтисодий ва ижтимоий фожиаларга сабаб бўлди. Бу фожиалар келтирган заарлар, ҳатто, ҳозиргача тўлиқ ҳисобланмаган. Ҳамма ерда қишлоқ йиғинлари ўрнига, олдинига, ширкатлар, кейин эса колхозлар ташкил этилди. Ушбу ўзгаришларнинг оқибати тез орада маълум бўлди, коллективлаштиришнинг муваффакиятсизлиги инқирозга учраган колхозлар ўрнида давлат структураларининг, яъни совхозларнинг ўрнатилишига олиб келди. “Ўзининг азалий анъаналарига эга воҳадаги ушбу ўзgartiriшлар фалокатли оқибатларга олиб келди”<sup>1</sup>. Қатор-қатор тераклар билан тўсилган ва ҳимояланган сон-саноқсиз

<sup>1</sup> Alain Cariou, « Annales de Géographie », № 635, 2004.

боғлар ўрнига сугориш тизими билан чегараланган тўғри бурчакли очиқ майдонлар вужудга келди. Овуллар ва тарқоқ жойлашган уйлар йўқ бўлиб, улар ўрнида марказлашган қишлоқлар пайдо бўлди. Шунинг билан бирга, туар жойларнинг социалистик модернизацияси меъёrlарига жавоб бермагани учун, анъанавий уйлар бузиб ташланди. Шундай қилиб, социалистик замонавийлик атиги бир неча ўн йиллар мобайнида минг йиллик тарихга эга қишлоқ манзарасини ва маданиятни йўқ қилди, неча асрлар давомида шак-шубҳасиз нафосат ҳукм суриб келган бир жойга беўхшовлик олиб келди.

## **6. Мустақилликдан кейин Ўзбекистон ҳукуматининг атроф-муҳит муаммоларига муносабати**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 27 фоизи ва мамлакат аҳолисининг 11 миллионигина ҳаво, сув ва тупроқ сифати бўйича теварак-атроф стандартларига мос келадиган шароитларда яшамоқда. Шубҳасиз, экологик муаммолар ҳар бир вилоятда мавжуд, бироқ бу соҳада жуда қийин шароитлар қайд этилган ҳудудлар аниқ белгилаб олинган. Булар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона ва Навоий вилоятлариdir. Умумлаштириб олганда, Ўзбекистонда учратиш мумкин бўлган энг муҳим экологик муаммолар қуидагилар:

- ичимлик суви билан етарлича таъминланмаганлик;
- сув захираларининг камлиги ва ифлосланганлиги;
- тупроқнинг шўрланганлиги ва эрозияси;
- катта шаҳарларда ва саноат марказларида ҳавонинг ифлосланганлиги;
- табиий йўл билан чириб кетмайдиган қаттиқ чиқиндиларнинг йиғилиб қолганлиги;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг заҳарланиши;
- экин майдонларининг чўлга айланиши ва биохилмаҳилликнинг камайиши.

Ўзгидромет хизмати, Табиатни муҳофаза қилиш миллий қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш ва Республика эпидемиология маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон ҳудудида атмосферанинг ифлосланишини ўрганиш мақсадида жуда катта ишлар олиб бормоқда. Шундай қилиб, заҳарли моддаларнинг йиғилиб қолаётгани, теварак-атрофга ташланаётганлиги жуда долзарб масала. Бунинг устига Орол денгизининг қуриётганлиги ҳам заҳарли моддалар билан атмосферанинг ифлосланиш даражасини ошириб юборди. Орол денгизининг қуриган қисмида пайдо бўладиган чанг ва туз бўронлари нафақат Ўзбекистон миқёсида, балки бутун дунё миқёсида атмосферани ифлосламоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистонда ҳавонинг ифлосланиши, асосан, саноат фаолиятига (кимё ва металлургия саноати), катта шаҳарларда автомобиллар миқдорига ва электр ишлаб чиқаришда ёқилғининг кўп ишлатилишига ҳам боғлиқ.

Атмосферанинг ифлосланиши инсон соғлиғига жиддий зарар етказиши туфайли Ўзбекистон ҳукумати бор кучини оғир саноатни замонавийлаштириш чораларини кўришга қаратди. Бу чора бир вақтнинг ўзида ўзбек корхоналарининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ҳам оширишга хизмат қиласди.

**Тупроқнинг ифлосланишига** келсак, Ўзбекистондаги географик шарт-шароит (ёзнинг жуда иссиқ келиши ва суғориладиган катта ер майдонлари) заҳарли кимёвий моддаларнинг парчаланишини ва тарқалишини тезлаштиради. Шундай қилиб, ўзбек олимларининг таъкидлашича, 1983 йилдан буён ишлатиш тақиқланган бўлса ҳам, ДДТ миқдори экин майдонларининг ярмидан кўпида меъёрдан юқори даражада.

Ҳосилдорликни оширувчи моддалар, пестицид ва зарарли ҳашаротларга қарши моддаларнинг ортиқ даражада ишлатилиши ҳам турли-туман жиддий касалликларни келтириб чиқаради. Ҳукумат биохилмажилликни сақлаш, заиф экосистемани, табиий бойликларни асраб-авайлаш, айниқса, ёш авлод учун соғлом ва қулай ҳаёт тарзини яратиш йўлида катта ишларни амалга оширмоқда. Республика Президентининг 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиши ҳам бунинг яққол мисолидир.

Агар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш маданияти одамлар онгига сингдирилмаса, атмосфера ифлосланишининг олдини олиш соҳасида қилинаётган қаттиқ чораларнинг ўзигина кифоя эмас. Худди ана шу ғоя мактаб ва олий таълим муассасаларида ўқувчиларга етказиб берилиши лозим. Ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари ҳам келгусида иқлим ўзгаришларига мослашиш йирик инвестицияларни талаб қилишини тушунтириб боришилари керак.

Келажакда пахтачилик ва, ҳатто, пировардида нисбатан кам даромадли сектор бўлмиш ғаллачилик каби баъзи қишлоқ хўжалик секторларида маҳсулот етиштиришни камайтириш каби стратегик тадбирлар амалга оширилиши лозим. Ғаллачиликда умумий маҳсулот миқдори ошгани билан, маҳсулдорлик унча кўтарилилмади.

## **7. Сув миллий ва ҳалқаро муаммо сифатида**

Ўзбекистонда сув захиралари камайиб боришининг сабаби, асосан, экин майдонларининг суғорилишига бориб тақалади. Дарҳақиқат, сув захираларининг масъулиятызизлик билан ишлатилиши, экин майдонларини ортиқча суғориш, суғориш

тармоқларининг етарли даражада таъмирланмаганлиги сувнинг ҳаддан ортиқ исроф бўлишига сабаб бўлади. Шунингдек, қишлоқ жойларда дренаж тармоқларининг ёмон аҳволдалиги, чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги чиқиндилари туфайли сув ифлосланган.

Шунинг билан бирга сув масаласи **халқаро аҳамиятга эга муаммодир**. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48- ва 50-сессияларида қилган нутқида шундай деган эди: «Орол денгизи инқирози инсоният тарихида энг катта ижтимоий фожиалардан бири бўлиб, шу ҳудудда яшайдиган ўнлаб миллион аҳоли ҳаётини хавф остига солади».

Умуман олганда, Марказий Осиёдаги барча сув захиралари *«Сирдарё ва Амударё ҳавзалари сув захираларидан фойдаланиши схемаси»* доирасида тақсимланади. Ўзбекистоннинг ёлғиз ўзи минтақадаги сув захираларининг камидаги 50 фоизини ишлатади. Бу захираларнинг 85 фоизи эса республикадан ташқарида, асосан, Тожикистон ва Қирғизистонда ҳосил бўлади.

Хайриятки, Марказий Осиё давлатлари Орол денгизи ҳавзасидаги барча сув захиралари умумий ва давлатлар ўртасида ўзаро келишувчилик асосида тақсимланади, деган принцип асосида бир битимга келиб олишган. Амударё ва Сирдарё минтақанинг йиллик сувга эҳтиёжининг 70 фоизинигина таъминлай оладиган бир шароитда бу битим жуда катта аҳамиятга эга. Бу, албатта, сув захираларининг оқилона ишлатилиши муаммоларини ҳал этишда ўзаро келишувчилик асосида иш кўриш масалаларини мураккаблаштиради. Шундай қилиб, дарёлардан фойдаланишга доир барча қарорларни қабул қилишда, жумладан, гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда минтақа экологияси ва дарёning қуий томонида истиқомат қилувчи халқлар манфаатлари инобатга олиниши лозим. Оддий бир мисол, Амударё ва Сирдарё қуий қисмларида бугунги кунда яшайдиган аҳоли сони 7 миллиондан ортиқ. Демак, бундай ҳолатларда халқаро хукуқ нормаларига амал қилиниши лозим. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти 2007 йил 16 августда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида қўйидаги таклифлар билан чиқди:

- Ўрта Осиёдаги трансчегаравий дарёлар ресурслари ва сув оқимларидан фойдаланиш минтақада яшаётган 50 миллиондан ортиқ кишининг манфаатларига дахлдордир.

- Мазкур трансчегаравий дарёлар устида амалга ошириладиган ҳар қандай ҳаракат минтақа сув захиралари барқарорлигига путур етказмаслиги керак.

- Трансчегаравий дарёлардан фойдаланишда БМТнинг 1992 йил 17 марта қабул қилинган “Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро

кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги” конвенциясига, БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1997 йил 21 майда қабул қилинган “Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳукуки тўғрисида”ги конвенцияга амал қилиниши лозим.

- Янги гидроэлектр станцияларининг барпо этилиши тузатиб бўлмас экологик оқибатларга олиб келмаслиги, ушбу дарёлар бўйида жойлашган барча давлатларнинг сув оқимидан фойдаланиш бўйича мавжуд табиий мувозанати бузилмаслиги кафолатланиши шарт.

- Зарар етказилган тақдирда, бундай зиённи бартараф этиш ёки камайтириш учун, барча чоралар кўрилиши, зарурат туғилганда эса, уни қоплаш тўғрисидаги масала қўйилиши лозим.

Ана шу сабаблардан келиб чиқсан ҳолда трансчегаравий дарёлар ҳавзасида қуриладиган янги гидротехник иншоотларнинг техникиктисидий асослари **бетараф халқаро аудиторлик ташкилотлари** томонидан муқаррар тарзда холисона текширилиши лозим. Инвестор давлатлар, шунингдек, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки ушбу шартларнинг қатъий эканлигини унутмасликлари керак.

Шароит тақозоси туфайли келиб чиқаётган ушбу таклифлар, афсуски, ноўрин эмас. Дарҳақиқат, Ўзбекистонга қўшни баъзи давлатлар бундан 40 йиллар муқаддам совет даврида кўр-кўrona ишлаб чиқилган улкан тўғонлар қурилиши лойиҳаларини ҳалигача тарқ этганлари йўқ. Бу лойиҳаларнинг амалга ошуви шундоқ ҳам Рихтер шкаласи бўйича юқори даражадаги сейсмик силкинишлар зonasида жойлашган ушбу минтаقا учун янгидан-янги экологик ҳалокатлар келтириб чиқариши мумкин.

## I бобга доир савол ва топшириқлар

1. Муаллифлар Ўзбекистоннинг жуғрофий жойлашуви борасида қандай омилларга эътибор қаратган?
2. Ўзбекистоннинг минтақадаги бошқа давлатлар билан чегаралари ҳақида қандай фикр илгари сурилган?
3. Минтақадаги суғориш тизими ҳақида қандай фикр баён этилган?
4. Сув муаммоларининг келиб чиқиши сабаблари қандай асосланган?
5. Муаллиф мисол келтирган ҳарита ҳақида фикр билдиринг.
6. Ўзбекистон иқлимининг қайси ўзига хос жиҳатларини биласиз?
7. Муаллиф Ўзбекистоннинг ҳайвонот ва наботот олами ҳақида қандай фикрларни алоҳида таъкидлаган?
8. Экологик муаммолар қайси омиллар мисолида очиб берилган?
9. Мустақилликкача бўлган давр экологик муоаммолари қандай таҳлил этилган?
10. Ўзбекистон ҳукуматининг мавжуд муаммоларни ҳал этишдаги иштироки.

11. Минтақадаги сув муаммолари ҳақида гапириңг.

## **П БОБ. ИККИ МИНГ ЙИЛЛИК ЗАФАРЛИ ЮРИШЛАР, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ**

*“Агар бизнинг құдратимизга шубҳа қылсангиз, құрган  
биноларимизга боқинг”  
Амир Темур*

### **1. Тараққиёт чорраҳалари ва аҳолининг турмуш тарзи**

Бугунги кунда Ўзбекистонни ташкил қиладиган ҳудуд тарихи қўшни давлатлар тарихи билан яқиндан боғлиқ. Бу давлатлар биргаликда Марказий Осиё давлатларини ташкил қилади. Ўзбекистон ҳудудининг тарихи уч муҳим омилдан иборат.

**Биринчидан**, сувнинг устунлиги бу ерда доимо асосий омил бўлган. Мазкур муҳимлик, хусусан, мўғуллар томонидан сугориш каналларининг бузилишидан бошлаб то XX аср совет муҳандислари томонидан мамлакатни пахта етиштирадиган давлатга айлантиришга хизмат қилган.

**Иккинчидан**, Шарқ ва Ғарб буюк маданиятлари шу заминда учрашган ва шунинг учун ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига форслар, юнонлар, араблар, мўғуллар ва энг охири совет империяси эгалик қилган.

**Нихоят охирги омил**, Ўзбекистон дунёning энг катта чўл континентининг қоқ марказида жойлашгани ва Ўзбекистон ҳамда қўшни давлатларнинг табиий бойликларга, хусусан, ўсимликларга бойлигидир. Ушбу хусусият миллионлаб отларга икки минг йилдан кўпроқ давр ичида чўл ва тоғ бағрларидан ўтиб, тирик қолишлирига имкон яратган. Ҳосилдор тоғ этаклари Ўзбекистоннинг асосий рельефини ташкил этади.

Бу заминда Марказий Осиёning ҳамма ҳудудлари каби икки цивилизация тўқнашган, яъни икки хил турмуш тарзи: кўчманчи ва утрок.

### **2. Қадимги тарих, орийлар, сўғдликлар ва аҳамонийлар**

Ўрта палеолитда, яъни милоддан аввалги 100 000 ва 300 000 йилларда одамларнинг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига келиши бошланди ва шу ерда қадимда энг йирик ва қадим вилоятлар ташкил этилган. Лекин бу вилоятлар кўп давр ичида ер куррасининг бошқа қисмлари билан алоқада бўлмаган. Факат милоддан аввалги учинчи минг йилликнинг охирларида Россиянинг жанубида пайдо бўлган ҳинд-европаликлар ва ҳинд-эронликлар биринчи бўлиб бу ерга қадам қўйган. Аниқроғи милоддан аввалги 2000 ва 1700 йили ҳозирги

Ўзбекистоннинг жанубида ва Туркманистон ҳудудида бронза асри маданияти пайдо бўлган. Бу маданият Оксус (Амударё) ёки Бақтрия-марғинон маданияти Хиндулар маданияти билан яқин бўлган. Жарқўрғон ва Сополли Тепа манзараларининг кўрсатилишича бу ўтроқ маданият бўлиб, у ерда одамлар арпа ва буғдой ўстиришда суғориш каналларидан фойдаланишган ва йирик шаҳарлар қуришга қодир бўлганлар.

Фақат милоддан аввалги 1700 йилдан бошлаб айрим ерли ахоли Ҳиндистонга кўчиб кетган ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида сўғдлар яшаган. Сўғдлар, аввал, кўчманчи халқ бўлган ва аста-секин ўтроқ турмуш тарзига ўтган. Сўғд давлатининг номи Сўғд дарёси (ҳозирги Зарафшон) номидан олинган. Бу дарё Амударёнинг муҳим ирмоғи бўлиб, Самарқанд ва Бухорони сув билан таъминлаган. Яқин Шарқ ва Хитой карвонларининг серқатнов жойи бўлган мазкур ҳудуд ўз халқининг воситаси бўлишига ҳамда ўз халқининг воситачи бўлишига сабаб бўлган. Бу халқлар ичida бой ва эътиборли яхудийлар (Бухоро яхудийлари) жамиятини кўришимиз мумкин. Улар бу ерга Бобулистон таназуллидан сўнг келишган. Уларнинг бир қисми собиқ СССР парчаланишидан кейин ҳам қолган. Милоддан аввалги 1500 йилда Орол денгизининг жанубий қисмида жойлашган Хоразмда Тозабоғёб нуфузли маданиятининг пайдо бўлишини айтиб ўтишимиз жоиз.


Агар археологларга қулоқ тутадиган бўлсак, уларнинг фикрича, бу халқ чорвадор халқ бўлиб, аслзодалар уруш араваларидан фойдаланишган ва зодагонларини қўрғонлар (қабристонларда) дафн этишган. Баъзилар улар ҳозирги тоҷик халқининг аждодлари эканлигини таъкидлайдилар ва бунга уларнинг тиллари ўзаро яқин эканлигини асос қилиб оладилар. Ренэ Груссе ўзининг “Чўллар империяси” асарида Марказий Осиё тарихи милоддан аввалги VI асрдан форсларнинг Аҳамонийлар империяси Сўғд, Хоразм (Хива ҳудуди), Бақтрия, Туркистон ва Афғонистон ҳудудларини ташкил этган даврдан бошланади, деб ёзган. Бақтрия, сўзсиз, энг муҳим сиёсий вилоят бўлган. Римликлар Трансоксиания (Амударёнинг у томонидаги давлат), араблар Мовароуннаҳр деб аташган бу давлат ҳудуди Амударёдан Сирдарёгача чўзилган бўлиб, мазкур ҳудудда Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари вужудга келган. Амударёнинг қуий оқимида жойлашган Хоразм ўтроқ деҳқонларининг маданияти, хусусан, сувни ўзлаштириб, суғориш илмидан хабардор бўлганликлари бу маданиятининг абадий яшаб қолишига сабабчи бўлган. Шу билан бирга, Хива мустаҳкам қалъа бўлгани боис, Хоразм хонлари бу ўлкани XIX асргача сақлаб келганлар. Сирдарёнинг орт томонида Сака (рус тилида Семиречье) ҳудуди чўзилган бўлиб, у

Тянь-Шаннинг баланд тоғларида, улкан чўл платоларидан иборат бўлган. Бу ҳудуднинг халқи кўчманчи халқ бўлиб, у ерда XX асргача яшаб келган.

### **3. Искандар Зулқарнайн ва юнонлар**

Милоддан 330 йил олдин Месопотамияда Искандар Зулқарнайн Ахмонийларнинг охириги императори (подшоси) Дорий III қўшинларини яксон қиласди. Форс империясининг ҳалокати Искандарга ғалабасини давом эттиришга имкон беради. Милоддан 330 йил олдин, ҳозирги Афғонистоннинг асосий шаҳарлари (Хирот, Қандаҳор, Қобул)ни босиб олгандан кейин у Паншир водийси орқали Ҳиндуқушга кириб келади. Амударёдаги Оксус шаҳрини кесиб ўтгандан кейин у Самарқандга ва, ўз навбатида, скифларнинг ғалаёнларига нуқта қўйиш учун Сирдарёга қараб юриш қиласди. Ҳозирги Хўжанд ёнидаги шаҳарда у Александэсхатани (йироқдаги Александрия) ташкил қиласди. Суғдиёналиклар Искандарга қарши чиқиш учун скифлар билан бирлашишади ва фақатгина милоддан олдин 328 йилда тоғларга чекинган суғдиёналиклар грекларга таслим бўлишга мажбур бўладилар. Уларнинг етакчиси ўзининг Роксана исмли чиройли қизини Искандарга топширишига тўғри келади. Бу никоҳ Искандарга Суғдиёна халқининг қаршилигини енгишга ёрдам берди.

Харита – 6



Искандар Зулқарнайнинг ўткинчи империяси бу ўлкада кўплаб тўс-тўполонларга сабабчи бўлган бўлса ҳам, Шарқ ва Ғарб ўртасида маданий алоқалар ривожланишига асос солди. Бу алоқалар


шарқликлар ва греклар ўртасида тузилган 10 000 га яқин дурагай оила, Юнонистонга шарқ халқлари маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш технологияларини олиб кетиш асосида ривожланди.

Милоддан олдинги 323 йилда, Искандарнинг вафотидан сўнг, Трансоксиания (Мовароуннахр) унинг отлик қўшин бошлиғи, Салавкийлар авлоди асосчиси Салавк I Никатор қўл остига ўтади. Айнан унинг подшолигида грек чорикорларини (колонистларини) оммавий армияга киргизишини Бақтрия фаҳмлади. Аммо Салавк II подшолигида Суриядаги ҳарбий мағлубияти шарқий ерларни сақлаб қолишга тўсқинлик қилди. Шунинг учун милоддан 250 йил олдин Диодот I салавкийлардан алоҳида Юнон-Бақтрия подшолигига асос солди. Сўнг мустақил салавкий Антиох III Бақтрияни қайта эгаллашга ҳаракат қилди, бироқ бунинг фойдаси бўлмади. Салавкийлар авлоди милоддан 64 йил олдин йўқ бўлиб, империянинг қолган қисми Рим империясига қўшилиб кетди.

Милоддан аввалги I асрдан ва милодий II асрда Хитойдан келган Юэчжи ва Сак кўчманчи халқи Юнон-Бақтрия подшолигини эгаллаб олади. Шундай қилиб, улар милоддан 190 йил олдин ҳинд-юнон подшолиги саналган бу бирлашишнинг жануби-шарқ томонга кўчишида иштирок этишди. Милоддан 115 йил олдин парфияликлар сакларни Бақтриянинг ғарбий қисмидан ҳайдаб чиқаришади. Улар эса мажбуран Афғонистонга қараб кетишади. Қизиқарли ҳодиса шуки, парфияликларнинг синкретизм ҳолати (бир-биридан ажralмаган ҳолати) аста-секин монотеизмга (якка худолик) ўзгаради ва Ўрта Осиёнинг бу қисмida расмий дин ҳисобланган, кейинчалик эса Сосонийлар сулоласи остидаги зороастризм (зардуштийлик)ни ривожлантиради.

Харита-7

Эллинизм дунёси. Милоддан аввалги 188 йил.



#### 4. Күшон империяси ва Буюк ипак йўлининг барпо этилиши

Юнон-Бақтрия подшолиги кўчманчиларнинг сиқуви остида мағлуб бўлгандан кейин, айнан милоднинг бошланишидан бир аср олдин, Күшон империяси ташкил топган. Келиб чиқиши Юэжилар қабиласидан бўлган Күшонлар аста-секин Бақтрияни эгаллаб олди ҳамда Хитой ва Шарқ мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг барпо этилишида худди Ўрта Осиёда буддизм ва юнон амалий санъатининг ривожланиши каби катта роль ўйнаши мумкин эди. Буюк ипак йўли милоддан олдинги II асрда ташкил топган бўлиб, узок давр мобайнида сайёранинг энг катта ер ва денгиз савдо-сотик йўли бўлиб келган. Айнан Күшонлар Буюк ипак йўлининг хавфсизлигини муваффақиятли таъминлаб, натижада Дажладан Амударёгача бўлган масофада форсларнинг таҳдидлари бартараф этилди.


Хитой билан савдо-сотик қилиш жуда муҳим бўлиб қолган бир пайтда Мовароуннахр (Трансоксиания), аввало, иқтисодий соҳада пул муомаласининг сероблиги ва Шарқ мамлакатлари учун нотаниш бўлган бир неча (ипак, чой, зираворлар, чинни, қоғоз) маҳсулотларигача, кейин эса маданий ва диний алмашиш соҳаларида стратегик чорраҳа бўлишини маълум қилди. Шу тариқа, Күшонлар ҳинд, тибет ва хитой санъатига қанчалар қаттиқ таъсир кўрсатганини билишарди. Шу вақтнинг ўзида Буюк ипак йўли маркази бўлган Фарғона вилояти ўзининг мустақиллигини сақлаб қолишга эришади, Мовароуннахр эса бир ҳаяжонли тарихни, у ердаги бирин-кетин кетаётган кўплаб заиф ва қисқа муддатли подшоликларни ўз бошидан кечиради.

## 5. Сосонийлар, хунлар ва турк сулолалари

Буюк ипак йўлиниң гуллаб-яшнаган даври тугаши билан ва Кушон, Парфия, Рим ва Хитой сулолаларининг инқирозга учраши билан ҳамма нарса бутунлай ўзгариб кетди. Бунинг устига милодий 224 йилда сосонийлар сулоласи майдонга чиқди. Бу сулола ўзининг жуда илғор қишлоқ хўжалиги техникаси, энг муқаммал урбанизация шакллари ва давлат бошқарувининг мустаҳкам шаклини узоқ вақт сақлаб турса олди.

III ва IV асрларда Сосонийлар, уларга ўзларининг ҳудудларини бермаган Кушонларга қарши жанг қилдилар. IV асрнинг охирига келиб, аввал, қизил хунлар, кейинчалик Кидарийлар сулоласи Мовароуннахрга нисбатан ўз таъсирини ўтказиб турди. Бахтга қарши, 427 йили Хитойдан келган ва Ўрта Осиёда форс ҳукмронлигини қайта ўрнатган сосоний ҳукмдори Баҳром Гўр Оқ хунларни яксон қилди. Шундай қилиб, Сосонийлар тўрт аср давомида Мовароуннахрга тегишли бўлган бепоён ҳудудларни назорат қиладилар. Бироқ улар ғарбда Рим империясига, шимолий шарқда турк ва хунларга қарши ва, ҳатто, Аттила Европани хонавайрон қилаётган пайтида, уларга қарши кўплаб ҳарбий юришларни олиб боришга мажбур бўлдилар.

Харита – 8



Хунлар сулоласидан кейин Сирдарёning жанубий қирғоғида турклар жойлашади. Булар Кўк турклар сулоласига тегишли бўлган кўк кўзли турклар эди. 559 йили Сосонийлар, хунларни ҳайдаб чиқариш учун, хунларга қарши қайта эгаллаб олинган вилоятларнинг


назорати билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган Кўк турклар сулоласи билан иттифоқ тузишади. Шундай қилиб, улар сараланган турк қўчманчилари ва ўтрок сўғд катта амалдорлари ўртасидаги муҳим бир чатиштиришнинг гувоҳи бўладилар. Мазкур ўзаро сингдиришлар дунёниг бу ҳудудида ҳозирги Ўзбекистонга мавжуд маданий бирликни армуғон қилди. Туркларнинг таъсири остида, аслида уларнинг заргарлик ва қурол-яроқقا бўлган қизиқишилари натижасида, ҳозирги Ўзбекистон халқи олтин, қумуш, мис, темир ва қўрғошиндан қилинган металл ҳунармандчилигини дунёга келтирди. Умуман олганда, турк тилининг синтаксиси ва ёзуви асосида амалий тилшунослик бутун ҳудудга сингдирилди.

## **6. Ислом дини ва арабларнинг кириб келиши**

Шак-шубҳасиз ғарб туркларининг инқирози 642 йилда Форсни босиб олган мусулмон (араб) қўшинларига Сирдарё ва Амударё ўртасида жойлашган ҳудудларни аста-секин қўлга киритиш имконини берди. 706 йили араблар Самарқанд ва Фарғона шаҳарларини ислом динига ўтказиши мақсадида кириб келдилар. 709 йили улар Бухорони ва 712 йили бир марта ағдарилган Самарқандни қўлга олдилар. Араб қўшини етакчиси Қутайба ибн Муслим ўз аскарлари билан ҳозирги Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг барча ҳудудларини назорат остига олди.

Ўз динини ислом динига ўтказишига рози бўлган сўғдлар солиқлардан озод қилиниши натижасида ислом дини тез суръатлар билан тарқалиб кетди. Солиқлар миқдорининг камайтирилиши эвазига исломга кираётган кишилар сони шу даражада ортиб кетдики, араблар исломга янги кираётганларга хатна қилдириш ва Куръони Каримни яхши ўзлаштириш каби қўшимча талабларни эълон қилишга мажбур бўлдилар. Мазкур қарорлардан кейин 720 ва 721 йиллар ўртасида халқ қўзгалон кўтарди ҳамда сўғдлар турклар ёрдамида Самарқанддаги араблар қўшинининг туар жойини вайрон қилдилар.

**Харита - 9**  
**Сосонийлар империяси (224)**



Кетма-кет янги араб етакчисининг Хуросонга тайинланиши натижасида сўғдлар яна исён кўтардилар. Бироқ кучлар teng бўлмагани боис сўғдларнинг кўпчилиги араблар қалъасидаги Муғ тоғига чекинишга ва бошпана қидиришга мажбур бўлди. 722 йили араблар мазкур қалъани ўраб олиб, исёнчиларни қатл қилишди.


728 йили Хуросоннинг араб подшоҳи динини ўзгартирган янги кишиларни солиқдан озод қилишни қайтадан бошлаб юборди ва айнан шу сабаблар натижасида қўзғалонлар кўтарилди. Туркларнинг ёрдами туфайли Бухоро шахри исён кўтарган сўғдлар пойтахтига айланди. 729 йили шаҳар араб кўшинларига қарши жанг бошлади. Самарқанд шахри эса нисбатан тинч бўлишига қарамай, араблар томонидан сўғдлар ғалаёнларини бостириш чоғида кўп азоблар чеккан.

734 йилга келиб, араблар етакчиси Наср ибн Сайёр маҳаллий шахслар билан ҳамкорликда ишлаш сиёсатини йўлга қўяди. Бироқ, Қирғизистонда жойлашган Талас шаҳридаги жангда (751 й.) турк, араб ва тибетликлар Хитойга қарши курашадилар ва жангда мағлуб бўлганлари сабаб, ҳозирги кунгача чегара ҳисобланмиш Тянь-Шань тоғларига томон чекинадилар. Шу тариқа араблар Ислом динининг ривожланишига катта ёрдам берган қоғоз ишлаб чиқариш сирларини эгаллашади. Хорун ар-Рашид барча идораларда қоғоздан фойдаланиши мажбурий деб эълон қиласди. Қоғоздан фойдаланиш тартиби Бағдодда 793 йилда, Мисрда 900 йилда, Испанияда 1056 йилда ва ... Францияда фақатгина XIV аср бошларидағина ўрнатилади.


Таласдаги жанг Хитой қоғоз кашфиётини Ўрта Шарқ, Яқин Шарқ ва Европада ёйиш имконини берди. Ўзбекистон ҳудудидаги халқлар араб аскарлариға қарши турли-туман исёnlари Уммавийларнинг ағдарилишига ва уларнинг ўрнини Аббосийлар томонидан эгалланишига имкон берди. Мовароуннахрнинг араб халифалигига қўшиб олиниши хам Бухоро, Термиз, Бинкент (Тошкент) ва Самарқанд шаҳарларининг тараққий этишига янги зарба берди. Бу сўлим шаҳарлар IX асрда юқори чўққига эришган юонон файласуфларининг жуда кўп сонли асарларини пайғамбарлар тилига таржима қилган даврида араб-мусулмон илмининг ривожланишига асосий оралиқ шаҳарлари бўлди. Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида жойлашган йирик шаҳарлар Ислом динининг устунлари бўлиб қолди. Алгебра қоидаларининг биринчи ихтироиси Ал-Хоразмий 783 йилда Хоразмда туғилган. Фарғона водийси ўз диёрида ижод қилган ал-Фарғонийни (805–880) кўрди. Ва ниҳоят, Бухоро ўзининг 113 мадрасаси билан, мусулмон дунёсида сўзсиз энг заковатли (билимдон) марказга айланди, чунки Бухоро шаҳрининг динга хос тарзда келиб чиқиши Имом ал-Бухорий (810–870) қарамоғига олинган эди.

#### Харита – 10

#### Уммавийлар империяси



Харита – 11  
Аббосийлар империяси



*Муаллифлар томонидан ишланган харита (Картограф Э.Дебрикон)*

## 7. Сомонийлар ва шаҳарларнинг маданий тараққиёти

Арабларнинг босқини тугаши билан форсийлар сулоласига мансуб бўлган Сомонийлар ҳукмронликни ўз қўлларига олиб, Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳарларининг ҳунармандчилигини анча ривожлантириди. Арабларнинг қаршилигига қарамай Сомонийлар X асрда ҳарбий салоҳиятда қанчалик устун бўлган бўлсалар, санъат, ҳунармандчилик, ва, умуман, маданият ўчоқларини шу даражада ривожлантиридилар. 980 йили Бухоро шаҳри яқинида табиб ва файласуф Авиценна (Абу Али ибн Сино) дунёга келди. Етти йил олдин эса, ҳозирги Урганч шаҳри яқинида қомусий олим (илм-фанинг турли соҳаларидан кенг маълумотга эга бўлган) ал-Беруний, Абу Али ибн Синонинг дўсти ва хат ёзиб турувчиси туғилди.

### Авиценна (980–1037)

Авиценна (Абу Али ибн Сино) 980 йили Бухоро яқинидаги Сомонийлар давлатига қарашли Афшона қишлоғида туғилган. У ўзининг диний эътиқоди ва ноёб хотираси, Куръони Каримни ёддан айтиб бериш қобилияти билан ўз тенгдошлари эътиборини қозонади. Абу Али ибн Сино ёшлигидан тиббиёт илмига, айниқса, табиий фанларга қизиқа бошлайди. Унинг юксак табиблик маҳорати Бухоро амири Нуҳибн Мансурни даволагандан сўнг халқ орасида тан олинади. Унинг машхур “Тиб қонунлари” асари дунё тиббиёт фанлари тарихида чуқур из қолдирди.

Айниқса унинг илмга қизиқиши ва донолиги машхур олим бўлишига сабабчи бўлди. Ижтимоий фанлар билан бир қаторда у аниқ фанларга оид билимларини бойитиб борди. Тиббиёт илмидан ташқари у яна астрономия, иқтисод, мантиқ ва метафизикада ўзини синааб кўрди. Унинг асарлари ва Аристотель асарларига ёзган шарҳлари ўрта аср ислом ва лотин фалсафасига катта таъсир кўрсатди ва бу таъсир натижасида ғарб олий таълим муассасаларида (университетларида) “лотин Ибн Синочилари”" деган фалсафий оқим пайдо бўлди.

Асосан унинг илмий обрўси бир неча Осиё подшолари, хусусан, Сомонийлар шоҳи томонидан тан олинган. Бу унинг машхур саёҳатчи олим бўлганидан далолат беради. Кўпгина саёҳатлари Ибн Синони Хоразм ва Хурросон (ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқий қисми), бугунги кундаги Техрон вилоятлари ва Ҳамадонга (ҳозирги Эроннинг ғарбий қисми) томон етаклади. Бу шаҳарда у буҳавий амири Шамсуддавла томонидан вазир этиб тайинланади. Амир вафотидан сўнг у сиёсий фитналар қурбони бўлиб, зинданбанд этилади. Зиндандан қочиб, Исфаҳон подшоҳи Алауддавладан паноҳ топади. Абу Али ибн Сино 57 ёшда Ҳамадонда (ҳозирги Эрон) вафот этади.

## **8. Қораҳонийлар, салжуқийлар ва мўғул босқини**

Х аср бошларида, бир қатор урушлар натижасида Сомонийлар авлоди кучсизлантирилди. Бу эса, ўз навбатида, мустамлакага бўлинган икки турк авлоди хукмронлигини босиб олишни осонлаштириди. Газнавийлар ҳозирги Афғонистон шимолидаги Хурросон ва Амударёнинг жанубида жойлашди. **Қораҳонийлар** Амударёнинг шимолида жойлашган Мовароуннаҳр ва даштларни назорат қиласиди. Қораҳонийлар 920 йилдан бошлаб, ўз динларини ислом динига ўзгартиради ва, 992 йилда Бухоронинг босиб олинишидан кейин, Мовароуннаҳрни забт этади. 999 йилда Самарқанд Қораҳонийлар қўлига ўтади.

Марказий Осиёнинг Салжуқийлар (1040) деб аталувчи турк авлоди Қораҳонийларни тор-мор қилганда уларнинг ерлари иккига бўлинади: пойтахти Бухоро, кейинчалик Самарқанд бўлган ғарбий подшоҳлик, Қошғардан туриб бошқариладиган шарқий подшоҳлик. Бироқ 1089 йилдан бошлаб, салжуқийлар ғарбий подшоҳликни бутунлай назорат қилиш имкониятига эга бўлади. Улар Бухоро ва Самарқандни босиб олишиди ва архитектурада катта ўзгаришлар қилишади. Кейинроқ эса, яъни 1124 йилдан 1218 йилгача, Фарғона водийси хитойликларнинг биринчи мўғуллари Қора-хитойликлар, буряtlарнинг қадимги авлоди томонидан босиб олинади. Қораҳонийлар подшолиги 1212 йили Самарқанднинг таслим бўлиши билан бутунлай парчаланиб кетади.

Шу даврда Хоразм Қипчоқ ва Ўғузлар билан иттифоқ бўлганлиги


туфайли равнақ топаётган миңтақага айланади. Қипчоқ ва Ўғузларнинг хужумига қарамай, экилган далаларни ўзларининг подалари учун яйловга айлантиради. 1220 йили мўғуллар, 200 минг аскардан иборат катта қўшинни бошқариб турган Чингизхон билан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини эгаллаб олади ва катта шаҳарларни вайрон қиласди. Дарҳақиқат, 1219 йилда Хоразм подшохи Чингизхон томонидан юборилган бутун бир карвонни аямасдан қириб ташлайди. Шундан кейин бу воқеанинг сабабини билгани келган барча мўғул элчилари ҳам ўлдирилади.

Бухоро батамом кулга айлантирилади. Мўғуллар Самарқанд, Марв, Термиз, Қобул ва Ғазна шаҳарларини вайрон қилишади. Барча ҳудудлардаги ўтроқ аҳолининг қишлоқ хўжалиги кўчманчилар томонидан вайрон этилади. Бироқ кўчманчилар ўлкада тартиб-интизом ва барқарорликни ўрнатишидди. Бунинг натижасида Буюк ипак йўли фаолияти барқарорлашади. Буни кўпчилик хитой, араб, ғарб саёҳатчилари, хусусан, машҳур сайёҳ Марко Поло таъкидлаган.


Чингизхон вафотидан кейин унинг ўғиллари Украинадан Хитойгача чўзилган подшоликни ўзаро бўлиб олишади. Унинг Чиғатой исмли иккинчи ўғли кейинчалик машҳур Чиғатой хонлигига айланган Ғарбда Қозоғистон, Ўзбекистон, Афғонистон ва Хинж-янгларни қўлга киритди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Европадаги Олтин Ўрда хонлари ва Юан авлоди бошлиқларига қарамасдан, Чиғатой хонлиги бутунлай кўчманчи турмуш тарзини пойтахт турмуш тарзи билан ушлаб туришга муваффақ бўлди. Шундай бўлса ҳам, мусулмон бошқарувчилари уларни аста-секин ўтроқлаштирди ва, ҳатто, ислом динига қабул қилишидди. XIV асрнинг биринчи ярмида, Чиғатой подшолиги иккига бўлинади: кўчманчи бўлиб қолган шарқ Мўғулистони ва аксарият аҳолиси ўтроқ халққа айланган ғарбдаги Мовароуннаҳр.

Чиғатой сулоласининг ҳукмронлиги 1347 йилгача давом этди. Шу вақтда уларнинг катта хони ўзини бевосита Карно қабиласининг амири деб эълон қилган Қозоғон томонидан ўлдирилди. Ундан кейин унинг ўғли 1360 йилгача, яъни Қозоғон қатл этилгунга қадар, Ўзбекистонда ҳукмронлик қилди. Айнан шу пайт Мўғулистоннинг кўчманчи халқи ҳудудни талон-тарож қилиш учун яхши имкониятга эга бўлди. Бундан ташқари, барлосларнинг (“эшак” лақабига эга бўлган) турк-мўғул қабиласи ҳудудда ҳукмронлик қилишни бошлади. Уларнинг бошлиғи Ҳожи Барлоснинг Эронга қочиб кетиши, унинг жияни Темурга Барлосларнинг ҳукмдори, кейинчалик эса бутун ҳудуддаги қабилаларга раҳбар бўлишга йўл очиб берди.

Харита – 12  
Чингизхон империяси



Харита – 13  
Чингизхон империясининг чегаралари (XIV аср)



## 9. Амир Темур ва темурийлар: Самарқанднинг залворли даври

Мўғул империясининг парчаланиши турк халқларининг жадаллик билан юксалишига сабаб бўлди. Темур (1336-1405) "Темур ланг" ("Темур оқсоқ") деб ном олишига унинг чўлоқлиги сабаб бўлиб, у турк қабиласидан эди. Баъзи тарихчиларнинг айтишича, у ўта шафқатсиз бўлган. Ҳақиқатда эса бу шахс, тарихдаги бошқа буюк сиймолар каби, бошқа яхши фазилатларга ҳам эди.

Темур, энг аввало, Чигатой хони бошқараётган Мовароуннахрни забт этиб, кейинги 9 йил ичида ҳозирги Эрон, Ирок, Сурия, Шарқий Туркия, Кавказ ва Ҳиндистоннинг бутун шимолий ҳудудларини қўлга киритади. Гўзаллик шайдоси ҳамда санъат ишқибози, ўзининг ҳукмронлиги даврида босиб олган ҳудудлардан олиб келган маданий бойликлари билан пойтахт – Самарқанднинг гуллаб яшнашига ҳаракат қилди. У ҳукмронлик қилган даврда Чингизхон мўғуллари томонидан талон-торож қилинган Самарқанд яна қайтадан тикланди.

Уйланишда ақл-идрок сиёсатини қўллаш Темур обрўсини янада оширган ва унинг Қозонхон қизи Бибихонимга уйланиши, "Кўрагоний"(яъни "хон қуёви") номини олиш имконини берган. Темур Хитойга ҳужум қилишга тайёргарлик пайтда 71 ёшида вафот этган. Унинг вафоти, ўғли Шоҳруҳга у ташкил қилган салтанат бошқарувини қўлга олиш имконини берди. Темурийлар салтанати аста-секин парчалана бошлади. Ўша даврда, ҳатто, Ҳирот темурийларнинг юксак маданият марказига айланиши мумкин бўлганда ҳам, салтанат секин-аста емирила бошлайди. Темурийлар салтанати ўзбек сулоласидан бўлган Шайбонийлар қўл остига ўтиши билан тугайди. Шундай бўлса-да, XV асрда Ҳирот ва Самарқанд шаҳарлари мисли кўрилмаган гўзал санъат ва илм ўчоғига айланди.

Темурийлар сулоласининг Уйғониш даврида фанга бўлган қизиқиши Шоҳруҳ (1377–1447), Улуғбек (1394–1449) ва Ҳусайн Бойқаро (1438–1506) ҳукмронлиги даврларида янада ривожлана борган.

Улуғбекнинг ўзи буюк олим бўлиб, Самарқандда бир институт ҳамда 70 нафар фалакиёт ва математик олимларни тўплай олган расадхонага асос солган. Бахтга қарши Улуғбек ўзининг тўнғич ўғли томонидан ўлдирилган. Ўғлининг ўзи ҳам тахтга ўтириб улгурмасдан, душманлари томонидан ўлдирилган. Темурнинг ўғли Шоҳруҳ ҳукмронлиги даврида Ҳиротнинг мавқеи ўзгача бир услубда намоён бўлди. Форс тили билан биргаликда турк сарой тили ҳам пайдо бўлди. Чигатой деб аталган бу миллий тил асрлар давомида Марказий Осиёда турли маданиятларнинг юксалишида муҳим роль ўйнади. Бунда Ҳиротда XV асрнинг 2-ярмида яшаб ижод этган буюк ўзбек шоири ва файласуфи, ҳозирги замон ўзбек тилининг асосчиси Алишер Навоий асарларининг яратилиши ўша давр маданиятининг ниҳоятда ривожланганлигидан далолат беради.

## Амир Темур (1336–1405)

Темур 1336 йилда Самарқанднинг жанубидан тахминан 80 километр узоқликда жойлашган Кеш (ҳозирги Шахрисабз шаҳри яқинида) шаҳрида таваллуд топган.

Бу даврда Кеш шахри Барлос қабиласи хукмронлиги остида эди. Бу қабила Кеш шаҳрида ўтроқлашиб туркийлашган Чигатай хонлиги ахолисидан иборат эди. Темур Барлос қабиласига бошчилик қилган отаси Тарағайнинг ўлимига қадар бу қабиланинг меросий сардорлик лавозимини мерос қилиб олган. У 1358 йилда кўшиннинг бош саркардаси бўлишидан олдин, темурийлар сулоласидан биринчи бўлиб исломни қабул қилди ва ўзини илм-фанга бағишлади. Шу даврдан бошлаб Мовароуннаҳр бўйлаб ҳарбий юришларда иштирок этган. Кейин у Қазагон билан иттифоқ тузган ва Хурсон, Хоразм ва Урганчни бўйсундиради. Мовароуннаҳр у томонидан босиб олинган бўлса-да, бошқарув Туғлуқнинг бир ўғли томонидан олиб борилган. Унинг ўлеми Амир Темур салтанатининг ибтидоси бўлди.

Ўзининг қатъиятли саркардалигини намоён этган Амир Темур 1369 йилда Самарқанд таҳтига ўтирган ва ўз ҳудудларини кенгайтириш учун ҳарбий юришларини бошлаган. У ҳарбий юришлари давомида форслар давлатининг жануби-шарқий қисмида жойлашган вилоятлар ҳамда Ҳиротни (ҳозирги Афғонистон ҳудудида), барча форс вилоятларини забт этади.


Аслида эса қўшинининг тўхтовсиз жанговар ҳаракати туфайли Темур "Дунё ҳукмдори" унвонини қўлга киритган. Шунинг учун ҳам Темур ўз қўшини билан Москвадан то Дехлигача бўлган ҳудудларни моҳирлик билан эгаллаган.

У ўзининг жанговар юришлари давомида санъат ва ҳунармандлар ишларидан илҳомланиб қайтган. У турк тилидан ташқари форс ва араб тилларини мукаммал билган, илмга чанқоқ ва ўз атрофига барча фанлар бўйича билимдонларни, олимларни тўплашни яхши кўрган. У қаттиққўл ҳарбий саркарда бўлиши билан бир пайтда, ўзини илм ва санъат ҳомийси сифатида ҳам кўрсатган. Буни шу даврда Самарқанднинг гуллаб-яшнаганлигидан ҳам билса бўлади.

Моҳир ҳарбий саркарда ҳамда уста дипломат Темур Чингизхон авлодига тегишли томони бўлмагани учун "амир" унвонини олиш билан чекланган. У ўзи қўлга киритган хонликларнинг беваларига "кўрагоний" яъни "хон куёви" номини олиш учун уйланган ва бу унинг обрўсини янада оширган. Лекин Темур томонидан ишғол қилинган ҳудудларда ва душмандан тортиб олинган жойларда муқим бошқарув тизими ўрнатилмади. Шу сабабли унинг салтанати ўзидан кейин кўп давом этмади. Европаликларнинг Амир Темурни ҳурмат қилишига сабаб, Султон Боязидни асир олиб, Константинополнинг қулашини ярим асрга кечиктирганидир, бу эса юонон маданиятининг Италияда кенг тарқалишига имкон берди.

1404 йил қишида у Хитойга юриш қилишга қарор қиласди ва вабога чалинади. 1405 йили февралда у ўз мақсадига етолмай, яъни

минглар сулоласини бўйсундирмасдан Ўтрорда вафот этади. Бу сулолани Темур хуш кўрмагани учун унинг хонини "тўнғиз хон" деб атаган. Ўлимидан кейин унинг салтанати тез орада барҳам топади. Унинг ўғли Шоҳруҳ шарқий Эрон ҳудудини бошқарган, унинг набираси Улуғбек эса ўша даврда Самарқандни тенгсиз ва нурафшон илм тарқатувчи марказга айлантирган.



## Улуғбек (1394–1449)

Мирзо Улуғбек Амир Темурнинг набираси ва Шоҳруҳ Мирзонинг тўнғич ўғли бўлиб, асл исми Муҳаммад Тарағай, 1394 йили Султонияда (хозирги Эрон) таваллуд топган. 1409 йили отаси Ҳиротда темурийлар салтанати таҳтига ўтирган пайтда у 15 ёшда бўлиб, отаси томонидан Самарқанд ҳокими деб эълон қилинади. 1411 йилдан бошлаб у бутун Мовароуннаҳри бошқара бошлайди. У ўз вазифаси мажбуриятидан келиб чиқиб, кўчманчи қабилаларга қарши ҳарбий юришлар олиб боради. Бироқ, улар мағлубият билан тугайди.

Сиёsat бобида омади чопмаган Улуғбек илм-фанга янада кўпроқ қизиқиши бошлайди. Унинг математика, тарих, тиббиёт, диншунослик, мусиқа ва шеъриятга қизиқиши жуда баланд эди. Астрономия мактаби ва Самарқанддаги расадхона (1424–1429) асосчиси ўз номи билан боғлиқ "Зижи жадиди Кўрагоний" астрономик жадвал тузади. У ўз даврининг машҳур олимлари Али Қушчи ва Қозизода Румийни Самарқандга жалб қиласи. Унинг атрофида йиғилган астроном олимлар билан мингдан ортиқ юлдузларнинг ўрни ва ҳолати, қуёш тутилишини олдиндан айтиб

бериш ва юлдуз йилининг аниқ ҳисобини ихтиро қилади. Самарқандда ҳозиргача Улугбекнинг илм-фан йўлида қилган ишларининг намуналари сақланиб қолган. Мирзо Улугбек 1420 йилдан бошлаб қўплаб мадрасалар қурдирган.

Аммо Улугбек ўзининг катта ўғли билан низолашиб қолади ва ўғли уни 1449 йили Маккага ҳаж сафарига кетаётган пайтида ёлланма қотил ёрдамида ўлдиради. Қадрдон дўсти ва шогирди Али Қушчи у ердан қочиб, Улугбек тузган астрономик жадвални Константинополга олиб келади. Бу ерда мазкур асар ўша даврдаги европалик олимлар томонидан тан олинади ва таржима қилинади.

## 10. Шайбонийлар ва биринчи ўзбеклар

Шайбонийлар сулоласи 15 минг оиласдан иборат бўлиб, **Олтин Ўрда** таркибидаги ҳозирги Қозоғистоннинг ғарбида кичик бир улусга бошчилик қиларди. Сулола ҳукмронлиги даври худуддаги турли элатларни бирлаштириш имкониятининг йўқлиги ва ўзбек улусининг **Буюк ипак йўли савдо тармоғидан узилиб қолиши** билан характерланади. 1429 йили Абулхайрхон Тобол, Урал ва Сирдарё ораларида кўчманчилик қилиб кун кўрадиган қабилаларни Ўзбек улуси номи билан бирлаштиришга муваффақ бўлади. Шундай қилиб «ўзбек» атамаси тарихда биринчи бор пайдо бўлади, лекин у ҳали этник маъно касб этмаган эди. Аслида этимологик жиҳатдан бу сўз, аввалимбор, Олтин Ўрдада XIII асрдан бошлаб исломни давлат дини сифатида жорий этган мўғул хони Ўзбекхон исмига бориб тақалади. Баҳтга қарши Абулхайрхон ўзбек давлатини шакллантиришга улгурмасдан 1468 йилда вафот этади. Кейинчалик унинг жияни Шайбонийхон Бухоро ва Самарқандни босиб олади, 1507 йилда темурийларни ағдаради ва ўзи ҳам 1510 йилда Эронга қарши урушда ҳалок бўлади. Ундан кейин ҳукмронлик қилган бошқа шайбоний сultonлар ўзбек хонлигини сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашга муваффақ бўлмайди. Шайбонийлар сулоласи Бухоро ва Самарқандда ҳукмронлик қилган ва 1598 йилда сарой аъёнлари томонидан қатл этилган Абдулмўмин билан якунига етади.

XV асрнинг иккинчи ярмида **Бухоро хонлигига** сулолавий ўзгариш юз беради. Хонлик энди **Аштархонийлар сулоласи** ҳукмронлигига ўтади. Абулхайрхон авлодларига келсақ, уларнинг катта қисми шимолда, Чу дарёси водийсида ўрнашган.

Худди ана шу даврга келиб, кўчманчи ҳаёт тарзини сақлаб қолган қозоқларга қарши ўлароқ, ўзбеклар ўзлари жойлашган ҳосилдор водийлар ва тоғ этакларига мослашиб, ўтрок дехқончилик тарзини танлашади. Бу ўтроқлашув билан бирга урбанизация жараёни ва кучли маъмурий тизим жадал ривожлана боради. Шу орада океан кема қатновининг йўлга қўйилиши Буюк ипак йўлини барбод қилади,

натижада Ўрта Осиё, хусусан, Мовароуннахр иқтисодий инқизорзга юз тутади. XVIII асргача Мовароуннахр аштархонийлар ва сафавийлар хукмронлиги остида бўлади. Айни пайтда қозоқлар Катта, Ўрта ва Кичик Жузларни бирлаштирувчи буюк кўчманчи империя ташкил қилиш истагида Сака ҳудудларини (Урал ва Иртиш ораси) эгаллашга тайёргарлик кўришади.

## **11. З.М. Бобур Фарғонада**

Ота тарафдан Темур авлоди она томондан Чингизхон авлодига мансуб аслзода Бобур ўз худудини кенгайтиришга қарор қилади. У Самарқандни ишғол қилади, бироқ ўз қўшинлари унга қарши қўзғалон кўтарганлиги туфайли шаҳарни тарқ этишга мажбур бўлади. Шаҳарни қайтадан эгаллаган Бобур 1501 йили ўзбек хони Муҳаммад Шайбоний билан жангда мағлубиятга учрайди ва яна шаҳарни ташлаб чиқади. Шунинг учун 1504 йилда у жанубга юриш қилади ва Ҳиндикушдан ошиб ўтиб Қобул шаҳрини эгаллайди. Бу шаҳар янги империянинг стратегик таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

1510 йили душмани Шайбонийхон вафотидан кейин Бобур туркман Исмойил Сафавий кўмаги билан Самарқандни олишга ҳаракат қилади ва бунга 1511 йили мұяссар бўлади. Бироқ 1514 йил ўзбек хонлари ҳужумига дош беролмасдан шаҳарни яна қўлдан беради. Шундан кейин Бобур бутунлай Қобулга жўнаб кетади ва Шимолий Ҳиндистонни ишғол этиб Бобурийлар империясига асос солади. Бобур 1530 йилда Аграда вафот этади. Унинг асарлари европаликларга жуда яхши таниш. Бобур авлодларидан Шоҳжаҳон севимли рафиқаси Мумтоз Маҳалга атаб машҳур Тожмаҳални қурдирган.

## **12. Жунғор империяси**

Ғарбий мўғул қабиласи бўлмиш ойратлар Қозогистоннинг шарқий худудлари, Тянь-Шань тоғлари, Қошғар вилояти ва Мўғулистаннинг ғарбий қисмини эгаллашга муваффақ бўлишган эди. Натижада улар Жунғор империясига (1635–1758) асос солишади. Жунғор хонлиги рус колонистларига ўлпон тўлашар ва қозоқ жузларига қарши муваффакиятли кураш олиб бораради. Бироқ ойратлар манҷур императори Қианлонг томонидан йўқ қилинади. Жунғорларнинг ҳужумларидан безор бўлган қозоқ жузлари XVIII асрда Россия протекторатини қабул қилишга мажбур бўлишади.

## **13. Чиғатой улуси парчаланишидан пайдо бўлган уч хонлик**

Ҳозирги Ўзбекистон худудини босиб олган Эрон шоҳи Нодиршоҳ вафотидан кейин (1747) мамлакат учта хонликка ажралиб кетади. Учта бир-бирига муҳолиф хонликлар, яъни Хива, Бухоро ва Кўқон

худудларида вужудга келади.

Ўзбек хонликларининг энг қадимииси **Хива хонлиги** (Хоразм давлати) Орол денгизи жанубида **1512–1920** йилларда мавжуд бўлган. Хонлик пойтахти Амударё ўзанини ўзгартирганлиги сабабли 1597 йилда Урганчдан Хивага кўчирилади. Россия империяси томонидан 1873 йилда босиб олингунга қадар Хива ислом оламида энг катта марказлардан бирига айланган эди. **Бухоро хонлиги (амирлиги) (1599–1920)** аҳолиси, асосан, форс тилида мулоқот қилувчи давлат бўлиб, Самарқанд шахри ҳам хонликка қарашли бўлган. 1599–1785 йиллар мобайнида хонлик Жонийлар сулоласи хукмронлиги остида бўлган. Бу сулола XVII асрда Самарқанд шахрининг гуллаб-яшнашига катта ҳисса қўшган. Нодиршоҳ шаҳарни эгаллаб олгандан сўнг Бухоро хонлиги 1785 йилда «амирлик» деб атала бошлаган. 1868 йилда Бухоро амирлиги Россияга қарам давлатга айланган.

**Қўқон хонлиги** (1709–1876) маркази Фарғона бўлиб, хонлик таркиби Тожикистон ва Қирғизистоннинг бир қисми ҳам киради. Шарқий Қозогистондаги қозоқ ва қирғиз кўчманчилари ҳам Қўқон хонлигига бўйсунишарди. XIX аср бошида Қўқон хонлиги Тошкентни ҳам бўйсундирди. Бироқ бундан Бухоро хонлиги ҳам манфаатдор эди. Рус генерали Михаил Черняев ушбу вазиятдан фойдаланиб, Қўқонга юриш қиласи ва 1876 йилда хонликни босиб олади. Ана шунда Чор Россияси учун бутун Ўрта Осиёни босиб олиш имконияти пайдо бўлади. Россиянинг жанубий денгизларга чиқиш режасини амалга ошириш эҳтимоли кучаяди.

## Харита – 15.

### Ўрта Осиё хонликлари (XIX аср)



## **II бобга доир савол ва топшириқлар**

1. Муаллифлар минтақа тарихи тўғрисида қандай омилларни илгари суради?
2. Ўзбекистоннинг минтақадаги маданиятлар тараққиётидаги аҳамияти қандай очиб берилган?
3. Минтақадаги қадимги дунё тарихи қандай омиллар асосида таҳлил қилинган?
4. Муаллифлар Буюк Ипак йўлининг муҳим роли ҳақида қандай фикр билдирган?
5. Тарихий ёндашувлар қанчалик асосланган?
6. Исломнинг кириб келиши қандай таҳлил қилинган?
7. Ўзбекистонда туғилган буюк алломаларга қандай баҳо берилган?
8. Ўрта аср маданий тараққиёти ҳақида сўзлаб беринг.
9. Амир Темурнинг дунёга келиши ва Мовароуннахрдаги сиёсий вазиятни таҳлил қилиб беринг
10. Темурийлар даври илм-фан ривожи ҳақида маълумот беринг.
11. “Ўзбек” атамасининг вужудга келиши билан боғлиқ тарихий вазиятни таҳлил қилиб беринг?

## **III БОБ. РУС ЎЗБЕКИСТОНИДАН – МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНГАЧА**

*«Миллат озод бўлгандагина ўзлигига эришиади»  
Сталь хоним (Madame de Staël)*

### **1. Русларнинг кириб келиши**

Учта хонлик билан тузилган шартномалар туфайли руслар астасекинлик билан мамлакатга кириб кела бошлайди. 1884 йил Чимкент (хозирги Қозоғистон) жангидагенерал Михаил Черняев узил-кесилғалаба қозонади. Шундан кейин Чор Россияси қўшинлари биринкетин қозоқ қўчманчиларини, хонликларни, шунингдек, 1865 йилда Тошкентни бўйсундиришиади. 1867 йилдан бу шаҳар Туркистон генерал-губернаторлиги пойтахти деб эълон қилинади. Рус истилосига қаршилик қўрсатган сўнгги халқлар туркманларнинг катта қабилаларидан бири такалар эди. Қул савдоси билан шуғулланган бу қабила 1879 йили рус қўшинини тор-мор этади. Руслар уларга қарши катта армияни ташлашади ва 1881 йилда такалар қаршилиги батамом бостирилади.

Рус қўшинлари Эронга қараб юришини давом эттиради ва 1884 йили Марвни ва 1885 йили Афғонистон чегарасидаги Панж воҳасини эгаллашади. Россия армияси жанубга қараб юришини худди шу жойда тўхтатади. Шундай қилиб, салкам 20 йил ичида Россия АҚШнинг деярли ярмига тенг келадиган жуда катта худуд бўлмиш Ўрта Осиёни босиб олади. XIX асрнинг охирига келиб Россия ҳам бошқа мустамлакачи давлатлар қаторига киради.

### **2. Мустамлакачилик сиёсати, «катта ўйин» ва I Жаҳон уруши**

Мустамлакачиликнинг бошиданоқ Россия Ўрта Осиёда интенсив ва экстенсив деҳқончилик ўрнига пахтачиликни ривожлантирди. Пахта етиштириш устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. Руслаштириш ҳаракатлари маҳаллий аҳолининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Шундай бўлса ҳам, русларнинг келиши билан янги иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлар ўрнатила бошланди. Минтақада темир йўлнинг қурилиши бу муносабатларни янада тезлаштирди. Бироқ халқаро миқёсда бу Россия ва Англия ўртасидаги «катта ўйин»нинг бошланишига олиб келди. «катта ўйин» атамаси XIX асрда Буюк Британия ва Россия ўртасидаги Ўрта Осиёни эгаллаш учун кечган рақобатни, совук муносабатларни ифодалаш учун инглизлар томонидан ишлатилган.

Дарҳақиқат, рус қўшинлари Марвни ишғол қилгандан кейин, Ҳиндистон ва Буюк Британияда инглизлар талвасага тушиб қолишиди.

Чунки Марв орқали осонлик билан Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрига ўтса бўлади. У ердан туриб эса Британия Ҳиндистонига қарши бемалол ҳарбий операцияларни амалга ошириш мумкин. 1839 йилда инглизлар Афғонистон таҳтига ўз одамларини ўтқазган эдилар. Бироқ бу ҳалқнинг кўзгалонига сабаб бўлди ва биринчи инглиз-афғон уруши камида 15 минг кишининг ёстиғини қуритди. Гандамак фожиасида тирик қолган инглиз солдати Хайбар довонида хинд армияси бошига қандай хунрезликлар тушганини ҳикоя қилиб берган.

1878 йили инглизлар уюштирган янги ҳужум ҳам муваффақиятсизликка учрайди. Бора-бора рус ва инглиз мустамлакачилари бир-бирининг олға силжишига халақит бериш мақсадида Афғонистонни буфер давлатга айлантиришди. Россия Буюк Пётрнинг жанубий денгизларга чиқиш тўғрисидаги орзуидан вақтинча воз кечди. Инглизлар бўлса, учинчи инглиз-афғон урушидан кейин, Афғонистоннинг бетараф ҳудудга айланиши, Кобул вилоятидаги пуштун қабилаларининг Амударёнинг шимолида жойлашган рус кўшинлари билан хатарли тўқнашувларининг олдини олишини тушуниб етишди. Шу тарзда «катта ўйин»га барҳам берилди. 1895 ва 1907 йиллардаги Англия-Россия битимлари Россияга Помирни ва Вахан йўлагини ўзига қўшиб олиш имкониятини берди.

Россиянинг мазкур янги мустамлакаларига аста-секин европаликлар келиб ўрнаша бошлашади. Ҳозирги Қозоғистон ҳудудларига бир миллиондан ортиқ руслар ва украинлар кўчиб келишади. Руслаштириш натижасида, энг аввало, Ўрта Осиё шаҳарлари европалашади, кенг кўчалар, боғлар, меҳмонхоналар, театрлар, электр, телефон ва бошқа қулайликлар пайдо бўлади. Қозоғистонда бошланган бу ҳодисалар секин-аста жанубий туманларга, бугунги Ўзбекистон ҳудудига ҳам тарқалади. XIX аср охирига келиб миллий уйғониш ва жадидчилик ғоялари юзага келади.

Бироқ Ўрта Осиё ҳалқларининг руслардан норозилиги тобора кучайиб боради. 1897–1898 йилларда Андижонда русларга қарши кўтарилиган кўзгалон рус кўшинларини қийин аҳволга солиб қўяди. Шунда мустамлакачилар шаҳар аҳолисини иложи борича кўпроқ руслаштиришга ва уламоларни кучли назорат остига олишга қарор қиласди. Биринчи жаҳон урушининг бошланиши билан минтақа ҳалқи Чор Россияси армиясини озиқ-овқат, пахта ва бошқа ашёлар билан таъминлашга мажбур бўлади.

1916 йил подшо фронт орти учун Ўрта Осиёдан мардикорлар олишга буйруқ беради. Бу амалиёт ихтиёрий сафарбарлик тарзida эмас, балки мажбурий тарзда амалга оширилиши маҳаллий аҳолининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлади. Шу йилнинг ўзида Тошкентда бошланган ҳалқ кўзгалони бошқа вилоятларга тарқалади. Кўзгалонларни бостириш учун шафқатсиз қатағонлар амалга оширилади. Қозоқ ва қирғизларнинг 100 000 оиласи бошпана излаб Хитойга ўтиб кетишади.

1916 йил қўзғалони ёш ўзбек ва қозоқ зиёлиларига қаттиқ таъсир кўрсатади. 1917 йили жадидлар ва ватанпарварлар Кўкон мухториятини тузишга қарор қилишади. Қизил армия мухториятни яксон қиласди.

### **3. Большевиклар инқилоби ва фуқаролар уруши**

Бухоро амири Сайд Олимхон большевиклар жўнатган элчини қатл эттиради ва уларга қарши муқаддас уруш эълон қиласди. Инглиз агентлари ва оқ гвардиячилар амир билан иттифоқ тузишади. Шу пайтнинг ўзида большевиклар Ўрта Осиё шаҳарларида коммунистик партия шуъбаларини тузишади ва бу шуъбалар жуда фаол иш юритадилар. 1920 йилда Тошкентга Қизил армия қўмондони Михаил Фрунзенинг ташрифидан кейин бутун ҳудуд қизиллар қўлига ўтади. Оқ гвардиячилар қўмондони Павел Назаров Тянь-Шань тоғлари оша Шинжонга қочиб кетишга мажбур бўлади.

Коммунистлар ўз хатти-ҳаракатлари ва талон-тарожлари билан маҳаллий аҳоли қалбида Оқ подшога қараганда кўпроқ нафрат ҳисларини уйғотадилар. Шу орада очарчилик бошланади ва миллионлаб одамлар ўлиб кетади. Бундан Ўрта Осиё халқларининг большевикларга бўлган нафрати янада ошади.

### **4. Советлаштириш ва миллий-ҳудудий чегараланиш**

Большевиклар тез орада ўзбек истиқлолчиларининг кучли қаршилигига дуч келишади. 1922 йил собиқ турк вазири Анвар Пошшо Бухорога келади ва собиқ амир ва афғон дўстлари кўмагида бир неча ўн минг кишилик партизанлар армиясини тузишга муваффақ бўлади. Уларни баъзилар «босмачилар» деб аташади. Улар Бухорони, шунингдек, Душанбени олишга мусассар бўлишади. Бироқ Анвар Пошшони афғон дўстлари тарқ этишади, советларнинг ерни қайтариб бериш тўғрисидаги ваъдаларига учган ўзбек дехқонлари партизанларга кўмак беришмайди. Натижада Қизил армиянинг 100 000 кишилик қўшини билан 1922 йил 4 августда бўлган жангда Анвар Пошшо ўлдирилади. 1926 йилданоқ партизанларга қарши қатағонлар бошланади. Шунга қарамасдан баъзи «босмачи» гурухлари 1940 йилга қадар Қизил армияга қарши жанглар олиб боришади.

Ўзбекистон республика мақомини 1924 йил 27 октябрда олади. Шу санадан бошлаб Туркистоннинг, Бухоро ва Хоразм республикаларининг бир қисми Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номи билан бирлаштирилади. 1924 йилда тожиклар яшайдиган ҳудудларнинг асосий қисми Ўзбекистон таркибида Тожикистон Автоном Совет Республикаси тузилди. 1929 йилда Тожикистон Совет Автоном Республикаси иттифоқдош республикага айлантирилади. 1936 йили илгари Қозоғистон ҳудудида бўлган Коракалпоғистон Ўзбекистон ССР таркибига

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси сифатида киритилади. Ўзбек, қирғиз ва тожик республикалари ҳудудларида Барак, Сарван, Ворух, Қайрағоч, Сўх, Шоҳимардон, Қалача, Холмиён каби анклавлар пайдо бўлади. Шунинг билан бирга Ўзбекистон ҳудудида қўп сонли турли миллат вакиллари ҳам яшашарди. Бу Сталиннинг большевикларни ташвишга solaётган туркий халқларни бирлаштириш ғоясига қарши курашиш чораси эди.

1928 йилда янги иқтисодий сиёsat (НЭП) ўз моҳиятини йўқотганидан кейин, Сталин ташаббуси билан бошланган коллективлаштиришдан кўзда тутилган мақсад Ўрта Осиё халқларини феодал тузумдан социалистик тузумга ўтказиш эди. Собиқ СССРнинг бошқа ҳудудларида юз бергани каби, бу ерда ҳам хусусий мулкка, шунингдек, қозоқ ва қирғизларнинг кўчманчиликка асосланган ҳаёт тарзига барҳам беришга киришилди. Социализмнинг бу тарзда ўрнатилиши миллионлаб қурбонлар қелтириб чиқарди. Биринчидан, ўз молларини топширишни истамаган чорвадорлар бутун подаларни бўғизлаб ташлашди. Иккинчидан, Кремль архивларидан топилган маълумотларнинг кўрсатишича, Сталин, агар бунга муҳтожлик сезилса, Ўрта Осиёда ҳам худди Украинадаги каби сунъий очарчилик қелтириб чиқаришга қарор қилган. Бундан кўзда тутилган мақсад эса, албатта, аҳолини «саралаш ва руслаштириш» эди. Демократ ёки миллатчи деб ҳисобланган одамлар мунтазам равишда қатағон қилинди. Улар орасида қозоқ халқининг 1917 йилда тузилган миллий партияси Алаш ўрда аъзолари ҳам бор эди. Улар Ўрта Осиёда мустақил давлатлар тузишни орзу қилишган.

1924 йилда советлар ўтказган миллий-ҳудудий чегараланиш туфайли шу пайтгача амалда чегара нималигини билмаган Ўрта Осиёда янги миллий республикалар пайдо бўлди. Бундан мақсад кучли марказий ҳокимият томонидан бошқарилиб турган социалистик тузумга қарши курашиш имкониятини яратувчи ҳаёт тарзи, дин, қабила каби азалий тузилма шакллари ўрнига миллат тушунчасини олиб келиш эди.

Демак, ҳар бир янги республика ҳудудида қўплаб этник гуруҳлар мавжуд бўлишини таъминлаш мақсадида миллий-ҳудудий чегараланиш лойиҳасида Сталиннинг шахсан ўзи қатнашган. Ҳар бир республикада шундай этник, иқтисодий, тарихий, лингвистик вазият барпо қилинди, улар тўхтовсиз марказий ҳукуматга бўйсунишлари энг муҳим заруратга айланди. Шу билан бирга ислом дини таъқиб этилди ва мейморий мерослар йўқ қилинди ёки қаровсиз қолдирилди. Ўзбекистон 1937–1938 йиллардаги Сталин қатағонларидан четда қолмади. Жуда кўплаб ўзбек зиёлилари ва давлат арбоблари қатл этилди.

## **5. Иккинчи жаҳон уруши ва Совет Иттифоқининг қулаши**

Иккинчи жаҳон уруши даврида ўлка турли-туман миллат

вакиллариға бошпана берди. Бир томондан, жанглар кетаётган худудлардан эвакуация қилингандар бўлса, бошқа томондан, Сталин депортация қилган корейслар, Волга немислари, чеченлар, арманлар ва бошқа халқлар мажбуран Ўрта Осиёга кўчирилди.

Урушдан кейин Ўрта Осиё республикаларининг ҳар бирида иқтисодий ихтисослашиш янада кучайди. 1954 йилда Никита Хрущев ўзининг қўриқ ерларни ўзлаштириш кампаниясини бошлаб юборди. Қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши сув захираларига катта зарар етказди.

1920 йилларда ёк Совет Иттифоқида етиштирилган пахтанинг учдан икки қисми Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига тўғри келган бўлса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўзбек пахтаси СССРни дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринда турувчи пахта етиштирувчи давлатга айлантириди. Пахта яккаҳокимлиги нафакат ерни ҳолдан тойдирди, сувларни ифлослантириди, Орол денгизини қуритди, балки уни етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнларда «қўшиб ёзиш», «ўғрилик», «қўзбўямачилик», «порахўрлик» каби фирибгарликларга сабаб бўлди. 1983 йилда бутун иттифоқ газеталари «пахта иши» тўғрисида бонг урди. Бу иш билан 2 600 га яқин одам қамоққа олинди, 50 000 раҳбар ўз вазифаларидан олиб ташланди. Давлат хавфсизлиги қўмитасининг собиқ раиси Юрий Андропов СССР Коммунистик партияси бош котиби бўлгандан кейин Москванинг ўзбек ҳукумати устидан назоратини кучайтириди.

1979 йилда Совет Иттифоқи коммунистик ғояни тарқатиш мақсадида Афғонистонга Қизил армия қўшинларини киритди. Шу тариқа 10 йил давом этган ва 15 000 совет солдатининг, шунингдек, бир ярим миллион афғон фуқароларининг бошига етган уруш бошланди. Бироқ 1989 йилда Термиз орқали Афғонистондан олиб чиқиб кетилган совет қўшинлари нафакат мағлубиятга учрашди, балки, жанубий денгизларга чиқиш тўғрисидаги эски империалистик орзуни чиппакка чиқаришди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Кенгаши мамлакат мустақиллигини эълон қилди. Шу йилнинг 8 декабрь куни Россия, Украина ва Белоруссия раҳбарлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига асос солишди. 1991 йил 21 декабрда Алматида учрашган Ўрта Осиё республикалари президентлари МДҲга кириш истакларини билдиришди. Собиқ Иттифоқ республикаларидан Болтиқбуйи давлатлари ва Грузиягина ҳамдўстликка аъзо бўлишдан бош тортишди.

## 6. Мустақил Ўзбекистон

1989 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг раҳбари Ислом Каримов ҳисобланади. У Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг собиқ раҳбари ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг асосчисидир. 2007 йил 23 декабрда бўлиб ўтган президентлик сайловларида Ислом Каримов 7 йилга президент этиб

сайланди.

Ўзбекистонда ҳам собиқ совет тизимиға зиддиятли бир мустамлакавий ҳодисадек қаралади. Ҳар қандай мустамлака жараёни салбий ҳолат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб, кўшни давлатларга ўхшамаган ҳолда ўзига хос ва мос бўлган оқилона иқтисодий ҳамда сиёсий ислоҳот йўлини танлади. Иқтисодиёт соҳасида бозор иқтисодиётига ҳали тўла ўтилмаган бўлиб, хусусийлаштириш давом этмоқда. Аслида бу "босқичма-босқич ўтиш ислоҳоти" деб номланади. Бу тадрижий ривожланиш мамлакат иқтисодиётини юксак даражага кўтаришга сабаб бўлиб, мамлакат 2008 йилги бутун жаҳон давлатлари каби молиявий инқирозга учрамади. Бу ҳолат мамлакатни инқирозга бардош берганидан далолат беради. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда тўғри йўлни танлаши туфайли мамлакат инқирозга учрамади.

Бугунги кунда давлат сиёсатида демократлаштириш эҳтиёткорлик билан олиб борилмоқда. Баъзилар Ўзбекистонда ривожланиш йўли секин кечмоқда десалар, бошқалар демократиянинг тез суръатда амалга оширилаётганини қайд қилмоқдалар. Масалан, мусулмон маданияти мавжуд мазкур мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилингандиги ҳозирги ҳукуматнинг улкан ютуғи ҳисобланади.

Шу билан бирга Ўзбекистон терроризмга қарши кураш чоратадбирларини амалга оширмоқда. Тошкентда 1999 йилнинг февраль ойида бир неча ҳукумат биноларининг олдида, Ислом Каримовнинг келиши олдидан содир бўлган портлашлар 16 нафар инсоннинг ўлимига ва 130 нафар кишининг жароҳат олишларига сабаб бўлди. 2004 йилнинг март ойида Чорсу бозорида портлашлар амалга оширилди. Ўша йили июль ойининг охирларида Истроил ва АҚШ давлатлари элчихоналарининг қархисида жонига суиқасд қилишлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан 2004 йил 26 декабрдаги ва 2005 йил 9 январдаги парламент сайловлари осойишта ўтди.

2001 йил 11 сентябрда содир этилган террористик харакатлардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ ва халқаро ҳамжамиятни терроризмга қарши курашда қўллаб-қувватлашини билдириди. Ўзбекистон жабр кўрган афғон аҳолисига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш учун ўз худудидан фойдаланиш имкониятини яратди. Бироқ, кейинчалик америкаликлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармагани боис, уларни Ўзбекистон худудидан чиқариш масаласи қўйилди.

Афғонистондаги вазиятнинг ёмонлашиши, 2010 йилнинг баҳорида Қирғизистондаги барқарорликнинг бузилиши, этник можароларнинг бошланиши, экстремистик рухдаги гурухларнинг авж олиши билан изоҳланади. Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон дипломатияси

мустакиллик йилларида Марказий Осиё давлатлари ичида энг объектив иш юритувчи дипломатия эканлигини кўрсата билди. Қирғизистондаги можаролар ўзбек дипломатиясининг конструктив ёндашуви натижасида ўз ечимини топди.

## **Ислом Каримов**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўрта Осиё политехника ва Тошкент халқ хўжалиги институтларини тугатган. Муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга. У Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоси.

Ислом Каримов меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида (Ташсельмаш) бошлаган. 1961 йилдан 1966 йилгача В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш заводида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади. 1966 йилда Ўзбекистон ССР давлат режа қўмитасига ишга ўтиб, бош муҳандисликдан Республика давлат иқтисодий режалаштириш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Молия вазири, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар совети раисининг ўринбосари, Республика давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди. 1986–1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Конгасининг сессиясида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни Ислом Каримов тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустакиллигини эълон қилди ва шу йилнинг 29 декабрида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. 1995 йил 26 марта бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунларига кўра, Ислом Каримовнинг Президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

2000 йили муқобиллик асосида ўтган сайловлар натижаларига кўра, Конституцияга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, Ислом Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Президент Ислом Каримов давлат тизимини ислоҳ қилишда оқилона фойдаланила оладиган ва мамлакат халқи турмуш тарзини яхшилашни таъминлайдиган, иқтисодий ва сиёсий тизимнинг, яъни ислоҳотларнинг янги моделини ишлаб чиқди. Бу оқилона сиёsat Ўзбекистонни 2008 йил охирида рўй берган жаҳон молиявий инқирозига бардош беришини таъминлади.

Мамлакатнинг урф-одатлари ва маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Ислом Каримов ғарб демократиясига асосланган, инсон хуқуқларини ҳимоя қилувчи ва атроф-муҳитга алоҳида эътибор бериладиган жамият қуришга қарор қилди. Мазкур қарорни бажариш учун демократик жараёнларни барқарорлаштириш, кўппартиявилик тизимини ривожлантириш, хусусий корхоналар, нодавлат ташкилотлар ролини оширишга доир ташкилий ва қонуний чора-тадбирларни қўллашга киришди ҳамда, уларнинг бу соҳада хуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда, оммавий ахборот воситаларини тўртинчи ҳокимият даражасига олиб бориш ишларини амалга оширди.

Дипломатия соҳасида Ислом Каримов адолатлилик ва изчилликни намоён этди. Хусусан, унинг Афғонистон можаросига тааллукли таклифлари Парижда юқори баҳоланди. У Тошкентни халқаро динамик ва регионал дипломатия пойтахтига айлантиришга эришди ва 2010 йил Қирғизистонда тўсатдан бўлиб ўтган воқеаларни вазминлик билан ҳал эта билди. Мазкур вазминлик бўлмаганда, бутун Марказий Осиё олов ва қонга беланиб кетиши мумкин эди.

Унинг бошқарув тизими ташқи сиёсатга ҳам амал қилиб, бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик, тенг хуқуқли сиёсатга асосланган ҳолда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро ва миллатлараро низоларни доимий дипломатик йўл билан ҳал қилишга қаратилган. Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон Россия, Хитой, АҚШ, Марказий Осиё қўшни мамлакатлари ва яқиндагина Европа Иттифоқи, хусусан, Франция билан дўстона ва ишончли алоқаларни ўрнатишига бор имкониятини сарф қилмоқда. У ўзбек ҳарбий кучлари қудратини оширишни мамлакат армиясини янгилаш, чегаралар дахлизилигини таъминлаш, ҳимоя қудратини кучайтириш жараёнларидан бошлади. Ислом Каримовнинг бирдан-бир истаги XXI аср глобаллашув даврида Ўзбекистоннинг ўз миллий мустақиллигидан тўла фойдаланишидир.

Ислом Каримов мамлакат мустақиллигига қўшган ҳиссаси, янги демократик давлат барпо этиш, фуқаролар тенглиги ва миллий тотувликни таъминлашга қўшган хизматларии учун "Ўзбекистон қаҳрамони", "Мустақиллик", "Амир Темур" орденлари билан тақдирланган, бир қанча давлатлар ва халқаро ташкилотлар медаллари билан мукофотланган. Мамлакат таълими, фани ва иқтисоди ривожланишига қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Фанлар Академияси аъзоси этиб сайланган. Ислом Каримов бир неча чет эл университетларининг "Фахрий доктори" ва Фанлар Академияларининг фахрий академигидир.

### **III бобга доир савол ва топшириқлар**

1. Чор Россиясининг Ўрта Осиёга кириб келиши сабабларини изоҳлаб беринг?
2. “Катта ўйин”да асосий иштирокчилар кимлар эди?
3. Советлаштириш ва миллий-худудий чегараланиш сиёсати нимага олиб келди?
4. II Жаҳон урушидан кейинги сиёсий вазиятни тушунтириб беринг.
5. Муаллифлар Ўзбекистонни жаҳон миқёсидаги ўрнини қандай баҳолайдилар?
6. Мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзига хос томонлари қандай омиллар орқали очиб берилган?
7. Ўзбекистондаги этник қатламлар ҳақида гапиринг.
8. Ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳақида муаллифларнинг нуқтаи назари қандай?
9. Совет давридан кейин Марказий Осиёда ўтказилган чегараларни қайта кўриб чиқиши қандай мезонларга асосланган эди?
10. Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръати қандай таҳлил қилинган?
11. Ўзбекистондаги ижтимоий муҳофаза тизими ҳақида гапиринг?
12. Ўзбекистондаги таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиринг.


## **IV БОБ. НИСБАТАН АҲОЛИ ТАРКИБИ БИР ХИЛ, ЁШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БИЛАН БАНД БЎЛГАН МАМЛАКАТ**

*“Бойликни фақат одамлар яратади”  
Жан Боден*

### **1. Этник келиб чиқиши турли бўлса ҳам таркиби бир хил аҳоли**

30 миллионга яқин аҳолиси билан Ўзбекистон бу соҳада Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат ҳисобланади. Ўртacha аҳоли зичлиги бир квадрат километрга 61 киши ва табиий ўсиш даражаси 1,8 фоизга тўғри келади. Шу сабабли мамлакат аҳолиси барқарор ва табиий ўсиш суръатлари юқори бўлмаган мамлакатлар қаторига киради. Шуни ҳам эслатиш керакки, 1992 йилдан буён аҳоли сонининг ўсиши бир текис бормоқда.

#### **Ўзбекистон аҳолисининг ялпи ўсиши**



*Манба: Жаҳон банкининг маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган ҳужжат.*

Ўзбекистон аҳолиси, асосан, бир хил бўлиб, ўзбек этносига кирувчи туркий тилли аҳоли расман 71 фоизни ташкил қиласди, ҳолбуки мамлакат ҳудудида 130 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қиласди. Улар, асосан, Тошкентда ва саноатлашган шаҳарларда истиқомат қилишади. Ҳақиқатан ҳам Совет Иттилоғининг парчаланиши билан мамлакатдан чиқиб кетишга қарор қилган руслар сони кўп эди.


Бошқа камсонли аҳолини ташкил қилувчилар – тожиклар (5 фоиз атрофига), қозоқлар (4 фоиз), қорақалпоқлар (2 фоиз) ва татарлар (2 фоиз). Корейслар, қирғизлар, месхетин турклари кабилар бошқа камсонли этник гурӯҳни ташкил қиласдилар.

Мамлакат мусулмонларининг 90 фоизи сунний мазҳабига мансуб. Бу ҳудудда қадимда оташпаратлик, буддизм ва, ҳатто, анимизм ва сўғийлик оқимлари мавжуд бўлган. Православ христианлар ахолининг 10 фоиздан камроғини ташкил қиласди. Бу ҳолат мамлактни бир аср давомида руслаштирилишининг оқибатидир. Мамлакатда яхудий, лютеран, католик черковлари мавжуд.

1924–1991 йилларда марксистик атеизм авж олган дунёвий мамлакат – Ўзбекистонда ҳозирги пайтда ҳар ким ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиш ва ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Мамлакатнинг давлат тили – ўзбек тилидир. Туркий тиллар оиласига мансуб бу тилда мамлакатнинг тўртдан уч қисми сўзлашади. Рус тили пойтахт Тошкент ва йирик шаҳарларда кенг тарқалган бўлса-да, бу тилда сўзлашувчи кишилар мамлакат ахолиси умумий сонининг 15 фоизини ташкил этади. Ҳозирги даврда ёшлар рус тилидан кўра инглиз тилини ўрганишни кўпроқ маъқул кўрмоқдалар. Бу ҳодиса, аввало, мамлакатнинг дунё глобаллашуви жараёнига қўшилиб бориши, ҳамда Россиянинг минтақада ўз тилининг ўрнини сақлаб қолиш учун етарли эътибор бермаётгани билан изоҳланиши мумкин. Қорақалпоқ ва тожик тиллари фақатгина шу ахоли яшайдиган жойларда қўлланилади.

### Ўзбекистон ахолисининг этник таркиби




Манба: Жаҳон банкининг маълумотлари асосида муаллифлар

томонидан тайёрланган ҳужжат.

Харита – 16

### Ўзбекистонда яшовчи турли миллат ва элатлар



## 2. Ўзбекистон аҳолиси

"Ўзбек" атамасининг келиб чиқиши Олтин Ўрданинг (туркий ва эрон гурухларидан иборат) сўнгти хони, ўз фуқароларини ислом динига киритган Ўзбекхон (1282–1342) номи билан боғлиқ, деб ҳисобланади. Ўзбек халқи, асосан, XI ва XIV асрлар мобайнида чигатой ёки эски ўзбек тилида сўзлашган туркий қабилаларнинг бирлашишидан ташкил топган. Бу халқлар XVI асрда Мовароуннахрга кириб келганликлари сабабли Темурийларга, Улуғбекка ва Бобурга қаршилик кўрсатган. Ўзбек Шайбонийлари сулоласи даврида уларнинг турмуш тарзи кўчманчиликдан ўтрок ҳаёт тарзига ўтган.

Асрлар давомида бутун Ўрта Осиёда туркча сўзлашадиган халқлар форс тилида ҳам сўзлашишни ўзлаштирганлар, боз устига форс тилида сўзлашувчи ўтрок халқлар ҳам туркийда сўзлашганлар. Шу сабабли минтақадаги этник ва лисоний хусусиятлар бир-бирига аralашиб кетган.

Умуман ўзбеклар ва қозоқлар битта этник қатламдан келиб чиқкан. Қозоқлар (*кўчманчи, қонундан четдаги одам*) ўзбеклардан

XIV асрда ажралиб Ўрта Осиёning шимолида жойлашган чўлларга тарқалиб кетган. Ўзбеклар эса ўтрок ҳаётни танлаб шаҳарларда яшаганлар ва асосий алоқа тили сифатида турк ва форс тилларини қабул қилганлар. Ўзбеклар ислом динини жуда тез ва эрта қабул қилган бўлсалар, қозоқлар жуда кеч ва аста- секинлик билан (кўпчилиги XIX асрда) ислом динига кирдилар.

### **Туркий гуруҳ учта уруғдан ташкил топган Қипчоқлар**

1930 йилларда советлар уларни ўтрок ҳаёт кечиришга мажбур қилгунларига қадар кўчманчи ҳаёт кечирганлар. Уларнинг ўзлари ҳам учта гуруҳдан келиб чиқсан: қорақалпоқлар (мамлакатга XIII аср охирларида келган), қирғизлар (*бузилмас маъносини англатади*) ва қозоқлар. Улар орасида қозоқлар энг кўпчиликни ташкил қилиб XVI асрдан бошлаб учта ўрдага, яъни жузга (катта, ўрта, кичик) бўлинганлар.

### **Чигатойлар**

Бу гуруҳ XIII асрдан бошлаб ташкил топган. Улар қипчоқлардан келиб чиқсан, лекин ўтрок ҳаёт кечириб чигатойликлар деб ном олган ўзбеклар ва уйғурлар бўлиб, Хитой Туркистонида истиқомат қилишади.

### **Ўғузлар**

Улар Ўзбекистон худудларига XI асрда келган ҳамда Озарбайжон ва Туркия туркларида яқин туркманлар. Улар кўчманчилигicha қолган бўлиб, уларнинг аждодлари ҳозир ҳам Туркманистон ва Эронда истиқомат қиласди.

### **Асосан тожик ҳисобланадиган эрон гуруҳи**

Бу гуруҳ жуда катта лисоний турли-туманлик билан характерланади. Улар асосан форс тилида сўзлашади. Баъзи тоғлик ахоли жуда кам ишлатиладиган шарқий эрон диалектларини қўллайдилар. Тожик тилига келсак, у форс тилининг бир кўриниши бўлиб, бу тил Ўзбекистоннинг баъзи бир минтақаларида ишлатилади. Профессор Шувеннинг қайд қилишича, туркий тилда сўзлашадиган ўзбеклар ва форсча сўзлашадиган тожиклар ҳеч қандай қийинчиликсиз бир-бирлари билан мулоқат қила оладилар.

## **3. Мустақиллик чегараларнинг характеристини ўзгартирмади**

Шуни айтиш керакки, мустақиллик жараёни Сталин даврида яратилган чегараларнинг қайта кўриб чиқилишига олиб келмади. Нафақат этник гуруҳларнинг чатишиб кетиши (чегараларни жуда заиф бўлишининг асосий омилларидан бири), балки кўп жойларда

камсонли туб аҳолининг мавжуд бўлиши билан боғлиқ. Масалан, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудуди ўзбеклар яшайдиган умумий ҳудудга мос келмайди. Камсонли ўзбеклар деярли барча Марказий Осиё мамлакатларида мавжуд. Бу ҳолат, айниқса, Тожикистонда яққол кўзга ташланади, зеро бу мамлакат аҳолисининг 21 фоизини ўзбеклар ташкил этади.

Совет давридан кейин Марказий Осиёда ўтказилган чегараларни қайта кўриб чиқиши, асосан, учта мезонга асосланган.


**Сиёсий**, аввало, чегараларни белгилаш масаласи давлатларнинг сиёсатига тўғридан-тўғри боғлиқ. Ҳозирда бешта республика ўртасида чегараларни делимитация қилиш жараёни ўз ниҳоясига етмоқда. **Иқтисодий**. Ресурсларни деярли тенг асосда тақсимлаш мақсадида ўтказилган чегаралар баъзи бир заиф майдонларни давлат томонидан назорат қилиш имкониятини берди. Жумладан, учта тенг бўлмаган қисми Ўзбекистонга қарашли Фарғона пасттекислиги. Ҳозирда бу ҳудудга киришда ғарбда Тожикистон, шарқда эса Қирғизистон анклави (ўралган) мавжуд.

**Лисоний**. Барчага маълумки, этник чегара билан лисоний чегара бир-бирига тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Шунинг учун, Марказий Осиёда кўпгина ҳудудий анклавларнинг мавжудлигига гувоҳ бўляяпмиз. Жумладан, Қирғизистонда бир нечта ўзбек (Сўх ва Шоҳимардон ҳудудлари) ва тожик анклавлари (Исфара ва Ворух ҳудудлари) мавжуд.

#### **4. Ўзбекистоннинг демографик ҳолати**


XX аср охиридан бошлаб жинс ва ёшга қараб бўлинишда Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этган, бироқ аҳолининг кексайиб бораётганини сезиш мумкин. Шундай қилиб, Ўзбекистон аҳолисининг кексайиш даражаси 2010 йилдан буён сезиларли даражада ва бунинг таъсири 2050 йилга бориб яққол кўзга ташланиши мумкин. Бугунги қунда 15 ёшдан кичик бўлганлар умумий аҳолининг 33 фоизини ташкил қиласа, 15 ёшдан 64 ёшгача бўлганлар 62 фоизини ташкил қиласа. Кекса ёшлилар эса умумий аҳолининг фақатгина 5 фоизни ташкил қиласа.

#### **Ўзбекистон аҳолисининг ёш бўйича кўрсаткичлари (1990)**




*Манба: US Census Bureau тақдим этган маълумотлар асосида  
муаллифлар томонидан ишлангани ҳужжат*

### Ўзбекистон аҳолисининг ёш бўйича кўрсаткичлари (2010)



*Манба: US Census Bureau тақдим этган маълумотлар асосида  
муаллифлар томонидан ишланган ҳужжат*

### Ўзбекистон аҳолисининг ёш кўрсаткичлари (2050)



## 5. Аҳолининг табиий ўсиши охирги 50 йил ичида секинлашган


Туғилиш ва ўлим, шу билан бирга болалар ўлими ва ҳомиладорликнинг кўрсаткичлари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон аҳолисининг табиий ўсиши сўнгги 50 йил ичида 50 фоизга пасайди. 2010 йилда аҳолининг табиий ўсиш даражаси 1,8 фоиз атрофига бўлган бўлса, туғилиш 22 фоизга яқин бўлган, ўлим кўрсаткичи эса амалда 5 фоизни ташкил қилди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда туғилиш кўрсаткичи сўнгги ярим аср давомида 5 фоизга пасайган ва XXI аср бошига келибгина бу соҳада турғунликка эришилган. Ўлим кўрсаткичининг пасайиши ҳам анча сезиларли бўлган (30 йил ичида 65 фоиз).

Ва ниҳоят, туғилиш, яъни 1000 та туғиши ёшидаги аёллар сонига нисбатан туғилиш кўрсаткичи, фарзанд ота-она учун молиявий жихатдан қийинчилик тугдириши сабабли, 1975 йилдан бошлаб пасая бошлади. Бу пасайиш кўрсаткичи учинчи минг йиллик бошигача давом этди ва 2005 йилда энг паст кўрсаткич қайд этилди. Ўша йилдан бошлаб туғилиш бироз ўсиб, ҳар бир аёлга тахминан иккита фарзанд тўғри келди.

**Аҳолининг йиллик ўсиши (умумий аҳолининг фоиз ҳисобида)**




*Манба: Шербрук Университети, Перспектив монд томонидан берилган маълумотлар асосида муаллифлар томонидан ишланган ҳужжат*




*Манба: Шербрук Университети, Перспектив монд томонидан берилган маълумотлар асосида муаллифлар томонидан ишланган ҳужжат*

### Ўлим кўрсаткичининг пасайиб бориши



Манба: Шербрук Университети, Перспектив монд томонидан берилган маълумотлар асосида муаллифлар томонидан ишланган ҳужжат

### 1975 йилдан бери болалар ўлимининг пасайиши (1000 туғилишга нисбатан)



Манба: Шербрук Университети, Перспектив монд томонидан берилган Маълумотлар асосида муаллифлар томонидан ишланган ҳужжат



Манба: Шербрюк Университети, Перспектив монд томонидан берилган маълумотлар асосида муаллифлар томонидан ишланган ҳужжат


## 6. Аҳоли зичлигининг ўсиб бориши ва урбанизация даражасининг барқарорлашуви

Сўнгги 50 йил ичидаги Ўзбекистонда аҳоли зичлиги 220 фоиздан кўпроқ ўсади. Лекин қизиқарли томони шундаки, бу зичлашув дунёning бошқа мамлакатларидаги каби шаҳарларга қаттиқ таъсир қилгани йўқ. Ўзбекистон шаҳарлари аҳолиси сонининг ўсиши мустақилликдан буён барқарорлашиб умумий аҳоли сонига нисбатан озчиликни ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда мавжуд шаҳарлар тармоғи ва шаҳар негизини янада ўзига хослиги шундан иборатки, шаҳар аҳолиси сони нафақат кўпайгани йўқ, балки у фоиз жиҳатдан барқарорлик касб этмоқда. Бу мамлакатнинг яна бир алоҳида жиҳати шундаки, аҳоли қишлоқлардан оммавий тарзда шаҳарларга томон кетиб қолмаган.

Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисининг улуши тенг равишда тақсимланган бўлиб, шаҳарлар аҳолиси сони 50 000 дан 500 000 ўртасида ҳисобланади. Шу сабабли вилоят марказлари вилоятларни бошқаришга ва қишлоқ аҳолисига керакли бўлган хизматларни кўрсатишга қодир.

## Ўзбекистон аҳолиси зичлигининг ўсиши ( км<sup>2</sup> майдонга киши ҳисобида)



Манба: Шербрук Университети, Перспектив монд томонидан берилган маълумотлар асосида муаллифлар томонидан ишланган ҳужжат

### Харита – 17



## Ўзбекистон вилоятлари

Агар шаҳар тармоғи деб вилоят маркази ва шу вилоятнинг бошқа шаҳарлари ўртасидаги иерархия ва фарқлар назарда тутилса, бутун Ўзбекистон худудида шаҳарлар тармоғи пайдо бўлиб Бухоро, Самарқанд, Хива каби қадимги шаҳарлар минг йиллик жозибаларини сақлаб қолишига шароит яратиб берилган.


Ўзбекистон йўл транспорт тармоғи мамлакат ҳудудининг деярли барчасини қамраб олган (баъзиларининг эскирганига қарамасдан) ва

бу нарса бошқарув органлариға турли шаҳарлар ўртасидаги мувозанатни бир хил сақлаб туриш имкониятини беради.

***Йирик шаҳарлар ва улар аҳолисининг таҳминий сони.***

Шаҳар	Аҳоли
Тошкент (аҳоли яшайдиган пункт)	2 300 000 – 3 000 000 2 194 000
Наманган	428 000
Андижон	350 000 371 000
Самарқанд	405 000 352 000
Нукус	180 000 241 000
Бухоро	255 000 232 000
Қарши	226 000
Фарғона	230 000 171 000
Марғилон	145 000 169 000
Навоий	159 000
Жиззах	147 000
Урганч	140 000 140 000
Термиз	133 000 139 000
Шаҳрисабз	95 000 93 000
Қўқон	180 000 88 000
Гулистон	78 000
Хива	50 000 36 000


*Манба: ракамлар орасидаги фарқларнинг сабаби, маълумотлар турли ташкилотлар томонидан тайёрланган, шу билан бирга шаҳар билан шаҳар атрофи ўртасидаги фарқ ҳам аниқ ажратилмаган.*



## 7. Турмуш тарзи юксалиб бормоқда


Ўзбекистонда 20 йил ичида инсон ривожланиши кўрсаткичи тахминан 1 фоизга ошган. Бу ҳолатнинг 1995 ва 2005 йиллардаги кўрсаткичи эса собиқ СССРнинг барҳам топиши билан боғлиқ. Ўртacha умр кўриш 73 ёшни ташкил этади, эркакларда 71 ёш атрофида бўлса, аёлларда 75 ёшга етади. 1990 йилдан бошлиб ўртacha умр кўриш кўрсаткичидаги ўсиш кузатилди. Охирги 50 йил ичида ўртacha умр кўришнинг ўсиши 15 фоизни ташкил қилди. Саводхонлик даражаси дунёдаги энг яхши кўрсаткични ташкил этади, аёллар ва эркаклар ўртасидаги унча катта бўлмаган фарқ билан 99,3 фоизни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, таълим соҳасига ЯИМнинг 12 фоиздан ортиғи сарфланади.

## Ўзбекистонда инсон тараққиёти кўрсаткичларининг ўсиб бориши



*Манба: Шербрук Университети, Перспектив монд томонидан берилган маълумотлар асосида муаллифлар томонидан тайёрланган ҳужжат*

### Ўзбекистонда ўртача умр кўриш кўрсаткичлари



*Манба: Шербрук Университети, Перспектив монд томонидан берилган маълумотлар асосида муаллифлар томонидан тайёрланган ҳужжат*

## 8. Ижтимоий соҳада давлат асосий роль йўнамоқда

Мустақилликка эришгандан бери Ўзбекистон ҳукумати фуқаролик жамияти барпо этишга катта аҳамият бермоқда. Ҳар йили давлат аҳамиятига молик бир масалани энг муҳим йўналиш деб эълон қилиш одатга айланган. 2009 йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинган бўлса, 2010 йил эса "Баркамол авлод йили" деб

Эълон қилинди.

Ижтимоий соҳа ҳақида гап борар экан, давлат бюджетининг 51 фоизи мазкур соҳага, шу жумладан, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимиға йўналтирилган. Аҳолининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилган ҳозирги шароитда таълимга ажратилаётган маблағ ЯИМнинг 12 фоизини ташкил қиласди. Жаҳон миқёсида эса, бу кўрсаткич 5 фоиздан ошмайди.

Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб ёшларга оид миллий сиёsat тўғрисидаги қонунини (1991) қабул қиласди ва шу вақтдан бошлаб Ўзбекистон раҳбарияти маориф тизимини ислоҳ қилишни (1992 йилги қонун) бошлади ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини (1997) қабул қиласди. Мазкур дастур ҳозирнинг ўзидаёқ ўз самарасини бермоқда. 4500 та умумтаълим мактаблари тубдан қайта қурилди, 1500 та академик лицей ва қасб-хунар коллежлари барпо этилди. Олий таълим тизимида ҳам муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, бакалавр ва магистрлар тайёрлаш Европа тизими андозаси асосида амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг 75 та олий таълим муассасасида 300000 талаба 850 мутахасисслик бўйича таҳсил олмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёш талаба ва тадқиқотчиларга ўз билимларини халқаро миқёсда ошириш имконияти яратилди. Бу мақсад йўлида Республика Президентининг "Умид" жағармаси ташкил этилди. Хорижий мамлакатларда ўқишни қўллаб-қувватлашни кўзда тутувчи бу жамғарма кейинчалик "Устоз" жамғармаси билан бирлашди. Ҳозирда "Истебод" жамғармаси ёш ўқитувчи ва тадқиқотчиларни қасбий малакаларини ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш ишлари билан шуғулланмоқда.

Бугунги кунда ёшларга таълим бериш борасидаги давлат сиёсати жадал ривожланиб бормоқда ва бу ишга хорижий мутахассисларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таъкидлашича, бу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий мақсади таълим сифатини яхшилаш, ёшларга турли қасбларни эгаллашлари учун таълимнинг янги йўналишларини яратиш ва олийгоҳларни битирган ёшларни ишга жойлаштиришда ёрдам беришдан иборат.

Ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ҳуқуқий-меърий жиҳатдан кафолатланган. Тиббий хизмат ва умумий таълимнинг бепуллиги қонун билан тартибга солинган. Ўзбекистон ёшлари маданий ва спорт муассасаларига арzonлаштирилган нархлар асосида қатнашиш имкониятига эга.

Ўзбекистон Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони ёшларга оид сиёсатни янги босқичга кўтарди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 995 000 ёш оила мавжуд, бу мамлакатдаги

умумий оилаларнинг 16 фоизини ташкил этади. Юқоридаги Фармонга асосан ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва истеъмол молларини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар дастури ишлаб чиқилган.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг яна бир йўналиши – соғлом авлодни шакллантиришдан иборат. Бу вазифани амалга ошириш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг таркибидаги соғломлаштириш марказларига топширилган.

Ёшлар ўртасида жисмоний тарбияни ривожлантириш мақсадида 2002 йилда болалар спортини ривожлантириш маҳсус Жамғармаси ташкил этилган. Жамғарма ташкил этилгандан буён, унинг кўмагида қарийб 800 та спорт иншооти қуриб битказилди, мавжудлари таъмирланди. Бу иншоотлар қурилишида давлат томонидан 60 миллион евродан ортиқ маблағ ажратилди.

Ёшлар спортини ривожлантириш мақсадида ўқувчи ва талабаларнинг уч босқичли мусобақалари уюштирилади. Биринчи босқич – “Умид ниҳоллари” мактаб ўқувчилари ўртасида, иккинчи босқич – “Баркамол авлод” академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўртасида ва, нихоят, учинчи босқич – “Универсиада” университет талабалари ўртасида ўтказилади.

2001 йилнинг апрелидан бошлаб Халқаро маҳсус олимпиада ташкилотига киравчи Ўзбекистон ақлий ногиронлар учун хайру саҳоват ишларини ҳам олиб бормоқда. Ногиронлар спорт билан шуғулланиши учун муентазам равишда мусобақалар уюштириб турилади. 2007 йил Шанхайдаги ногиронлар учун уюштирилган Дунё Олимпиада ўйинларида 178 мамлакатдан 7600 атлет қатнашди. Ўзбекистонлик спортчилар бу ўйинларда олтига олтин ва еттита бронза медалини қўлга киритдилар.

Жамиятда ёшларнинг муаммоларига ечим топишга ёрдам бериш учун беш миллиондан ортиқ ёшларни бирлаштирган "Камолот" ижтимоий ҳаракати ташкил топган. Бу ташкилотнинг асосий вазифаси ёшларга, айниқса, қишлоқ ёшларига ҳаётда ўз ўринларини топишда ёрдам беришdir.

Бу ҳаракат иқтидорли ёшларни фестивал, кўргазма ва танловларда қатнаштириб уларни қўллаб-қувватлайди. "Камолот" ижтимоий ҳаракатининг ажralmas қисми – республика "Камалак" ташкилоти тўрт миллион мактаб ўкувчиларини бирлаштиради.

Ёш талантларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлашда хукумат ҳам фаол иштирок этмоқда. Бунга 2000 йилда ташкил этилган ёш миллий санъаткорларни қўллаб-қувватловчи "Ниҳол" миллий соврини яққол мисол бўла олади.

Ёш ижодкор қизларни қўллаб-қувватлаш маҳсус дастури ҳам ташкил қилинган. Масалан, 1998 йил инонъ ойида Президент "Зулфия" мукофотини таъсис қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Бу мукофот адабиёт,

саънат, маданият, таълим ва фан соҳасида ўз иқтидорларини намоён қилган ёш қизларга топширилади.

Болаликни ҳимоя қилиш "Сен ёлғиз эмассан" ижтимоий Жамғармаси 2002 йилда ташкил топган нодавлат ва нотижорат ташкилотдир. Бу ташкилот мамлакатда мунтазам ижтимоий сиёсатни олиб боришда муҳим роль ўйнайди. Жамғарма васийлик ва етимларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ота-оналар ёрдамидан маҳрум ва кам таъминланган оиласалардан чиккан ногиронлар билан шуғулланади. Бу жамиятнинг асосий вазифаси ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ болаларга муносиб ҳаёт кечиришга керакли шарт-шароит яратиб беришда кўмаклашишдир.

2008 йилда янги “2009–2014 йилларда мусиқа ва саънат мактаблари фаолиятини яхшилаш миллий дастури” қабул қилинди. Унинг асосий мақсади ёшларнинг маънавий дунёсини юксак даражага кўтариш ва бойитишдир. Уларни саънатга ва гўзалликка интилишини қўллаб-қувватлашдир.

“Ёшлар йили”да кўзда тутилган устувор йўналишлар қўйидагилардан иборат: ёшлар хуқуқлари ва қизиқишиларини ҳимоя қилиш, келажакда касб ва билимларга эришишлари учун шарт-шароит яратиб бериш, жамиятда ўзларига муносиб иш ўринларини топа оладиган кадрлар тайёрлаш.

Бошланғич ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшлар сонининг ўсиб бораётганлиги мустакил Ўзбекистоннинг таълим тизимидаши шак-шубҳасиз энг улуғвор ютуғидир.

Ва ниҳоят, ижтимоий соҳада эришилган ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Давлатнинг ижтимоий бюджети 2010 йил охирида 59 фоиздан ортиқ бўлди. Фақатгина соғлиқни саклаш секторида бу ўсиш 2009 йилга нисбатан 30 фоизни ташкил қилди.


Хизмат кўрсатиш соҳасида 2009 йилда 950 000 дан кўпроқ иш ўринлари яратилди. 2000–2009 йиллар мобайнида киши бошига даромад 4,6 фоизни ташкил қилди, шу давр ичida ойлик маошлар 18 баробарга оширилди. Шуни айтиш керакки, турар жойларни хусусийлаштириш жараёни ўз вақтида амалга оширилди. 2010 йилдаги кўрсатикичга асосан ахолининг 96 фоизи ўз уйларига эга.

Ижтимоий ҳимояга келсак, 2009 йил 18 ёшга етмаган фарзанди бор оиласаларга берилган нафақа ЯИМ нинг 0,7 фоизини ташкил қилди. Ишсизлик нафақалари ЯИМни 0,2 фоизини ташкил қилди, пенсия тизими билан аёлларнинг 95 фоизи, эркакларнинг 85 фоизи ҳимояланган. Бутун мамлакат бўйича кам таъминланган оиласаларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун ажратилган маблағ умумий давлат бюджетининг 10 фоизини ташкил қилади.

2010 йил июнь ойида Қирғизистонда содир бўлган фожиали воқеалар пайтида Ўзбекистон хукумати ижтимоий ҳимоя бўйича жиддий фавқулодда чораларни кўрди. Мамлакат Қирғизистон чегарасидан ўтиб

ўзбеклар томонида бошпана топган 130 000 кишини қабул қила олди ва уларни озиқ-овқат билан таъминлади. Касал болалар ва шу билан бирга ҳомиладор аёллар зудлик билан шифохоналарга ётқизилди. Уларнинг барчаси 2010 йил ёз давомида Қирғизистонга қайтиб кетдилар.

**Ўзбекистон мактабларининг юқори синфларига ёзилган болаларнинг умумий сонининг ўсиши**



Манба: Шербрук Университети Перспектив монд томонидан берилган маълумотлар асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқарилган ҳужжат

#### **IV бобга доир савол ва топшириқлар**


1. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти қандай омиллар билан очиб берилган?
2. Ўзбекистонга киритилаётган сармоялар қандай мезонлар орқали очиб берилган?
3. Қишлоқ ҳўжалигининг аҳамияти ва иқтисодий ўсиш суръатларини изоҳлаб беринг.
4. Мамлакат экспорт салоҳиятининг асосий қўрсаткичларини кўрстιб беринг.
5. Ўзбекистон экспорт-импорт салоҳиятини таҳлил қилиб беринг.
6. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг таъсирлари ҳақида гапириng.
7. Мамлакатдаги асосий ташқи сармоялар қайси давлатларга тегишли?
8. Иқтисодий барқарорликнинг бош омили нимада?
9. Босқичма-босқич иқтисодиёт нимага асосланган?
10. Давлат бюджети тўғрисидаги қарашларни таҳлил қилиб беринг.
11. Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиши асосан қайси омилларга боғлиқ?

## **В БОБ. 2008 ЙИЛДАГИ ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИГА БАРДОШ БЕРА ОЛГАН ИҚТИСОДИЁТ**

### **1. 1992 йилдан буён иқтисодий қўрсаткичлар барқарор ҳолатда**

Ўзбекистонда ЯИМ ҳар доим юқори бўлиб келган, чунки 1992 йилдан буён ҳар йили 7 фоиздан кам бўлмаган. Ўзбекистон иқтисодиёти 2008 йил жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига бардош бера олди. Албатта, бу инқирознинг мамлакатнинг иқтисодиётига оз таъсир қўрсатганинг сабаби, мамлакат ҳукуматининг оқилона танлаган сиёсати самарасидир.

Ўзбекистонда ЯИМ ўсиш қўрсаткичлари (олдинги йилларга нисбатан фоиз ҳисобида)




*Манба: Ўзбекистон молия вазирлигининг маълумотига асосан муаллифлар томонидан ишилаб чиқилган ҳужжат. \*Тахминлар*

Асосан иккиласми ва учламчи секторлар инқирозга бардош бериш имконини берди, шу билан бирга банклар билан кенг таъминланганлик, қишлоқ хўжалигининг тараққиёти ва унинг мунтазам ривожланиб бориши омили ҳам муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ҳиссаси **миллий бойликнинг ярмини ташкил қилмоқда**.

Расмий ахборотларга кўра ишсизлик даражаси паст бўлса ҳам, бир оз муаммо туғдириб турибди. Дарҳақиқат, чет элга кетган ўзбек ишчиларининг кўпчилиги ўз ватанларига қайтдилар. Уларни иш ўринлари билан таъминлаш зарурати пайдо бўлди.


#### **Ўзбекистонда ишсизлар сони**

**Ишсиз эркаклар сони пасаймоқда, ишсиз аёллар сони эса ўзгараётгани йўқ**



Манба: *Statistic.uz* сайти кўрсаткичларига асосан муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат.


### Ишсизликнинг фаолият турига нисбатан кўрсаткичлари (минг киши ҳисобида)



Манба: Ўзбекистон молия вазирлигининг маълумотларига асосан муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат.


Хорижий сармояларга келсак, уларнинг ҳажми ошиши саноатни замонавий технологиялар билан таъминлашга ва транспорт инфратузилмаларини мукаммалаштиришга имкон яратди.

### Ўзбекистонга киритилган сармояларнинг ошиши (фоиз ҳисобида)



*Манба: Ўзбекистон молия вазирлигини маълумотларига асосан муаллифлар томонидан ишилаб чиқилган ҳужжат.*

### **Ўзбекистонга киритилган сармоялар миқдори (миллиард сўм)**



*Манба: Ўзбекистон молия вазирлигининг маълумотларига асосан муаллифлар томонидан ишилаб чиқилган ҳужжат.*

### **2007–2009 йилларда сармояларнинг турли фаолият соҳаларига ажратилган кўрсаткичи (миллион сўм ҳисобида)**

	2007	Фоиз	2008	Фоиз	2009	Фоиз
<b>Жами</b>	5 903,5	100	9 555,9	100	12 531,9	100
<b>Саноат соҳаси</b>	<b>4 223.8</b>	<b>71.5</b>	<b>7 331.6</b>	<b>76.7</b>	<b>9 491.1</b>	<b>75.7</b>
Энергетика	1 207.3	20.5	1 728.9	18.1	1 759.0	14.0
Металлургия	365.3	6.2.	432.6	4.5	517.0	4.1
Нефть ва химия	78.5	1.3	182.8	1.9	232.3	1.8
Автомобилсозлик	101.8	1.7	208.6	2.2	335.6	2.7

Курилиш	90.1	1.5	133.2	1.4	209.7	1.7
Тўқимачилик	194.2	3.3	299.0	3.1	170.5	1.4
Озиқ-овқат	1214	2.1	210.0	2.2	188.0	1.5
Кишлоқ хўжалиги	200.5	3.4	260.6	2.7	385.6	3.1
Транспорт ва коммуникация	1 227.4	21.6	2 396.3	25.1	3 935.5	31.4
Бошқалар	586.9	9.9	1 479.3	15.5	1 757.4	14.0
<b>Саноатдан ташқари соҳалар</b>	<b>1 679,6</b>	<b>28,5</b>	<b>2 224,2</b>	<b>23,3</b>	<b>3 040,7</b>	<b>24,3</b>
Уй-жой	664.8	11.3	880.2	9.2	1 186.8	9.5
Маҳаллий инфраструктура	114.7	1.9	120.3	1.3	232.6	1.8
Соғлиқни сақлаш	81.1	1.4	158.0	1.6	158.2	1.3
Таълим	671.0	11.4	780.8	8.2	1 012.3	8.1
Маданият ва саънат	16.6	0.3	45.6	0.5	24.8	0.2
Бошқалар	131.1	2.2	239.0	2.5	425.7	3.4

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Элчихонаси томонидан берилган маълумотларга асосан муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат.*

## **2. Кишлоқ хўжалигининг мухим роли, саноатнинг мунтазам ривожланиши ва хизмат кўрсатиш соҳасининг тараққий топиши**

Кишлоқ хўжалиги ўзбек иқтисодиётининг асосий тармоғи бўлиб қолаверади, чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ЯИМнинг чорак қисмини ташкил қиласди. Унинг йиллик ўсиши 6 фоизни ташкил қилиб, саноат соҳасидан олдинда, лекин йиллик ўсиши 15 фоиздан юқори учинчи ишлаб чиқариш секторидан анча орқада туради.


**Пахта**, баъзи йиллари жаҳон конъюнктураси унчалик яхши бўлмаганлиги туфайли экспорт пасайиб кетишига қарамасдан, Ўзбекистоннинг асосий валюта манбаларидан биридир.

Мамлакатнинг тўқимачилик саноати, айниқса, пахта, жун, ипак ишлатадиган соҳалари мустаҳкам хомашё базасига эга. Мустақилликка эришилгандан буён бу соҳалар Ўзбекистонга Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида асосий ўринни эгаллаш имконини берди. XX асрнинг охирларида бу мамлакатларда анъанавий ишлаб чиқариш соҳалари йўқолиб кетиш даражасида эди.

Умуман олганда, ЯИМ учдан бир қисмини бераётган саноат соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Айниқса,

металлургия, машинасозлик, озиқ-овқат, кимё, ўғит, қурилиш материаллари ва бошқа ишлаб чиқарувчи соҳалар жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганини кузатиш мумкин. Шу билан бирга саноатнинг ЯИМдаги улуши 1992 йилдан 2009 йилгача 14 фоиздан 24 фоизга ошди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон йирик нефть ишлаб чиқарувчилардан бўлмаса-да, ер ости қазилма захираларига бой мамлакат. У олтин ишлаб чиқариш бўйича дунёда тўққизинчи ўринни эгаллайди. Кўмир, мис, рух ва вольфрам унинг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади. Пахта ва олтиндан ташқари нефть ва, айниқса, газ (экспорт 2007 йилда икки баробар ошди) мамлакат учун асосий валюта манбаидир.

### **Ўзбекистонда ЯИМнинг соҳалар бўйича тақсимоти: бирламчи, иккиласмчи ва учинчи фаолият соҳаларидаги улуши**



*Манба: Ўзбекистон молия вазирлиги кўрсаткичларига асосан муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат.*

Сўнгги пайтда, айниқса, учинчи фаолият сектори жуда тез ривожланаяпти. Уларнинг ЯИМдаги улуши ошди ва ўсиш кўрсаткичлари жуда юқори, шунинг билан бирга, улар мамлакатнинг мустаҳкам ривожланишида, ҳеч шубҳасиз, энг асосий омил бўлиб қолмоқда.

### **3. Ташқи савдо кўрсаткичлари, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва хизмат кўрсатиш соҳасида унинг жаҳон савдосига интеграциялашувини кўрсатади**


Ўзбекистон географик жиҳатдан йирик жаҳон иқтисодий бозорлари тўқнашган чорраҳада жойлашган. Бу жойлашув жаҳон бозорига муваффақият билан интеграциялашувга жуда қўл келади.

## Чет элдаги энг муҳим бозорларнинг жойлашуви Харита – 19




*Манба: Ўзбекистон молия вазирлиги томонидан берилган маълумотларга асосан муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат.*

### 2009 йилда Ўзбекистон маҳсулотлари экспорт қилинган давлатлар



*Манба: Ўзбекистон Республикаси Элчихонаси томонидан берилган маълумотларга асосан муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат.*


## 2009 йилда Ўзбекистонга импорт қилган давлатлар



Манба: Ўзбекистон Республикаси Элчихонаси томонидан берилган маълумотларга асосан муаллифлар томонидан ишилаб чиқилган ҳужжат.

## Ўзбекистоннинг савдо баланси (миллиард доллар ҳисобида)

La balance commerciale de l'Ouzbékistan  
(en milliards de dollars courant)



Манба: Шербрук Университети Перспектив монд томонидан берилган маълумотлар асосида муаллифлар томонидан ишилаб чиқилган ҳужжат

**Ўзбекистоннинг ташқи савдоси** таҳлили мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ҳимояланганлигини күрсатади. У эркин алмашувдаги валюта захирасини сақлаш учун импортни ўртacha ҳажмда ушлаб турибди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг ташқи савдоси, асосан, пахта ва олтиннинг жаҳон бозоридаги нархларига боғлиқ.

**Жаҳон молиявий инқизорзининг Ўзбекистон иқтисодиётига**


**таъсири:**

**2008 ва 2009 йилларда стратегик маҳсулотлар нархининг жаҳон бозорларида ўзгариши**

	Максимал баҳо	Минимал баҳо	Ўзгариш
Мис	9 069.0	2 770.0	-69фоиз
Олтин	1 011.3	713.5	-29фоиз
Уран	162 655.0	75 104.0	-54фоиз
Қора металл	1 090.0	480.0	-56фоиз
Пахта толаси	1 984.0	1 102.0	-44фоиз
Пахта ипи	2 230.0	1 603.0	-28фоиз
Амоний нитрати	513.0	139.0	-73фоиз
Мочевина	820.0	212,0	-74фоиз
Молибден	79 125.0	18 810.0	-76фоиз

*Манба: Ўзбекистон молия вазирлигининг маълумотига кўра муаллифлар томонидан ишилаб чиқилган ҳужжат.*

#### **Ташқи савдо индекслари (миллион доллар ҳисобида)**



*Манба: Ўзбекистон молия вазирлигининг кўрсаткичларига асосан муаллифлар томонидан ишилаб чиқилган ҳужжат.*

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ташқи савдосининг катта қисми ЕИ мамлакатларига тўғри келади, лекин ташқи савдонинг 20-25 фоизи Россия билан амалга оширилади. Россия Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90фоиз ини, ҳамда газ, пахта ва енгил машиналарни сотиб олади. Россия Ўзбекистонга саноат моллари, ҳарбий техника етказиб беради. Ўзбекистон умумий ташқи савдосининг таҳминан учдан бир қисми МДҲ мамлакатлари улушкига тўғри келади.

2009 йилда Ўзбекистон маҳсулотларини харид қилган асосий давлатлар қуидагилардир: Россия (19 фоиз), Украина (6 фоиз), Қозоғистон (4 фоиз), Швейцария (14 фоиз), Буюк Британия (7 фоиз), Жанубий Корея (12 фоиз), Хитой (4 фоиз), Франция (2,5 фоиз). 2009 йилдаги асосий таъминотчи давлатлар эса Россия (22 фоиз), Украина (9 фоиз), Қозоғистон (8 фоиз), Жанубий Корея (10 фоиз), Америка Кўшма Штатлари (4 фоиз), Германия (5 фоиз), Франция (3 фоиз) эди.

2003 йил октябрь ойида миллий валюта – сўмни<sup>1</sup> эркин конвертация қилиш хақидаги фармоннинг қабул қилиниши ва мамлакатнинг 2005 йилдан бошлаб Россия билан сиёсий алоқаларни яхшилаши натижасида хорижий сармоядорларнинг сони ошди. Жаҳон иқтисодий инқирози Ўзбекистон ҳукуматини иқтисодиётни янада либераллаштиришга чорлади.

#### **4. 1990 йилдан буён оқилона иқтисодий сиёсат туфайли иқтисодиётнинг юксалиб бориши давом этмоқда**

Кўшни давлатлардан фарқли ўлароқ, айниқса, Халқаро валюта фонди ислоҳот ўтказган Қозоғистонга нисбатан Ўзбекистонда ўтиш жараёни анча осон кечди. Тан олиш керак, мустақилликка эришган чоғда Ўзбекистон, асосан, аграр ва саноати кам ривожланган давлат эди. Ўзбекистонда киши бошига миллий даромад ўн йилликнинг охирида 1991 йил билан баробар бўлганлигини шундан англаб олса бўлади. Ўзбекистон раҳбариятининг ишлаб чиқкан асосий стратегияси **ислоҳотларнинг босқичма-босқич ўтказилишидир**. Бу “босқичма-босқичлик” Президент Ислом Каримовнинг фикрича, мамлакатда сиёсий ва ижтимоий барқарорликка эришишнинг ягона йўли эди. 1996 йил Халқаро валюта фонди ўз ёрдамини тўхтатиб қўйишига қарамасдан, мамлакат ўзи танлаган йўлни давом эттириди ва XX асрнинг охирида, 2000 йилги қурғоқчилик сабабли, кам пахта ҳосили олинганлигига қармасдан, Ўзбекистонда ўсиш 4 фоиздан ҳам ошиб кетди. Бу оқилона сиёсат уч соҳада яхши натижалар берди:

**Катта молиявий мувозанатлар** ҳақиқатан ҳам сақланиб қолинди. 2003 йилдан бери инфляция 8 фоиздан ошмади. 2005 йилдан бошлаб бюджет мувозанатига эришилди. 2002 йилдан буён савдо баланси фойда келтирувчи ва ундан келган фойда пул алмаштириш захирасини яхши сақлашга ёрдам берди. Мамлакатнинг ЯИМ 60 фоизини ташкил қилган ташқи қарзлар 10 фоиздан пастга туширилди ва ҳозир экспорт қийматининг фақатгина чорагини ташкил қиласди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон сўмининг (UZS) 2010 йил 22 августдаги курси: 1 UZS = 0,0006 USD, 1 USD = 1 620,7 UZS, 1 UZS = 0,0005 EUR, 1 EUR = 2 064,1 UZS


Ўзбекистон ҳар доим ўз кредиторлари олдидағи ваъдаларининг устидан чиққан.

1997 йилданоқ, диверсификациялаш сиёсати туфайли энергетик мустақилликка эришилди. Бунга Бухорода Текнип француз компанияси томонидан нефтни қайта ишлаш заводи қурилишини мисол келтириш мумкин. Шу билан бирга, 2000 йилнинг охирида Швеция-Швейцария компанияси (АББ) ҳамда учта Япон компаниялари томонидан Шўртган газ ва кимё мажмуасининг қуриб тугалланиши, бу энергетик мустақилликка эришишни янада жадаллаштириди.

Кўп ерларнинг сифати пасайгани, уларнинг ҳолдан тойгани, обҳаво инжиқликлари туфайли озиқ-овқат билан ўз-ўзини таъминлашга эришиш осон кечмаяпти.


**Савдо шерикларини кўпайтириш.** Шундай қилиб, МДҲ мамлакатларининг Ўзбекистон ташқи савдосидаги улуши камайиб бориши давом этмоқда ва ҳозирда таъминотчилар ичида, МДҲ мамлакатларидан ташқари, Жанубий Корея олдинги ўринларда турибди. Илгари чет эл капиталларини ўзига жалб қилувчи қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги сабабли Ўзбекистон кўп йиллар давомида МДҲ мамлакатлари ичида энг кам хорижий сармоя киритиладиган мамлакат бўлиб келди. Ҳозир бу ҳолат тубдан ўзгарди.

### Ўзбекистоннинг давлат бюджет мувозанати кафолатланган



Манба: Ўзбекистон молия вазирлиги томонидан берилган маълумотларга асосан муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат.

**2001-2003 йилларда инфляция кўрсаткичи пасайди  
(олдинги йил декабр ойига нисбатан % ҳисобида)**



Манба: Жаҳон банки томонидан берилган маълумотларга асосан муваллифлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат.

**5. 1991 йилдан бери бешта асосий тамойил Ўзбекистон сиёсатини белгиламоқда**

- Керакли бўлган ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қиласидиган ҳар қандай мафкуравий ва сиёсий қийинчиликларга қарамасдан иқтисодий масала устувор қилиб белгиланди . Яна шу нарса диққатга сазоворки, ўзбек мутахассисларининг кўпчилик қисми совет типидаги социализм мактабларида таҳсил олган.

- Давлат бош ислоҳотчи эканлигини маъқуллаш, у нима устувор, қайси йўналишдан бориш ва қачон қандай ислоҳот ўтказиш керак эканлигини белгилашни ўз зиммасига олади.

- 1991 йилгacha пролетар диктатураси сабабли “социализм қуришни” ўз зиммасига олишга мажбур бўлган мамлакатда ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий масалада аста-секин **хуқуқий давлат** тамойиллари ишлаб чиқиши.

- Бозор иқтисодиётiga ўтиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш.

- Бозор иқтисодиётiga ўтишнинг "босқичма-босқич" моделининг танланиши.

**6. Реал иқтисодий устунлик ва айрим камчиликлар**

29 миллиондан ортиқ аҳоли билан Ўзбекистон Марказий Осиёда энг катта бозорни ташкил қиласиди ва шу билан бирга эътиборга лойик захираларга эга:

- ҳайдаладиган ерларнинг кам бўлиши билан бирга, Ўзбекистон серҳосил тупроқ туфайли Тошкент вилоятида, Самарқанд атрофида ва

Фаргона водийсида жуда унумдор ерларга эга. Бу майдонларга доимий равища ишлов берилса, қишлоқ хўжалигидағи озиқ-овқат секторини жуда яхши ривожлантириш мумкин;

- Ўзбекистон дунёда **пахта етиштириш бўйича тўртинчи** ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради;

- Ўзбекистон жуда салмоқли ер ости захираларига эга. У олтин ишлаб чиқариш бўйича дунёда еттинчи, уран экспорти бўйича тўртинчи ўринни эгаллайди ва унинг газ захиралари улкан (дунёда тўққизинчи ўринда). Углеводородлар ишлаб чиқариш бўйича ён қўшниси Қозоғистондан кейинги ўринда туради.

Шу билан бирга, юқоридаги афзалликларга қарамасдан, Ўзбекистон айrim табиий нокулайликларга ҳам эга.

**Авваламбор, оралиқда жойлашганлиги** (Ўзбекистон учун икки томонлама) бу мамлакат учун жуда катта қийинчилик туғдиради. Махсулотларни етиштиришни, уларни экспортини, унинг таъминотини, асосан, қўшни давлатлар назорат қиласди. Шунингдек, собиқ социалистик республикалар иқтисодиётини ихтисослаштирган совет тузуми уларни Москвага иқтисодий қарам қилиб қўйганлигини ҳам қўшиш керак. Бу хусусда Ўзбекистон мустақиллиги аста-секин ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ва маданий эркинликка эришишга муҳтож эди. Яқин йигирма йил ичida Ўзбекистон бу секин, лекин жуда зарур ўзгаришларга эриша олди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, мамлакат иқтисодиёти учун зарур бўлган ислоҳотлар давом этмоқда.

Бундан ташқари, гиёхванд моддалар савдоси, дунёдаги бошқа мамлакатлардагидек, Ўзбекистон ҳудудларини ҳам четлаб ўтмайди. Чунки қўшни Афғонистон дунёда етиштирилаётган гиёхванд моддаларнинг 97–98 фоизини “етказиб беради”. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги чегаралар анча заиф ва, шу билан бирга, Тожикистондаги уруш аста-секин янги яширин савдо тармоқларининг пайдо бўлишига қулай шарт-шароит яратиб берди.

## 7. Тенгизликнинг кучайиш хавфи

Ҳамма биладики, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин **хар қандай иқтисодий ўсиш** уч хил натижага олиб келади:

- **ижтимоий тенгизликнинг ўсиши**, чунки аҳолининг турли табақаси ўсишнинг пасайишидан турлича фойдаланиб қолади;
- **секторлар бўйича тенгизликнинг ўсиши**, дарҳақиқат шаҳарликлар ва хизмат соҳасида ишлайдиганлар иқтисодни модернизация қилишдан кўпроқ фойдаланадилар;
- ва ниҳоят, **минтақавий тенгизликнинг ўсиши**.

Бу тенгизликларни янада чукурлашиб кетишининг олдини олиш

учун Ўзбекистон ҳукумати керакли чораларни ишга солмоқда. Фақатгина шу йўл билан ўсиш мустаҳкам ривожланишга олиб келиши мумкин.

Айтиш жоизки, жойларда ташкил қилинган биродарлик тармоқлари – **маҳаллалар** асосий ижтимоий ядро ролини ўйнади. 1999 йил 13 январдаги Президент қарори билан ижтимоий ёрдам соҳаси, шу жумладан, баъзи соликлар бўйича уларга катта эркинликлар берилди. Албатта, бу ижтимоий ёрдам мўъжиза яратгани йўқ, лекин бу қашшоқлик авж олишини олдини олишнинг амалдаги чорасидир. Айнан шу чора-тадбирлар Ўзбекистон ҳукумати раҳбарларининг хоҳишистаклари бўлиб, бу жаҳон инқирози ва унинг оқибатларига қарши курашга тааллуқли ёзилган ҳужжатда ўз аксини топди.

## **8. Комил ишонч сабаблари**

2009 йил Ўзбекистон раҳбарияти, виртуал бойликни ўйлаб топишга эришган молиявий пирамидаларнинг емирилишига олиб келган жаҳон молиявий инқирози авж олган шароитда, мамлакат иқтисодиётини соғлом сақлаб қолиш мақсадида, эътиборга лойик бир қанча қарорлар қабул қилди.

**Авваламбор**, экспорт қилувчи корхоналарнинг фаоллигини сақлаб қолиш мақсадида бир нечта чора-тадбирларни амалга оширди:

- маҳсулот таннархини 20 фоизга пасайтиришга эришилди. Натижада жаҳон бозорида ўзбек компанияларининг рақобатбардошлиги янада ошди;

- элликтача экспорт қила оловчи йирик корхоналар ўзларининг банк қарзларини реструктуризация қилиш имконига эга бўлдилар. Бу эса 200 миллион АҚШ долларини ташкил қилди;

- Ўзбекистон тиҷорат банклари аввал берилган қарз – 60 миллион АҚШ долларидан ташқари, кўп экспорт қила оладиган корхоналарни қайта капиталлаштириш учун инвестиция киритдилар;

- давлат электр энергияси, газ, сув ва уруғлар нархининг ўсишини 8 фоиздан оширмасликка эришди, ҳолбуки, 2008 йилда бу нарх 25 фоизга яқин ошган эди;

- ҳар қандай спекуляцияларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўрган ҳолда реал иқтисодиёт секторларига киритилган сармоялар мунтазам равишда қўллаб-қувватланди;

- тиҷорат банклар капитали камидаги 43 фоизга кўпайди ва микрокредит ҳамма ерда, ҳамма босқичда қўллаб-қувватланди;

- банк инвестициялари 2009 йил 2008 йилга нисбатан 60 фоизга ошди;

- материаллар саноатида, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати

соҳаларида 480-500 кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари ташкил қилинди;

- мақсадли инвестициялар имтиёзга эга бўлгани ҳолда, умумий инвестициялар ҳажми 25 фоизга кўпайди;
- 538 км йўл ва 19 та кўприк таъмирланди, 217 км йўл қурилди;
- юзлаб электр симлари ва газ қувурлари ўтказилди;
- бешта асосий темир йўллар қурилиши бошланди. 115 км темир йўли электрлаштирилди ва темир йўл анжомлари сотиб олинди;
- инфляцияни камайтиришга (фуқароларнинг сотиб олиш қобилиятини сақлаган ҳолда ёки уни ошириб) ички талаб рағбатлантирилди;
- айниқса, қурилиш саноатига ёрдам берилди ва 150 та қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи фирмалар очилди;
- тажриба сифатида сифатида 1 000 га яқин экологик турар жойлар қурилди;
- шаҳарликларнинг реал даромади салкам 25 фоизга ошди. Ойлик маошлар 40 фоизга оширилди. Умумий хизматлар сектори (16,7 фоиз) ва улгуржи савдо (17 фоиз) бундан фойда кўрди.

Бундай оқилона сиёсатнинг натижалари яққол кўриниб турибди: иқтисодиётнинг кучли ривожланиши таъминланди, макроиқтисодиётнинг барқарорлигига эришилди, баъзилари секинлашган бўлса ҳам структурал ислоҳотлар давом эттирилди, иш ўринларини ташкил қилиш оширилди, оиласарнинг ўртача даромади ўсди.

Умуман олганда, 2008 йил инқирози олдида бундай ютуқларга эришганликнинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон молиявий маблағ етишмаслигидан жабр кўрмади ва унинг ҳеч бир банки молиявий жиҳатдан синмади. Ўзбекистон банклари кредит беришни давом эттирди ва уларнинг, айниқса, кичик ва ўрта тадбиркорликка ёрдами камида 1,7 баробар ортди. Ҳар қандай спекулятив кўпиклар пайдо бўлишининг, давлат бюджетининг камомадда бўлишининг олдини олиб, чет элдан жуда кўп қарз олишдан четланиб, Ўзбекистон **жаҳон иқтисодий инқирозига бардош бера олди**. Инқироздан сўнг нефть ва газ, нефть-кимё, транспорт ва инфраструктура, кимё саноати, тўқимачилик, машиналар қуриш ва бошқа секторларни устун қўядиган ривожланиш дастурини йўлга қўйиши ҳақиқатан бир ютуқдир. Кейинги **беш йилликка** белгиланган **асосий вазифалар** қуидагилар:

- юқори фойда келтирувчи (кўшимча қийматга) саноатларни ривожлантириш: автомобиль, нефть-кимё, электр энергияси, фармацевтика саноати, қурилиш материаллари ва х.к.;
- экспортлар сектори ҳамда уларнинг географиясини

кенгайтириш;

- кўп иш кучи ишлатадиган кичик корхоналарни ишга тушириш.

**Ижтимоий соҳада** Ўзбекистон раҳбарияти қуидагиларга алоҳида урғу қаратди:

- аҳолининг кредит олишига кенг йўл очиб бериш;
- кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 45-49фоиз бўлишини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарини модернизация қилишни йўлга қўйиш;
- қишлоқ тураг жойларини қуришни йўлга қўйиш;
- маошларни ҳамда ҳар қандай давлат ёрдамини сезиларли равишда ошириш.

Навоий саноат-иктисодий эркин зonasининг (Навоий логистика маркази) янада диққатга сазоворлиги шундан иборатки, у ҳеч шакшубҳасиз МДҲ давлатлари ичида қурилган биринчи эркин зонадир. У нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиёни ривожлантиришга мўлжалланган. Бу эркин зона келгуси ўттиз йил мобайнида жаҳон миқёсида рақобатбардош юқори технологияли заводлар қурилишида бир қанча божхона, маблағ, солик қулайликларидан фойдалана олади.

Шу билан бирга, Навоий эркин зонасида тайёрланган маҳсулотлар Ўзбекистонга Европа, Осиё ва Шимолий Америка, шунингдек, 300 миллион аҳолига эга МДҲ бозорларига осон кириб бориш имконини беради.

Мазкур эркин иқтисодий ҳудуд ва қитъалараро ва интэрмодал логистика маркази 2009 йил 1 январдан бошлаб “Кореан Эр” томонидан бошқарилаётган бўлиб Навоий аэропорти ичида жойлашган. Бундан ташқари, темир йўл ва автомобиль транспорт йўли чорраҳасида жойлашган Навоий аэропорти Европа, Яқин Шарқ, Ўрта Шарқ, Марказий Осиё, Жанубий Осиё ва Жануби-Шарқий Осиёни бир-бири билан янада мустаҳкамроқ боғлаш имконини беради. Ўзининг жойлашиши бўйича у **халқаро чорраҳа** бўлиб қолди ва товар айирбошлишнинг тезлиги бу эркин зонанинг асосий ютуғидир. Унинг муваффақияти ҳозирданоқ аниқ.

## V бобга доир савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистондаги иқтисодий тараққиёт омиллари нималарда кўринади?
2. Муаллиф Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига қандай бардош бера олди деб ҳисоблайди?
3. ЯИМнинг ўсиши қандай омилларга боғлиқ?
4. Ўзбекистонда ишсизлик масаласи қандай таҳлил қилинган?

5. Қайси фаолият турларида ишсизлик масаласи долзарб ҳисобланади?
6. Транспорт инфратузилмаларининг ривожи қандай кўрсатиб берилган?
7. Сармояларнинг соҳалар бўйича тақсимоти қандай?
8. Қишлоқ хўжалиги тараққий этиши асосий омилларини кўрсатинг.
9. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти ҳақида гапиринг.
10. Ташқи савдонинг ривожланиши қандай тасвирланган?
11. Ўзбекистонда давлат бюджети шаклланишини тасвирлаб беринг.

# **VI БОБ. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ БОЙЛИГИ БҮЛИБ ҚОЛМОҚДА. САНОАТ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОҲАЛАРИ ЖАДАЛЛИК БИЛАН РИВОЖЛАНМОҚДА**

*“Қишлоқ хўжалиги бошқа санъатларнинг онаси ва боқувчисидир”*  
*Ксенофон*

## **1. Минг йиллик тоғ этагидаги воҳалар**

Ўтган қадим даврлар мобайнида, Марказий Осиёда Фарбдан анча олдинроқ сугориш ва турли ҳудудлардан келтирилган ўсимликлардан фойдаланиш эвазига қишлоқ хўжалиги юқори даражада ривожланган эди.

Шубҳасиз, Ўзбекистон ўзининг континентал жойлашувидан келиб чиқиб, Шарқий Осиёнинг совуқ чўллари, Ўрта Шарқ ва Сахройи Кабирнинг иссиқ чўллари ўртасидаги қуруқ иқлимининг кесишувида жойлашган.

Мамлакатнинг жанубида жойлашган тоғлардан ташқари, Орол-Каспий оралиғи ҳудудида йилига ўртacha 250 мм дан камроқ (ёғингарчилик) ёмғир сувлари бўлиб, марказий ҳудудлар (минтақа)да эса бу кўрсаткич 50 мм дан камроқ миқдорни ташкил этади.

Кун ва тун, қишиш ва ёз ўртасидаги ҳарорат кўрсаткичи фарқланади. Сибирдан келаётган антициклон ўлкадаги қишиш кунларини -30 даражагача тушириб юбориши мумкин. Ёз кунларида эса ҳаводаги иссиқ парланиш Сахройи Кабирдагига ўхшаб кетади.

Ўлкадаги рельеф туфайли асрлар мобайнида ўтроқ аҳолининг жойлашишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган иқлим шароитлари воҳадаги аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир эта олмаган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳудудининг тўртдан уч қисми бир турдаги водийлардан, унумдор бўлмаган қумли даштлардан ташкил топган. Лекин жануб томонда Тянь-Шань ва Помир тоғ этаклари кўриниб туради. Помир тоғининг 30 та 4000 м баландликдаги чўққилари ва машҳур учта 7500 м га етадиган энг баланд чўққилари ёғингарчиликнинг катта қисмини ўзида сақлайди, уларни муз ва қорга айлантиради. Ўзбекистон жанубидаги тоғлар катта сув захирасига эга ва бу суғорма дехқончилик билан шуғулланишга жуда қулай ҳисобланади. Мазкур ҳудуддаги сув захиралари ёзги қуруқлик билан ўзаро мутаносиблиқ касб этган ҳолда жуда қулай имкониятларни яратиб беради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу дарёлар оқизиб кетадиган ифлос тупроқ миқдори Хитойдаги Хуанхе ва Нил дарёсидан анча юқори. Ёзги алмашиб турувчи иссиқ қуруқлиқдаги об-ҳавоси ва дарё сувларининг ҳажми Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги учун қулай имкониятлар яратади.

Шу тоғ этакларида, милоддан аввалги 5000 йилдан бошлаб илк дехқончилик маконлари топилган. Ўша давр дехқонлари сувни йўналтириш борасида тажрибага эга эканликлари археологлар томонидан топилган сув кучи ёрдамида ишлайдиган иншоотлар қолдиқлари асосида исботланди. Шунинг учун кузги экинлар, мевали дараҳтларни етишириш, кичик чорвачиликнинг вужудга келиши ва улар ўртасидаги айирбошлаш неолит даврида пайдо бўлишига замин яратса олган. Лекин, аникрофи, худди Месопотамиядагидек (Дажла ва Фрот), шубҳасиз, воҳада мукаммал суғориш тармоғи бронза асрига (милоддан аввалги 3 ва 2 минг йилликка) тўғри келади. Шундай экан, чорвачиликка асосланган кўчманчи цивилизация қулай жойлашган воҳалар тизмасида одамларни бирлаштириди ва уларни бир-бирлари билан учраштирувчи тижорат йўлларини яратишга ёрдам берди.


XIX асрга қадар воҳа тараққиёти тоғ этакларини ранг-баранг ва серунум хўжаликнинг барча турларига мўлжалланган қишлоқ хўжалиги ҳудудига айлантириди. Боғдорчилик ривожланган дехқончиликнинг тараққий этишига йўл очиб берди. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг Евросиё қитъасининг қоқ ўртасида жойлашганлиги ҳамда Узоқ ва Яқин Шарқ ўртасида табиий кўприк вазифасини бажариши унга кенг миқёсдаги ўсимлик дунёсини ўзлаштиришга ҳам имкон берди. Бу тоғ олди воҳаларда, асосан, Туркиядан келтирилган буғдой, Хитойнинг тут дараҳти ва ҳинд гуручи етиширилар эди. Алэн Кариу эслатиб ўтганидек: “Айнан Марказий Осиё йўлларида буддизм дини вакиллари узумни илк маротаба учратдилар ва уни Хитой, Корея ҳамда Японияга ёйилишига сабабчи бўлдилар.” Эрон яssi тоғликларидан то Хитой катта текисликларигача чўзилган бу воҳалар Буюк ипак йўли негизини ташкил қиласи: Техрон–Машҳад–Бухоро–Самарқанд–Қўқон–Қошғар–Турфон–Хўтан орқали ўтган йўл бунинг ёрқин далилидир.

## **2. XXI аср бошида ҳам қишлоқ хўжалигига асосланган жамият**

XXI аср бошига келиб, 1930–1990 йиллар мобайнида совет ҳукумати томонидан олиб борилган катта тадбирларга қарамасдан, ўзбек қишлоқ хўжалиги ўзига тегишли худуднинг факатгина 10 фоиздан сал кўпроғидан фойдаланди, холос. Шуни ҳам таъкидлаб

ўтиш керакки, экин майдонларининг 90 фоиздан кўпроғи суғорилади ва шунинг учун Ўзбекистон дунёдаги энг катта боғдор мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан суғорилаётган ерларда аҳоли зичлиги  $1 \text{ км}^2$  га 100 кишидан ортади, энг ҳосилдор Фаргона воҳасида эса бу кўрсаткич  $1 \text{ км}^2$  га 400 кишини ташкил қиласи. Бундан ташқари қишлоқдаги аҳолининг ўнтадан тўққизтаси қишлоқ хўжалиги билан банд. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги соҳаси давлат даромадларининг 40 фоизини ташкил қиласи ва ЯИМнинг 23 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Бирок қишлоқ хўжалигидаги норасмий фаолият ҳақиқий маълумотларнинг бир неча баравар юқорилигидан далолат беради.

### **ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши (фоиз ҳисобида)**



*Маълумотлар Жаҳон Банки томонидан тақдим этилган.*

Пахта фақат қишлоқ хўжалигининг муҳим бўғини бўлибгина қолмай, у халқ хўжалигининг асосини ҳам ташкил этади. Чунки аҳолининг кўпчилик қисми бу соҳа билан банд ва у мамлакатга валюта оқимини таъминловчи муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Афсуски, ўзбек саноати пахта хомашёсига боғлиқлигича қолмоқда: қишлоқ хўжалиги техникаси, ўғит маҳсулотлари ишлаб чиқариш, пахтани қайта ишлаш шулар жумласидандир. Лекин шу билан бирга, мамалакатда саноат тараққиёти ривожланишда давом этмоқда, чунки пахтанинг фақат 23 фоизи дан 30 фоизигача мамлакатнинг ўзида қайта ишланади, холос. Ҳақақатан ҳам Осиёнинг энг катта тўқимачилик марказлари ҳамон Ўзбекистондан ташқарида жойлашган. 2015 йилга бориб пахта толасининг 50 фоиздан кўпроғи мамалакатнинг ўзида қайта ишланиши режалаштирилган.

### **3. Ўзгаришлар жадал эмасми?**

Собиқ Иттифоқнинг қулаши билан давлат корхоналари хусусийлаштирилди ва пахтачилик корхоналари хавф остида қолади деган таҳминлар бор эди. Жамоа хўжаликлари (ўзбек тилида ширкат ёки кооператив) Президент қарори билан дон ва пахта маҳсулотларини белгиланган нархда етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Лекин мева ва сабзовот нархини дехқонларнинг ўзлари белгилайдилар. Аммо жамоавий инфратузилманинг етишмаслиги, шунингдек, фойданинг камайиб бориши шундан далолат берадики, Ўзбекистондаги ширкат хўжаликлари томонидан ишлов берилган 75 фоиз ерлардан олинган даромад миллий маҳсулотнинг 50 фоизини ҳам ташкил қилмади. 1998 йилга келиб, **Ер тўғрисидаги кодексга асосан**, якка тадбиркорлик мақоми хуқуқий жиҳатдан кафолатлаб берилди. Шу билан бирга, сув ва ерга эга бўлган дехқон эндиликда сармоя ва кредит олиш муаммолари билан тўқнаш келмайди. Чунки микрокредит тизимларининг ўрнатилиши ва банк тизимидағи имтиёзлар уларга бир неча қулайликлар яратди.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги фермер хўжалирининг кўпчилиги хусусийлаштирилган. Бироқ, совет давридагидек томорқа хўжалиги қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланаётган тури бўлиб қолмоқда. Шундай қилиб, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таҳминан ярмини ҳамон томорқа хўжалик маҳсулотлари ташкил қилади. Мазкур нисбийликни қандай қилиб тушунириш мумкин? Ўзбекистон Марказий Осиё республикалари ичida энг кам руслаштирилган мамлакат ҳисобланади. Шунга кўра, жамоавий қишлоқ хўжалиги тизими халқ орасида обрўга эга бўлган кишилар ва маҳаллий аҳоли аъзолари томонидан секин-аста қурилган эди. Бу кишилар эса йиллар давомида эришган имтиёзлардан воз кечишни хоҳламадилар.

Нихоят, бу сабабларга яна иккита сиёсий тусдаги таҳлилни келтириш мумкин. Бир томондан, аграр капитализмнинг муқаррар ва секинлик билан ўрнатилиши, 1930 йилдан бери сингиб кетган одатларнинг бузилишидан хавотирга тушган дехқонларга умид бермади. Бунинг устига аграр капитализм жамият барқарорлигини кафолатламайди. Бошқа томондан, давлат саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига кўпроқ эътибор қаратди.

### **4. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий муаммолари**

Қишлоқларда аҳоли зичлиги ҳамон юқори даражада бўлиб қолмоқда. Маълумки, Ўзбекистон дунёning бошқа ривожланаётган мамлакатларидан фарқли равишда, ўзига хос ривожланиш моделига эга. Дарҳақиқат, ривожланаётган мамлакатларда охирги ўн йилликда

қишлоқ аҳолисининг шаҳар томонга ёппасига кўчиб бориши кузатилмоқда. Ўзбекистонда эса, аксинча, қишлоқ аҳолиси фақат ўсишда давом этмоқда. 2010 йилда урбанизация даражаси 40 фоиздан сал кўпроқни ташкил этди.

Кўриниб турибдики, XX асрнинг охирги ўн йиллигидаги Ўзбекистондаги қишлоқ аҳолиси шаҳар аҳолисига нисбатан икки баробарга ўсди. Ва ниҳоят, инқироз маълум қийнчиликка учраган шаҳар аҳолисининг қишлоқларга қайтишига олиб келди. Чунки, иқтисодий нуқтаи назардан, инқироз даврида қишлоқларда яшаш осонроқ ҳисобланади.

Ҳар йили 100 000 дан 200 000 га гача ерларга сув етишмаслиги сабабли ишлов берилмасдан қолмоқда. Бу танқислик суғориш тизимини издан чиқиши, техник жиҳозларнинг етишмаслиги сабабли емас, балки қўшни мамлакатлар аҳолиси томонидан сув истеъмоли ўсиб боришидадир. Шу ўринда, чегарадош давлатларнинг сувдан фойдаланиш соҳасидаги режаларини амалга оширишга қарор қилганликлари борасидаги ўзбек ҳукуматининг хавотирини тушуниш мумкин. Чунки бу режаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистондаги сув захираларини янада камайтириши мумкин. 1991 йилдан бери Ўзбекистоннинг 10 тадан 9 та сув захиралари ўз чегарасидан ташқарида жойлашган бўлишига қарамай, Ўзбекистон пахтани ўз иқтисодиётининг негизи сифатида етиштиришга мажбур бўлди. Эскирган иншоотлар эса бошқа муаммоларни келтириб чиқармоқда. Каналлардаги ва очик ҳавзалардаги сув буғланиши 40 фоиздан ошиб бормоқда. Хусусан, қўшни афғон аҳолисининг сувдан фойдаланишининг ортиб бориши оқибатида, сув етишмаслиги таҳди迪 реал ҳодисага айланиши мумкин.

## 5. Замонавий саноат тараққиёт палласида

Табиий ресурслардан фойдаланиш келажакни белгиловчи омил ҳисобланади. Ўзбекистон уран ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олтинчи, экспорт бўйича учинчи ва захирага эгалик бўйича еттинчи ўринда туради. Давлат бу бойликнинг ягона эгаси ва қазиб чиқарувчиси бўлиб уни асосан Россияга (2011) ва Кореяга (2014) экспорт қиласи.

Шунингдек, Ўзбекистон учун олтин муҳим бойликлардан ҳисобланиб, у олтин қазиб чиқарувчи дунёдаги 10 та давлатлар қаторига киради ва олтин захираси бўйича 4-ўринда туради. Мазкур ер ости бойлигини қазиб олиш тез орада яна 25 фоизга ўсиши мумкин. Шуниси эътиборлики, ҳозирги кунда олтин экспорти мамлакатнинг бутун экспортида 12-15 фоизни ташкил қиласи.

Углеводородлардан фойдаланиш дастлабки босқичда, бироқ рус, хитой, малай ва корейс корхоналари ҳамкорлигида мазкур соҳадан янада кенг миқёсда фойдаланиш мумкин.

50 йилдан бери газ захираларидан фойдаланиш тобора ошиб бормоқда. Янги захираларнинг топилишига нисбатан унинг ишлатилиш миқдори ошиб бормоқда. Ўзбекистон газ захиралари бўйича дунёда 11-ўринда туради (МДҲ орасида Туркманистон ва Россиядан кейинги 3-ўринда туради). Умумий йиллик газ миқдори 65 млрд. м<sup>3</sup> бўлиб, шундан 15 млрд. м<sup>3</sup> миқдорида Россия, Хитой, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон давлатларига экспорт қилинади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши йирик сармояларни талаб қиласди. Бу билан Россия, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Сингапур ва Швейцария давлатлари қизиқмоқда.

125 йилдан бери мавжуд бўлган нефть маҳсулоти статистика бўйича жаҳон захирасининг фақат 0,05 фоизини ташкил қиласди. Ўзбекистон йилига атиги 5 млн. тонна нефть қазиб чиқаради. Келгусида йилига 10 фоизга яқин ўсиш кўзда тутилган. Бу камида 8 та нефть қазиб чиқариш ҳудуди учун катта сармояларни ва чет эллик ҳамкорларни жалб қилишни тақозо этади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон нефть соҳасига биринчилардан бўлиб "Лукойл" рус кампанияси катта ҳисса қўшмоқда. Лекин бу компания иқтисодий манфаатлардан кўра, кўпроқ сиёсий манфаатларни кўзда тутган кўринади. Шунга қарамасдан, 228 та нефть ва газ конлари рўйхатга олинган. Ўзбекистондаги бутун газ ва нефть соҳасини "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ўз қарамоғига олган. "Ўзбекнефтгаз" компанияси масъулияти чекланган 6 та жамиятдан иборат бўлиб, улар нефть ва газ каби углеводородларни қайта ишлаш ва ташиш тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшадилар. Ҳозир асосан 5 та нефть ва газ минтақалари фаолият кўрсатмоқда: "Устюрт", "Бухоро-Хива", "Ҳисор", "Сурхондарё" ва "Фарғона". "Ўзнефтмаҳсулот" (Тошкент) жамиятининг Қашқадарё минтақасида Муборак (газ), Фарғона ва Бухорода (нефть) қайта ишлаб чиқарувчи заводлари бор. Шунингдек, Қашқадарё минтақасида "Шўртангазкимё" мажмуаси жойлашган. Қорақалпоғистон Республикаси Устюрт шахрида ҳам газкимё мажмуаси қурилиши давом этмоқда.

Шундай қилиб, углеводород қазиб чиқарилиши миқдори мамлакат иқтисодиётининг керосин, бензин, суюлтирилган газ каби маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини етарли даражада қондирмоқда.

Кўмир ишлаб чиқариш янада долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Кўмир иссиқлик марказларини арzon нархдаги энергия билан таъминлаб бера олгани учунгина эмас, балки кейинги пайтларда электр энергиясининг 5 фоиздан 15 фоизгача миқдорини


ташкыл этиши билан ҳам мұхым фойдали қазилмага айланиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳозирги пайтда қүшни Қозғистон, Тожикистан, Қирғизистон давлатларидаги ишлаб чиқилаётган электр маҳсулотига тенг микдорда энергия ишлаб чиқармоқда. Лекин 2010 йилдан бошлаб миллий маҳсулот сезиларли равишда үсиши кўзда тутилган (20 фоиз). Чунки маҳаллий эҳтиёжлар ишлаб чиқариш қувватидан ошиб кетмаслиги керак.

Пахта, олтин билан бир қаторда, мамлакатнинг асосий маҳсулоти ҳисобланади. Ўзбекистон 4 млн. тоннага яқин пахта хомашёси ва 1,2 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси ишлаб чиқаради. 30 дан ортиқ пахта тозалаш заводларини, эскирганлиги сабабли, янгисига алмаштиришга тўғри келди. Яна 70 га яқин тўқимачилик корхоналари тез орада қайта жиҳозланиши керак.

Кейинги 5 йил ичидаги шунга гувоҳ бўлдикки, саноатнинг ҳақиқий юксалиши унинг ички ялпи маҳсулотдаги улушининг қўпайишига, саноат моллари микдорининг ошишига олиб келди.

### ЯИМда саноатнинг улуши (фоиз ҳисобида)



*Маълумотлар Жаҳон Банки томонидан тақдим этилган.*

Кимё ва нефткимё саноати жадал ривожланмоқда. 2008 йилда ацитилен, полиэтилен, поливинилхлор, каустик сода ишлаб чиқаришга мўлжалланган 15 та завод ишга туширилди. 2009 йилда янги калий ўғити ишлаб чиқарувчи завод ишга тушди. Калий конларида 200 млн. тонна сильвинит ўғити борлиги тахмин қилинмоқда. 50 фоиздан ортиқ маҳсулот (йилига 400 минг тонна) экспорт учун мўлжалланиши мумкин.

Фармацевтика саноатига келсак, 40 тача корхонанинг модернизация қилиниши 2011 йилнинг охирида маҳсулотнинг уч баробар үсишига ва экспорт ҳажмининг кескин ошишига олиб келди.

Автомобиль саноати яхши ривожланмоқда. Ҳозир у нафақат йигиши билан чегараланмоқда, балки General Motors ва Daichi ҳамкорлигига прессланган металл маҳсулоти ва узатиш қутиси қисмларини ишлаб чиқаришни бошлади.

Цемент ишлаб чиқариш саноати ҳам рус ва корейс сармоядорлари иштирокида жадал ривожланмоқда.

Умуман олганда, оғир ва енгил саноат турлари соҳасида: локомотивлар ишлаб чиқариш, темир йўл вагонлари, юқори сифатли пиво ишлаб чиқариш заводлари, қувур ўтказгич жиҳозлари каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қувур ўтказгич ускуналарини Хитой корхоналари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш натижасида Фарғона водийсини сув билан таъминлаш имкони яратилди.


*«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиаация ишлаб чиқариши бирлашимаси»* давлат акционерлик жамияти (ДАЖ «ТАПОиЧ») бу ўринда ёрқин мисолдир. Ўзбекистон энг илғор хорижий давлатлар авиаация ишлаб чиқариш корхоналари билан уларнинг ҳамкорлигига янги самолётлар яратиш учун шартномалар тузиши лозим эди. Шу сабабли, 2004 йили, ДАЖ «ТАПОиЧ» Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучлари буюртмасига мувофиқ янги ёқилғи қуювчи самолётлар етказиб бериш учун шартнома имзолади. Ушбу лойиҳаларни амалга оширишда Россия, Франция, Голландия, Ҳиндистон ва Истроил давлатлари билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Франция–Ўзбекистон ҳамкорлиги, хусусан, Thalès компаниясининг Тошкентда ишлаб чиқарилаётган самолёт учун ҳавода самолётларнинг яқинлашувини назорат қилиш имконини берувчи ўта аниқлик билан ишлайдиган TACAN навигация тизимини етказиб бераётганлиги дикқатга лойиқ. Шу жумладан, Канаданинг Pratt&Whitney, Американинг Hamilton Sundstrand Corporation ва Rockwell Collins, Бельгиянинг BARCO ва Франциянинг самолёт йигишига ихтисослашган SOURIAU компаниялари билан ўрнатилган ҳамкорлик катта самара бермоқда.

## 6. Хизмат кўрсатиш соҳасининг кескин ривожи ҳамда туризмнинг мақсад ва вазифалари

Иқтисодиётни либераллаштириш сари эҳтиёткорона қадам кўйишига қарамай, Ўзбекистон *«ўтиши даври»* деб аталган даврни муваффақият или аллақачон босиб ўтди дейиш мумкин. Ўзбекистон ҳукуматининг ислоҳотларни *босқичма-босқич* ўтказиш сиёсатини ўрнатиши сўнгги 3 йил мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасида жадал ривожланишга имкон яратиб берди.

## **ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 20 йилда 20 фоиз га ошди**




*Маълумотлар Жаҳон Банки томонидан тақдим этилган.*

Ҳатто, 2008 йилги жаҳон молиявий инқирози арафасида ҳам, айнан, банк ва молия соҳалари, ҳамда биржা бозори жадал ривожланди. Бу соҳалар кўрсатган натижалар бошқа ўсиб келаётган иқтисодиётларда камдан-кам учрайдиган тенг нисбатларда мустаҳкамланиб борди.


Бугунги кунда Ўзбекистонда **ўттизга яқин тижорат банклари**, шу жумладан, учта давлат банки, ўнга яқин акционерлик банки, ўнга яқин хусусий банк ва олтига хорижий капитал иштирокидаги банклар мавжуд. Бироқ, инқироздан олдин, 2007 ва 2008 йилларда банк соҳасининг умумий капитали 40 фоизга қўтарила олган ва шу билан бир пайтнинг ўзида умумий активлар ва кредит маблағлари 30 фоизга ошган эди. Мазкур рақамлар шу қадар эътиборга моликки, бу даврда банк соҳасининг мустаҳкамлигига путур етмади, аксинча, 2008 йилги жаҳон молиявий инқирозидан батамом безарар чиқди.

### **Ўзбекистонда тўғридан-тўғри чет эл сармояларининг ошиб бориши (АҚШ доллари ҳисобида)**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси тақдим этган ҳужжатлар асосида*

**Тўғридан-тўғри чет эл сармояларининг таркиби**



*Манба: Ўзинфоинвест тақдим этган маълумотлар асосида  
2009 йилда хорижий сармояларнинг келиб чиқиш ҳудудий  
тақсимоти*



*Манба: Ўзинфоинвест тақдим этган маълумотлар асосида*

Ўзбекистон Парламенти қабул қилган қонун **хорижий сармоядорлар** мулкининг дахлсизлиги ва ҳукуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди. Хорижий сармоядорлар, шунингдек, бир қатор қуидаги **кафолатлардан** ҳам фойдаланадилар:

- 10 йилдан бери ўрнатилган қонунчиликнинг мустаҳкамлиги;
- амалга оширилган сармояларни давлат томонидан маҳаллийлаштирилмаслиги;
- капиталларни хорижий валютада Ўзбекистонга ва бошқа давлатларга ўтказиш учун яратилган тўла-тўқис эркинлик;
- Ўзбекистон ҳудудида олинган фойдани қайта шу ҳудудга сармоя қилиб киритиш имкони;
- ҳар қандай сиёсий хатарга қарши суғурта ва кафолатларнинг ҳимоя этилиши;

Бундан ташқари, хорижий сармоядорлар қуидаги ҳолатларда капитал киритганда ҳам қўшимча кафолатлардан фойдаланадилар:

- агар сармоя киритилган соҳага ўзбек ҳукумати томонидан алоҳида эътибор қаратилган бўлса;
- агар сармоя киритилган соҳа Ўзбекистон экспорт қувватини ёки унинг жаҳон бозорига чиқиш имконини оширувчи соҳа бўлса;

- агар сармоя киритилган соҳа ишчи ўринлар яратувчи кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналарини ўз ичига олса.

Шунингдек, ишлаб чиқариш ускуналарини ва республиканинг айрим вилоятлари инфратузилмаларини ривожлантириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар кўрилган. Бу борада корхоналар ва жисмоний шахслар учун соликдан чегирма ёки озод этиш кўзда тутилган. Албатта, солик чегирмалари муддати бевосита амалга оширилган сармояларнинг ҳажмига боғлиқ (3 йилдан 7 йилгача). Ушбу сармояларнинг асосий маҳаллий иштирокчилари қуйидаги муассасалардир:

- **Ўзбекистон Миллий банки (ЎМБ).** Ўзбекистоннинг асосий банки. Банкнинг 96 та бўлими бўлиб, ўз мижозларига (ўзбекистонлик ва хорижий) кўплаб банк ва молия хизматларини таклиф этади. ЎМБ дунёning энг йирик банклари рўйхатида 562 ўринни эгаллаган.

- **Асака банк** ўзининг капитали ва активлари ҳажми бўйича Республика нинг 2-тижорат банкидир. Унинг ҳиссадорлари: Ўзбекистон Молия Вазирлиги (66,6 фоиз), «Ўзавтосаноат» (16,7 фоиз) ва Ўзбекистон қайта тиклаш ва тараққиёт фонди (16,7 фоиз). Асака банк дунёning 281 га яқин банклари билан яқин алоқа ўрнатган.

- **Ўзинфоинвест.** Ушбу ташкилот Республика Президенти қарорига биноан ташкил этилган. Унинг вазифаси хорижий сармоядорларга маълумотлар етказиб бериш ва уларни қўллашдан иборат.

Хорижий сармояларни жалб этувчи **Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларига** қўйидагилар: нефть ва газ саноати, энергетика соҳаси, кимё саноати, қурилиш моллари саноати, тўқимачилик, фармацевтика, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш, шунингдек, информатика ва телекоммуникация кабилар мисол бўла олади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки (1992), Осиё тараққиёт банки (1996), Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки (1992) ва Ислом тараққиёт банки (2003) каби нуфузли молия идоралари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. У Жаҳон савдо ташкилотида кузатувчи мақомига эга. Шунингдек, Ўзбекистон қўйидаги конвенцияларни имзолаган: «*Convention on Settlement of Investment Disputes between States and Nationals of Other Sates*», «*Paris Convention for the Protection of Industrial Property*», «*the Madrid Agreement on Trademarks Protection and the Patent Cooperation Treaty*».

**Осиё тараққиёт банкининг мақсадлари қўйидагилар:**

- мамлакатнинг инфратузилмаларини модернизация қилиш;
- хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш;
- банк соҳасини ислоҳ қилиш;
- Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни кучайтириш;

- «Қашшоқликка қарши кураш Мингийиллик мақсадлари» дастурини амалга оширишда Ўзбекистонга ёрдам кўрсатиш;
- бирламчи, иккиламчи ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда иштирок этиш;
- қишлоқ хўжалиги соҳасида Осиё тараққиёт банки фермерларнинг кредит олишларини енгиллаштириш мақсадида хукуматнинг маъмурий ва хукуқий ислоҳотларига кўмаклашиш.

2006–2010 йилларда Осиё Тараққиёт банки Ўзбекистонда бир неча саноат соҳаларини (энергетика, транспорт, коммуникация, туризм) модернизация қилиш мақсадида 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритди.

**Европа қайта тикланиш ва тараққиёт банки** 60 га яқин мамлакат ҳамкорлиги асосида ўз сармоясини шакллантиради МДҲ давлатларининг режали иқтисоддан бозор иқтисодига ўтишида иштирок этади. Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантирумокда. У, хусусан, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида Тожикистондан келадиган алюминий импорти борасида келишувнинг амалга ошишида кўмак берди. Ўзининг стратегиясига биноан, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки Ўзбекистонда ўзининг бир қанча сармояларини амалга ошириди:

- Uz-Arctech Welgin Electrodes: ушбу лойиҳани амалга ошириш мақсадида 7,2 млн. евро кредит ажратди, лойиҳанинг умумий қиймати 21 млн. еврода етади;
- “Имкон Плюс” музкаймок ишлаб чиқариш корхонаси учун 1,8 млн. евро ажратди;
- пиво сифати ва миқдорини ошириш учун “Мехнат” пиво корхонаси учун 2,8 млн. евро;
- мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун Green World корхонаси учун 3 млн. евро;
- қабул қилиш қобилиятини ошириш учун “Малика” меҳмонхонасига бир млн. евро ажратилди;
- банк соҳасидаги рақобатни амалга ошириш мақсадида Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки ЎзКДБ банки капиталини 2,22 млн. еврода кўтаришда иштирок этди;
- 3,4 млн. евро кредит Ҳамкор банк учун ажратилди;
- ЕҚТТ банки Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қуватлаш учун ўзбек банкларига кредит ажратди (Japon-Uzbekistan Small Business Programme).

**Халқаро Валюта Фондига** тўхталсак, унинг устунликлари қуйидагилардан иборат:

- Қорақалпоғистон ва бошқа вилоятларда суғориш тизимини янгилаш;

- қайта ишланувчи маҳсулотларни ишлатишни йўлга қўйиш;
- тиббий муассасалар ходимларини тайёрлаш;
- ўқитувчилар малакасини ошириш ва мактабларни ўқув дарсликлари билан таъминлаш;

2002–2004 йилларга мўлжалланган **Жаҳон банки** стратегиясига биноан тақдим этилган кредитлар 350 млн. АҚШ долларидан ошди. Жаҳон банкининг охирги доклади «*Doing Business Survey 2008*»да Ўзбекистон 138 ўринни эгаллаши кўрсатилган, ваҳоланки 2007 йили 145 ўринда эди.

Жаҳон банки 2008 йил 12 июнда 2008–2011 йиллар учун янги ёрдам стратегиясини ишлаб чиқди. У ўзбек иқтисодиётининг асосий соҳаларида йилига 2-3 лойиҳани амалга оширишни кўзда тутади.

Ушбу стратегияни амалга ошириш учун Жаҳон банки Ўзбекистонга 300 млн. АҚШ доллари микдорида кредит ажратди. 2008 йилда кредит суммаси 75 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

**Жаҳон банкининг** 2008–2011 йиллар учун лойиҳаларидағи мақсадлари қуидагилар:

- қашшоқликни камайтириш;
- санитария шароитларини яхшилаш;
- ўзбек ҳукумати билан биргаликда ислоҳотлар дастурини ишлаб чиқиш ва унга ўзининг кўмагини кўрсатиш;
- инқирозли вазиятларни (зилзила ва бошқ.) бошқаришга тайёрлаш;
- Марказий Осиё давлатлари ўртасида минтақавий ҳамкорлик ташаббусларини қўллаб-куватлаш.

Ҳозиргача Жаҳон банки бир қанча лойиҳаларни амалга оширди, буларнинг асосийлари қуидагилар:

- Қорақалпоғистонда 44 000 кишига тоза ичимлик суви етказиб берилди. 5000 фермер бундан буён ерни суғоришнинг аъло даражадаги тизимидан фойдаланмоқда;
- Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудида яшовчи 11 миллиондан ортиқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди.

2004 йили **Ислом ривожланиш банки** қуидаги лойиҳаларни ратификация қилди:

- фавқулодда вазиятларга жавоб берувчи касалхоналар қуриш (23,8 млн. АҚШ долл.);
- йўллар қурилиши (12,6 млн. АҚШ долл.);
- ўрта ва кичик корхоналарга субсидиялар (15 млн АҚШ долл.).

Ислом ривожланиш банки, шунингдек, Тошкент шаҳрида сув тарқатиш тизимини таъмирлаш учун ёрдам лойиҳасини ўрганиб чиқди.

**Туризм** ҳам истиқболли соҳа бўлиб келмоқда. Шубҳасиз, Ўзбекистон Марказий Осиё тарихида бир неча минг йиллардан бери мавжуд бўлган улкан маданиятга эга давлатdir. Ўзбекистон ҳудуди доим

Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қўприқ, турли миллатлар ва халқлар ўртасидаги чорраҳа, маданий хилма-хилликни келтириб чиқарувчи учрашув майдони бўлиб келган. Бу заминда қўплаб шоҳлар жангужадаллар олиб борибгина қолмай, балки улкан цивилизация вужудга келган.

Имом Ал-Бухорий, Ал-Ҳаким Ат-Термизий, Абу Райҳон Беруний, Ал-Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Ал-Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбандий, Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Алишер Навоий, Ал-Беруний бутун дунёга машҳурдирлар. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент дунёning энг қадимиш шаҳарларидан ҳисобланадилар ва уларда мавжуд бўлган 4000 га яқин тарихий ёдгорликлар маданий туризм ривожига асосий омилдир.

1960 йиллардан бошлабоқ эски шаҳарлар собиқ совет ҳукумати томонидан миллий мерос сифатида қабул қилинган ва давлат муҳофазасига олинган. Бироқ, меҳмонхоналарнинг етишмаслиги туфайли, сайёҳлар келиши чекланган эди. Бугунги кунда, саёҳатлар, асосан, афсонавий Буюк ипак йўлини эслатувчи қадимиш – Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Кўқон шаҳарларида амалга оширилмоқда.

**Самарқанд** – «Ўзбекистон марвариди», «ер юлдози», «дунёning чехраси» дея аталиб, шубҳасиз дунёning энг қадимги шаҳарларидан бири ҳисобланади. Шаҳар 2750 йил олдин пайдо бўлган. Самарқанд қўплаб босқинларни бошидан кечирди. Амир Темур ҳукмронлиги даврига келиб шаҳар ўзининг Буюк ипак йўлида тутган мавқеини тиклади ва гуллаб яшнади. Бугунги кунда Регистон майдони сайёҳлар билан тўла. Чунки унда 3 та ўрта асрларга оид илм маскани мавжуд. Шунингдек Шоҳи-Зинда мажмуаси ҳам улкан диний аҳамият касб этади, чунки у ерда Ислом динининг улуғ авлиёларидан бири Ҳусайн ибн Аббос ва унга яқин бўлган бир туманда буюк диншунос олим Имом Ал-Бухорий дафн этилган.

**Бухоро** – «шариф» дея аталувчи бу муқаддас шаҳар, Самарқанддаги каби ўзгаришларни бошдан кечирмади. Чунки у 2500 йил мобайнида доим таланиб, вайрон этилиб келинди. Бухоронинг ўзида 140 га яқин тарихий обидалар мавжуд бўлиб, улар 1993 йили ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Баландлиги билан машҳур Минораи Калон ва 10 000 кишини сиғдира оладиган Масжиди Калон шаҳар буюклигининг рамзидир.

**Хива.** Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган бу шаҳар «сирли шаҳар» деб ҳам аталади. Қадимиш бу шаҳарнинг ёши ҳам 2500 йилдан ортиқ ва ўзининг 140 дан ортиқ тарихий обидалари билан «очиқ осмон остидаги музей» номини олган. Унинг ҳозирги архитектураси XVIII–XX асрлардаги Хива хонлигига тааллуклидир. Унинг деворлари ва тўрт томонга қараган 4 та дарвозаси сайёҳларни ром этади.

**Шаҳрисабз** – ҳамиша ям-яшил шаҳар, Амир Темур давлатининг иккинчи пойтахти бўлган. Ундаги Оқсарой мақбарасининг пештоқига шундай битиклар ёзилган: «Кимда-ким бизнинг қудратимизга шубҳа қиласа, биз қурган иморатларни кўрсин». Улуғбек томонидан 1413 йилда қурилган Кўк Гумбаз масжиди ҳам шаҳарнинг энг кўркам обидаларидан биридир. Масжиднинг жануб томонида Темурийлар оиласи хилхонаси мавжуд.

**Тошкент** – Ўзбекистон пойтахти, Марказий Осиёning энг йирик шаҳри, МДҲ давлатлари ичida эса Москва, Санкт-Петербург ва Киевдан сўнг тўртинчи катта шаҳардир. Шаҳар – «тинчлик шаҳри», «нон шаҳри», «жасорат шаҳри», «дўстлик шаҳри», «Шарқ дарвозаси» номларини ҳам олган. Ўзбекистон пойтахти Осиёning энг гўзал шаҳарларидан биридир. Чунки у қадимий ва замонавий иморатларни ҳамоҳанглик билан сифдира олган. У нафақат Марказий Осиёning аҳоли энг зич жойлашган шаҳри, балки минтақанинг сиёсий, маданий ва саноат марказларидан биридир. Шу сабабли бўлса керак, Фан, маданият ва таълим бўйича ислом ташкилоти 2007 йилда Тошкентни «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилди. Бу эътироф унинг диний ва дунёвий мавқеини сақлаб келаётганлигидан далолат беради.

2009 йилда Тошкент ўзининг 2200 йиллигини нишонлади. Милоддан аввалги II асрдаёқ карvonлар йўлида барпо бўлган бу шаҳар эрамизнинг 751 йилида араблар босқинига учрайди. XI асрга келиб шаҳар Тошкент, турк тилида «тошдан яралган шаҳар» деб атала бошланди. XIII асрда Чингизхон томонидан вайрон этилиб, Амир Темур даврига келиб қайта тикланди. У XV аср охирларига келиб гуллаб-яшнади.

Тошкент XVI аср бошларида Шайбонийлар сулоласи даврида ҳам гуллаб-яшнади. 1809 йилда Тошкент Кўқон хонлигига қўшиб олинди. Бироқ, 1865 йил Бухоро амири Тошкентни босиб олишга чоғланган бир пайтда, рус подшоҳи буйруқларидан четга чиққан генерал М.Г.Черняев шаҳарни босиб олди. Шундан бошлаб Тошкент русларнинг «катта ўйин»и доирасида биринчи даражали стратегик маконга ва халқаро айгоқчилар уясига айланди.


Маълумки, Самарқанд 1918 йилда Туркистон автоном жумҳурияти пойтахти, 1930 йилгача Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси пойтахти бўлган. 1930 йил пойтахт Тошкентга кўчирилган.

1966 йилда рўй берган зилзила сабабли вайрон бўлган шаҳар бутунлай қайта тикланди ва бугунги кундаги Тошкент сайёҳларга ўзининг турли транспорт қулийликлари, метроси, кенг йўллари билан замонавий йирик шаҳар кўринишини намоён этди. Шаҳарда қадимий обидалар ҳам анчагина сақланиб қолган, Тошкентнинг эски шаҳар қисми сайёҳларга ўзининг чиройли ислом обидаларини кўз-кўз этмоқда.

**Фарғона.** Фарғона водийси боғлари шу қадар гўзалки, улар ушбу икки машҳур номга сазовор: Эден боғлари ва Тамаддун бешиги. Демак, тоғлар билан ўралган водий ўзида антик ва ўрта асрнинг муҳим ёдгорликлари изларини мужассам этган.

Фарғона, Кўқон, Андижон ва Намангандар шаҳарлари Ўрта Осиёning энг қадимий шаҳарларидан ҳисобланади ва улар Буюк ипак йўли тарихида катта роль ўйнаб келган. Ҳунармандлар шаҳри бўлмиш Кўқон ҳам жуда муҳим диний марказ бўлган. Ўзининг машҳурлиги даврида Кўқон шаҳри 100 дан ортиқ масжид ва 35 та мадрасага эга эди.

### **Ўзбекистонда хорижий сайёҳлар сонининг ортиб бориши (1000 киши ҳисобида)**



*Манбаа: Монпелье университети тақдим этган маълумотлар асосида*

Маданий туризм бугунги кунда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалага айланди.

**Иқтисодий масала.** Гарчи туризм фаолиятида 1998 ва, айниқса, 2001 йиллардан кейин хорижлик сайёҳлар сони анча пасайган бўлса-да, уларнинг сони қайтадан ошиб бормоқда. Улар келтираётган валютадаги даромад доимий ўсишда давом этмоқда. Бу даромаднинг асосий қисми қуидаги 3 хил солиқ турлари орқали давлатга келиб тушади.

Биринчи солиқ тури 1992 йилда ўрнатилган бўлиб, дўконлари тарихий ёдгорликлар худудида жойлашган ҳунармандлар томонидан тўпланади.

Иккинчи солиқ тури хорижий сайёҳларни рўйхатга олиш асосида тўпланади. Ҳар бир сайёҳ ўзбекистондаги меҳмонхонада яшаган бир кунига камида 5 евро солиқ тўлаши керак.

Учинчи солиқ тури сайёҳлик фирмалари ва меҳмонхоналар томонидан Ўзбектуризм миллий компаниясига ҳар бир сайёҳ учун бир АҚШ доллари миқдорида тўловни амалга ошириш ҳисобига тўпланади.

Бу рақамлар сайёҳларнинг музей ва тарихий ёдгорликларга кириш учун тўлайдиган харажатларидан истисно. Шу сабабларга кўра, 2010 йилнинг охирига келиб, 2 миллиондан ортиқ сайёҳларни (улардан

камида 1 миллионы хорижлик бўлган сайёхларни) қабул қила оладиган 50 дан ортиқ қўшимча меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бундан тушиши лозим бўлган даромадлар кўпи билан 10 йил ичида 10 маротабага ошиши кўзда тутилмоқда.

**Ижтимоий масалалар.** Сайёхлар ташрифи туфайли яшаш жойларини яхшилаш, индивидуал яшаш жойларини таъмирлашда муҳим ҳисобланади. Чиндан ҳам хорижликларни жойлаштириш, одатда, ўзбек хонадонида мавжуд бўлган шароитлардан анча юқори бўлган инфратузилмаларни талаб этади. Янги меҳмонхоналар қуриш, хонадонларда меҳмонларни қабул қилиш, шубҳасиз, ўзбек миллий меросини сақлаш ва табиатан меҳмондўст ўзбек халқида «туризм маданияти»ни яратишга ёрдам беради. 1993 йилдан бошлаб, ЮНЕСКО Бухоро шаҳрини Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритди.

Бироқ, Ўзбекистонда бошқа давлатларда бўлгани каби, сайёхлик талабига жавоб берадиган янгича шаҳар барпо этиш керакми, ёки Ғарб учун жуда қиммат бўлган тушунча, яъни қандай бўлмасин яратилган маданий меросни шу ҳолиша сақлаб қолиш керакми, деган муаммо кўндаланг турибди.

## **7. Кучли транспорт тармоғи янгиланиш йўлида**

Ўзбекистон жойлашиш ўрнига кўра Марказий Осиёning чорраҳаси ҳисобланади. Фақатгина янги геосиёсий муҳитлар (мусталакачиликнинг тугатилиши, рус ва хитойликлар рақобати, эронликлар инқилоби, Афғонистон ва Покистондаги бекарорликлар, Қирғизистон воқеалари) 1000 йиллар давомида, айниқса, Европа ва Узоқ Шарқ ўртасида асосий алоқалар воситаси бўлган Буюк ипак йўлининг ўз вазифасини ўташига тўсқинлик қилмоқда деб айтиш мумкин.


Бироқ, янги Буюк ипак йўли шаклланиш арафасида. Булар темир йўллари, автомагистраллар, нефть ва газ қувурлари, ҳаттоқи, рақамли алоқа йўлларининг ўрнатилишидир. Улар, биринчи ўринда, нафақат Марказий Осиё ўзининг чорраҳа минтақа вазифасини бажаришига имкон яратади, балки Ғарбий Хитойнинг Марказий Осиё билан чегаравий муаммоларига якуний нуқта қўйишига ҳам ёрдам беради.

Мамлакат анча муҳим транспорт инфратузилмасига эга. 6500 км темир йўли ва 75000 км (43500 км кўп қисми асфальтланган) автомобиль йўллари ҳамда унга қўшилган 10000 км кичик йўллар бор. Шу билан бирга, узоқ вилоятларни йирик шаҳарлар ва халқаро йўналишлар билан боғлаш учун ички ҳаво йўллари анча ривожланган.

Ўзбекистон темир йўл тармоғи энг асосий шаҳарларни бир-бирига боғлашга ёрдам беради. Шунингдек, у Афғонистондан ташқари қўшни давлатлар билан боғланган. Шунинг учун Тошкент–Хайротон–Мозори Шариф темир йўли мамлакат жанубидаги чегаравий муаммолардан

чиқишига ёрдам беради. Умуман олганда, Ўзбекистон транспорт тармоқлари халқаро сифат мезонларига жавоб бериши учун янада янгиланиши керак.

## Янги ипак йўли Марказий Осиёнинг буғунги транспорт йўллари



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Харита муаллифи E.Debricon)


## Афғонистоннинг геостратегик йўллари



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Харита муаллифи E.Debricon)

## Ўзбекистонда темир йўл тармоқлари Харита муаллифи E.Debricon

## Ўзбекистонда темир йўл орқали ташилган юклар тақсимоти



*Манба: Таşıqı iqtisodiy aloқalар, савдо ва инвестициялар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида муаллифлар томонидан тайёрланган*

Ўзбекистонда автомобиль йўллари совет даврига қараганда тахминан икки маротаба серҳаракат, бу жараённи Ғарбий Европа билан таққослаш мумкин. Лекин Европада аҳоли ўсиши, Ўрта Осиёга қараганда, анча сустлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Ўзбекистон автомобиль ҳаракати йўллари маҳсулотларнинг тўртдан бир қисмини ва ахолининг учдан бир қисмини ташиш учун хизмат қиласи, улар учта асосий йўналишдан таркиб топган:


- Тошкент–Термиз йўналишидаги катта автомобиль йўли;
- Самарқанд–Чоржуй йўналишидаги Зарафшон автомобиль йўли (Туркманистон чегарасида);
- Тошкент–Қўқон йўналишидаги ҳалқа йўл.

Шуни таъкидлаш керакки, Фарғона довонининг ўлкада юкларни ташиб ўтишда катта аҳамияти бор. Айрим йўлларнинг ҳолати ҳамон қониқарли эмас, йўловчи ва маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш учун уларни таъмирлаш талаб этилади.

2009 йилнинг апрель ойида қабул қилинган “Давлатда автомобиль йўлларини ривожлантириш беш йиллик дастури”нинг бош мақсади қўйидаги йўналишларда йўл қурилишини амалга оширишни кўзда тутади (1501 км):

- Денов–Қўнғирот–Бухоро–Навоий–Самарқанд–Тошкент–Андижон (Е-40)
- Бухоро–Олот (М-37)
- Бухоро–Қарши–Ғузор–Термиз ва Самарқанд–Ғузор (М-39)

### **Ўзбекистонда автомобиль йўллари тармоғи**



### *Харита муаллифи E.Debricon*

1924 йилдан бўён мавжуд бўлган ўзбек фуқаро авиацияси негизида 1992 йилнинг январида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил топди.

1993 йилдан бошлаб Ўзбекистон Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотига аъзо бўлди (инглизчада IATA). 1994 йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси Халқаро учиш хавфсизлиги фондига қўшилди. Бу фонд дунёдаги 900 дан ортиқ авиакомпанияларни бирлаштиради. Шу орада «Ўзбекистон ҳаво йўллари» дунёдаги 86 та миллий авиакомпаниялар томонидан тан олинди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» бошқа авиакомпаниялар билан ҳамкорлик ҳақидаги 130 дан ортиқ битимга имзо чекди ва улардан 23 таси Халқаро авиаатранспорт бирлашмаси билан тузилди. Бу бирлашмага миллий авиакомпания 2008 йилдан аъзо ҳисобланади.

Шу билан бирга, 2008 йилнинг бошидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Sky Team глобал ҳаво йўллари бирлашувига аъзо бўлди.


Собиқ совет давридан қолган эски самолётлар ўрнини янги замонавийлари эгаллади. Улардан энг биринчиси A310 1993 йил июнь ойида парвоз қилди. Бу 10 та аэробуслар энг охирги моделлар эди ва шу йилдан бошлаб битта Боинг самолётининг янги модели қўшилди. Бу 44 дан ортиқ авиайўналишларда, улардан 24 таси чет эл йўналишида йўловчиларни ташиш имкониятини беради. 2009 йилнинг баҳорида Кореядан сотиб олинган юк самолётларидан фойдаланиш бошланди.

Ҳозирда Ўзбекистонда 54 та аэропорт ва 33та аэродром бор.


Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз ва Навоий аэропортлари эндиликда халқаро авиайўналишлар талабларига жавоб беради. Навоий аэропорти Франция, Италия, Россия ва Германия давлатлари ёрдамида

замонавийлаштирилди. Бу йуналишлар нафақат Ўзбекистонга, балки шу орқали Европадан Осиёнинг жануби-шарқий кисмларига, Янги Зеландия ва Австралиягача кенг парвоз йўлларини очади.

### Ўзбекистондаги маҳаллий авиапарвозлар



*Манба: Ўзбекистон ҳаво йўллари маълумотлари асосида  
«Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг халқаро парвозлари*



*Манба:*


*Ўзбекистон ҳаво йўллари маълумотлари асосида*

## 8. Телекоммуникациялар ва Интернет

Телефон тармоқларини замонавийлаштириш мақсадида япон ва хитой мутахассисларига мурожаат қилинди. Бирок, Ўзбекистонда бошқа ривожланган давлатлар сингари, уяли телефондан


фойдаланувчилари юқори даражада ўсди ва ҳозирги кунга келиб абонентлар сони 15 миллиондан ошиб кетди. Шундай қилиб Ўзбекистон телефон тармоқлари суст ишлашини ҳисобга олган ҳолда, замонавий телефон тармоқларини мунтазам равища ривожлантириши лозим.

### Телефон тармоқлари (100 киши учун)




манбаи: Шербрук университети томонидан ишилаб чиқилган

Уяли телефонлардан фойдаланишнинг ўсиш миқдори




Манба: Ўзбекистон элчиҳонаси

### **Охирги 3 йил мобайнида уяли телефонлардан фойдаланувчилар сонининг кескин ортиши**



*Манба: Ўзбекистон элчихонаси*


2003 йилдан буён охирги етти йил ичида Ўзбекистонда интернет



тармоғи мунтазам равишда ривожланди ва интернет фойдаланувчилари сони нолдан уч миллионга етди.


Шуни айтиш лозимки, халқаро маълумотлар тармоқларига кириш 2008 йилдан буён юқори даражада ўсди ва фойдаланувчиларга ажойиб қулайликлар яратилди.

### **Ўзбекистонда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонининг ўсиши (100 киши ҳисобида)**




*Манба: Шербрук университети ва Perspective Monde*

### **Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони ўсиб бормоқда**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси элчихонаси маълумотлари асосида*

**Ўзбекистонда Интернет хизматини кўрсатувчи провайдерлар сонининг ўсиб бориши**




Манба: Ўзбекистон Республикаси элчихонаси маълумотлари асосида

**Ўзбекистонда интернетга жамоавий уланиш ҳудудлари ўсиб бормоқда**




Манба: Ўзбекистон Республикаси элчихонаси маълумотлари асосида

**UZ доменидаги фаол манзиллар сони  
Ўзбекистонда рақамли электрон имзолар бўйича гувохномалар  
сони ўсиб бормоқда**



*Манба: Ўзбекистон Республикаси элчихонаси маълумотлари асосида*

### **Ўзбекистондан халқаро информацион тармоқларга уланиш тезлиги**



*Манба: Ўзбекистон Республикаси элчихонаси маълумотлари асосида*

### **VI бобга доир савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистоннинг тарихий жуғрофий жойлашувини тасвирлаб беринг.
2. Иқтисодиётда қишлоқ хўжалигининг улуши қанчани ташкил этади?

3. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги асосий муаммолари нималардан иборат?

4. Миллий иқтисодиётда саноатнинг улуши қайси омиллар орқали тасвиранган?

5. Муаллиф минтақадаги сув муаммоларининг ечими борасида қандай таклифларни илгари суради?

6. Ўзбекистондаги табиий захира бойликларини таснифланг.

7. Мамлакатдаги банк тизими ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилинг.

8. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан алоқалари ҳақида гапиринг.

9. Охирги йилларда мамлакатдаги хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини таҳлил қилинг.

10. Интернет тармоғининг ривожланиши омилларини қўрсатинг.

11. Телекоммуникациялар соҳасидаги ўсиш суръатларини таҳлил қилиб беринг.

## **VII БОБ. ЖАДАЛ ДЕМОКРАТЛАШУВ ЙЎЛИДАГИ ЖАМИЯТ**

### **1. Ўзбекистон Конституцияси Франциядаги V Республика Конституциясига ўхшаш**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қисмлари Франциядаги V Республика Конституцияси бўлимлари билан ўзаро ҳамоҳанглик касб этади. 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган бу Конституция демократик давлат қуриш тамойилларини, давлат суверенитети ғояларини, демократик хукуқий давлат, давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципини, сўз эркинлиги, касаба уюшмалари ва ассоциациялар хукуки, референдум ўтказиш имкониятлари каби тамойилларни, шунингдек, эркинликнинг асосий кафолатлари: кўчиб ўтиш эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва бошқаларни ўзида мужассамлаштиради. 2003, 2007, 2008 йилларда Конституцияга бир неча ўзгартиришлар киритилди. Булар парламент тузилиши, Республика Президенти ваколатлари, ижро ҳокимиятининг тузилиши ва сайлов тизимидағи ўзгаришлардан иборат. Франция Бош вазири каби Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳам ўзаро ўхшаш ваколатларга эга. Мазкур ҳолат республика Президентлари ваколатлари ўртасида ҳам мавжуд. Сайлов тизимида гелсак, мазкур тизим парламентнинг икки палатадан иборатлиги муносабати билан қайтадан кўриб чиқилди. 2003 йил Президент И.Каримов парламент ишининг сифатини яхшилаш зарурлигини эътироф этди ва фуқаролик жамиятининг кенг жабҳаларини қамраб олиш лозимлигини таъкидлади. Ўзбекистон парламенти 2 палатали бўлди, Қуий палата – Қонунчилик палатаси, Юқори палата – Сенат ҳисобланади. Бу 2 палата эндиликда Олий мажлисни (Парламент) ташкил этади. Палаталар аъзоларининг мандатлари 5 йилдан иборат.

Конституциянинг 117-моддасига биноан парламентга сайловлар декабрь ойининг учинчи ўн кунлигидаги якшанба кунида бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш хукуқига эгадирлар. Қонунчилик палатаси депутати ёки Сенат аъзоси бўлиш учун 25 ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон фуқароси ҳамда Ўзбекистон ҳудудида охирги 5 йил давомида доимий истиқомат қилаётган шахс бўлиши керак. Сайлов қонунчилигига асосан сайланиш хукуқига эга бўлиш учун сиёсий партия 40 000 дан кам бўлмаган миқдордаги сайловчилар имзосини йиғиши лозим.

Республика Президенти умумхалқ сайловларида тўғридан-тўғри яширин овоз бериш орқали 5 йилга сайланади. Конституциянинг 117-моддасига асосан президент сайловлари декабрь ойининг учинчи ўн

кунлигига якшанба кунида ўтказилади. Конституциянинг 89-моддасига биноан Республика Президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади. Президент мамлакат дипломатиясига масъул шахс ва Республика Куролли кучларининг Баш қўмондони. Конституциянинг 93-моддасида президентнинг ваколатлари белгилаб берилган бўлиб, Франция Президенти ваколатларига жуда ўхшаш. Айнан Франция Президенти сингари Ўзбекистон Президенти Баш вазир ва унинг ўринbosарлари, Баш проркурор ва унинг 5 та ўринbosарлари, Вазирлар маҳкамаси аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий хўжалик суди раиси, шунингдек, вилоят ҳокимлари, Куролли кучлар қўмондонлари, Миллий хавфсизлик хизмати органлари масъулларини тайинлади. Парламент йилига 3-4 марта йигилади, Президент ва ҳукумат томонидан таклиф қилинган қонунлар ва бюджет лойиҳаларини қабул қиласи. Бугунги кунга қадар, ҳукумат ва вазирлар фақатгина давлат бошлиғига ҳисобот берар эдилар.

Олий суд мамлакатнинг ҳуқуқий жиҳатдан энг юқори тузилмаси ҳисобланади. Конституциявий суд қонунларнинг конституциявийлигини назорат қилиб туради. Олий хўжалик (иқтисодий) суди, ўз навбатида, барча савдо-иқтисодий қоидалар ва келишмовчиликларни тартибга солишга масъулдир. Бундан ташқари, маҳаллий бошқарув органлари ҳам ўзининг тузилмаларига (маъмурий бошқарув кенгаши ва ҳокимлар) эга, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳам.

Ўзбекистон мураккаб унитар давлат бўлиб, унинг таркибига 1936 йилгача Қозоғистон Республикаси тасарруфида бўлган Қорақалпоғистон муҳтор Республикаси ҳам киради. Ўзбекистон Республикаси 12 вилоятга бўлинади. Ҳар бир вилоят ҳокимлар томонидан бошқарилади. Улар давлат бошлиғи томонидан тайинланадилар. Мамлакат 162 та туман, 118 та шаҳар, 1322 та маҳалладан иборат. Туман ва шаҳар ҳокимлари номзодлари (мэрлар) (Тошкент шаҳар ҳокимини Президентнинг ўзи тайинлади) вилоят ҳокимлари томонидан таклиф қилинади.

## **2. 1991 йилдан бўён ўтказилган сайловлар ва сиёсий партиялар ролининг ошиб бориши**

Президент И.Каримов 1991 йил декабрь ойида сайланди, 1995 йил 26 майда ўтказилган умумхалқ референдумида унинг ваколатлари 2000 йил январь ойигача узайтирилди (99,6 фоиз). 2000 йил 9 январда ўтказилган президент сайловларида И.Каримов 92 фоиз овоз олишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари 1999 йил декабрида ўтказилган парламент сайловлари шуни кўрсатдики, давлат бошлиғини қўллаб-

қувватлаган ташкилотлар парламентда кўпчилик ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. 2007 йил 23 декабрдаги сайловларда Президент И.Каримов иккинчи муддатга сайланди.

Ҳозирда сиёсий партиялар сони 4 та. Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП 365000 аъзо) 1991 ноябрь ойида ташкил топган, 1995 февраль ойидан буён Адолат Социал-демократик партияси (Адолат СДП 77000 аъзо), Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати: Либерал демократик партияси (162000 аъзо), 2008 йилда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (108000 аъзо). 2008 йил август ойида ташкил этилган Экологлар ҳаракати ҳам фаолият олиб бормоқда. У ўз таркибида 85 та ассоциация ва нодавлат ташкилотларини бирлаштирган. У мамлакатдаги жиддий экологик муаммоларни ечиш борасида фаолият олиб боради: Орол денгизи муаммоси, дарё сувларидан фойдаланиш, атроф-муҳитнинг барча турдаги заарланиши шулар жумласига киради. Ҳаракат шиори бу – инсон соғлиги, атроф-муҳит тозалигини асраш ҳисобланади. Мамлакат ҳукумати иқтисодий тараққиёт жараёнида баркамол авлод келажаги учун атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасидаги муаммоларни ҳисобга олиш зарурлигини кўп маротаба таъкидламоқда. Мазкур 4 та партия ўз дастурларида адолатлилик, ҳамжиҳатлик асосида ижтимоий масалаларни ечишда ўзаро ҳамфир бўлган, ишсизликка қарши кураш, миллий мустақиллик ва миллий маданий қадриятларга ҳурмат каби улуғвор ғояларга асосланади. Сиёсий партияларнинг дастурлари мамлакат, унинг фуқаролари манфаатлари, ижтимоий ҳимоя ва бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш ғоялари билан йўғрилган. Алоҳида шуни таъкидлаш лозимки, Ғарбда бўлгани каби, Ўзбекистонда партиялар ўнг ёки сўлга бўлинмаган бўлиб, қўпроқ жамиятнинг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

2009 йил 27 декабрдаги парламент сайловлари жараёнида Қуий палатага 135 та депутат сайланди. Экологик ҳаракатдан сайланган 15 та депутат илк маротаба парламентга сайланди. Экологик ҳаракат депутатлари умумий овоз бериш йўли билан эмас, балки мазкур ҳаракатнинг бош Қурутойида яширин овоз бериш орқали сайландилар. Натижада, Қуий палатада депутатлар сони 150 тага етди.

Сенат таркибида эса Президент томонидан 16 та сенатор тайинланади, бунда жамиятнинг турли соҳаларида юқори билим ва тажрибага эга кишилар танлаб олинади. 2004 йил 26 декабрдаги ва 2009 йил 29 декабрдаги парламент сайловлари Ўзбекистонда демократик жамият ва ҳукуқий давлат қуриш борасида юксак натижаларга эришилганлигини исботлади. Ўзбек анъанавий

жамиятида ижтимоий мавқе ва ёш табиий жиҳатдан хурмат белгиси ҳисобланади. Охирги йилларда Ўзбекистон сиёсий ҳаётида сиёсий партиялар ролининг ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу янги анъаналар Ўзбекистоннинг хавфли худудда жойлашганлиги ва бунда Афғонистоннинг нафакат қўшни мамлакат бўлиши, балки экстремистик исломий ҳаракатлар четдан туриб молиялаштирилиши, ҳамда ҳуқуқий давлат ва демократик жамият сари тобора ривожланиб бораётган мамлакатнинг хавфсизлигига раҳна солиши мумкинлиги ҳаммага аён.

Фарб жамиятининг айрим вакиллари Ўзбекистон сиёсий бошқарув тизими ҳақидаги реал воқеликдан узоқ бўлган қарашлари ва танқидларига чек қўйишилари лозим. Қолаверса, улар демократик тамойиллар асосида ривожланаётган мамлакат тараққиётига заррача таъсир эта олмайди. Шу нуқтаи назардан, собиқ Иттифоқ мамлакатларининг барчаси ушбу тартибда ривожланиши лозим. Таъкидлаш жоизки, шўро тузумидан ҳуқуқий давлат сари қадам қўйиш маълум институционал трансформациялашувни талаб этади ва бу ўзига хос хусусиятлар билан изоҳланади.

### **3. Оммавий ахборот воситалари демократлашув йўлида**

Матбуот эркинлиги бир неча меъёрий ҳужжатларга асосланади ва цензурадан холи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида матбуотнинг роли аниқлаштирилган, журналистларнинг фаолияти, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб берилган. 1996 йил 30 июндаги “Матбуот фаолияти тўғрисидаги” қонун ҳамда 1997 йил 24 апрелдаги “Эркин маълумот олиш тўғрисида”ги қонун ўзбек журналисти мақомини тартибга солди.

1997 йил 26 декабрда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунда шундай дейилган: “Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари фаолиятида цензура (матбуотни давлат томонидан назорат қилиш) тақиқланади, ҳеч қандай маълумот ёки маъруза тортиб олиниши, ҳеч қандай матн нашрга чиқишидан олдин ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин эмас”. Шундай бўлса-да, 2001 йилда қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги” қонуннинг 20-моддасига асосан қуролли тўқнашувлар худудида тайёрланган тафсилотларни ёритишда давлат хоҳ ўзбек, хоҳ хорижлик журналист бўлсин, мазкур вазиятда унинг ваколатларини чеклаш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Матбуотдаги цензура 2002 йилда давлат томонидан расмий равишда бекор қилинган.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари хоҳ хорижлик, хоҳ маҳаллий бўлсин, бугунги кунда катта эркинликка эга. Шундай бўлсада, автоцензура ҳамон кенг тарқалган. Ушбу ҳолатни шундай изоҳлаш мумкин: Афғонистон билан бевоста қўшничилик ва у ердаги Толибонлар ҳаракати, ҳатто, Ўзбекистоннинг ўзида фундментал экстремистик ҳаракатларнинг хавфи мавжудлиги боис, ўзбек хукумати маълум давлатлар томонидан молиялаштирилаётган ушбу диний ҳаракатларга матбуот орқали фойдаланишга йўл қўймаслиги лозим.

1991 йилдан буён даврий ёзма матбуот жадал суръатда ривожланиб келмоқда. Бугунги кунда ўзбек даврий ёзма матбуоти кўп сонли (870 дан ортиқ газета ва журналлар) ва барқарор иқтисодий муҳитга эга. Даврий ёзма матбуотнинг асосий сонлари ушбу ҳолатнинг ёрқин гувоҳидир.

Радио ва телевидениега келсак, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси 1992 йилда ташкил қилинди, лекин ўзининг хуқуқий мақомига 1996 йилда эга бўлди. 2004 йилда Осиё телерадиостанциялари уюшмаси дунёга келди. Бу эса, Туркия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Хитой давлатлари билан ҳамкорлик шартномалари тузишга имкон берди.

1928 йилда, айнан Тошкент шаҳрида дунёда биринчи марта телевизион кўрсатув намойиш этилди ва бу ҳодиса шаҳарни аъло даражадаги телевидение марказига айланишига сабаб бўлди. Ўзбек миллий телевизион канали 2 даражадан иборат: миллий канал ва 12 та вилоят каналлари. Телевидение каналлари 30 та бўлиб, кўрсатувлар юзлаб студиялар орқали ўзбек, рус, инглиз, корейс, тожик, қозоқ, татар, туркман ва озарбайжон тилларида узатилмоқда. Уларни модернизация қилиш рақамли технология ва сунъий йўлдош антенналарини қўлланилиши эвазига амалга оширилади.

1932 йилда Ўзбекистонда илк радиога асос солинди. Бугунги кунда асосий радиостанциялардан 20 таси FM да, 24 таси АМ да, 3 таси қисқа тўлқинларда тарқатилади.

Ўзбек матбуот агентликлари қуидагилар: Давлат томонидан бошқариладиган “Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги” ва Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги томонидан бошқариладиган “Жаҳон” ахборот агентлиги.

Умумлаштириб яна шуни айтиш мумкинки, хорижий телевидение каналлари кабель орқали эркин тарзда етказиб берилади.

#### **4. Инсон хуқуqlariga қaratilgan эътибор**

Ўзбекистоннинг инсон хуқуqlarini ҳимоя қилиш борасидаги хуқуқий асослари Farb демократияси билан деярли ҳамоҳанг.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясидаги барча қарорлар белгилаб қўйилган ва жорий қонунларда қўлланилмоқда.

1991 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонунда: *"Инсон ҳуқуқлари умумжасаҳон Декларациясига мувофиқ ўзбек миллати Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган. Ўзбекистон Республикасида барча фуқоролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, бир хил фуқоролик ҳуқуқига эга ва Республика қонунлари ҳамда Конституциянинг ҳимоясидадирлар".*

Инсон ҳуқуқларига тегишли бўлган умумий меъёрларнинг асосий низоми Конституция сўз бошида аниқ белгиланган ва унда шундай дейилган: *"Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи юксак масъулиятини англаған ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожсининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намойши қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устуворлигини тан олган ҳолда, Республика фуқароларининг муносаб ҳаёт кечиришиларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишини кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қиласди".*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий гояларига кўра: *"Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиймати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади"*(13-модда). Бу гоя Ўзбекистон конституцион тизимининг асосий таянчларидан бири бўлиб, у инсон ҳуқуқлари ва озодлигини таъминлаб беришда Конституциянинг роли ва моҳиятини белгилаб беради.

Конституциянинг 31-моддасига мувофиқ, аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат Ўзбекистон Республикаси дунёвий давлат ҳисобланади ва *"Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қараашларни маъжбуран сингдиршига йўл қўйилмайди"*.

Ўзбек конституциясининг 43-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан таъминланиши Конституция ва қонунларда белгиланган. 44-моддага мувофиқ эса, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш,

ҳамда давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-харакатлари устидан судга шикоят қилиш ҳукуки кафолатланган.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларига тегишли бўлган маълумотлар Республиkaning асосий қонунларида, шунингдек, қабул қилинган ва бажарилиши мажбур бўлган кодексларда белгилаб берилган. Шунга асосан, парламент инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида 300 дан ортиқ қонунларни қабул қилди. Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш тизимлари қонунчиликнинг ҳар бир соҳасида кўрсатиб берилган. Тегишли ҳужжатлар Жиноий ва Жиноий процессуал ҳамда Маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексларида ўз аксини топган.

Нихоят ўлим жазосининг бекор қилиниши, вақтинчалик қамоқقا олиш ваколатини суд ҳокимиятига берилиши, болалар ҳуқуқини таъминлаш ҳақидаги муҳим қонунлар 2008 йил январь ойидан бошлаб кучга кирди.

Шуниси ҳам муҳимки, давлат бошқарувини демократлаштириш ва янгилаш жараёнида сиёсий партиялар ролини мустаҳкамлаш ҳақидаги конституцион Қонун Ғарб усулидаги демократик сиёсий ҳаётнинг яратилишида асосий босқични белгилаб берди.

Ўзбек миллий қонунчилигига инсон ҳуқуқларига тегишли бўлган халқаро шартномаларнинг ўрнига келсақ, 2008 йилдан буён, Ўзбекистон Республикаси 900 дан ортиқ икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар ва шартномалар имзолади. 170 дан ортиқ халқаро шартнома ва конвенцияларга аъзо бўлди. Уларнинг 60 тадан кўпроғи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақидадир.

Миллий қонунчилик таҳлили, ундаги ёзма ва амалий ҳолатида қонунийликнинг устуворлиги шуни кўрсатмоқдаки, миллий қонунчиликнинг кўпчилик қисми халқаро ҳуқуқий меъёрларни тан олади ва улар миллий қонунчиликдан устун туради.

Шундай қилиб, Жиноят кодексининг 11-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг жиноий қонунчилиги Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумжаҳон меъёрларига асосланади.

Жиноят процессуал кодекснинг 4-моддасида бу аниқ кўрсатиб берилган: ”Жиноий процессуал қонунчиликдаги жавобгарни жазога маҳкум қилиши ва маҳбусларнинг жазони ўташдаги шартшароитлари халқаро ҳуқуқнинг тегишли меъёрларига асосланади”.

Халқаро шартномаларнинг аниқ соҳалар бўйича қўлланилиши очиқ кўрсатиб берилган, жумладан, ер ва меҳнат кодексларида.

Ўзбекистон Республикаси томонидан тасдиқланган барча халқаро ҳуқуқ меъёрларида ҳам мазкур ҳолатни кузатишимииз мумкин. Бу

қоида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “ајралмас қисм” деб эътироф этилган ва ҳамиша амалда бўлиб келган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қарорлар қабул қилишда давлат органларининг иштироки қўйидагича: Қуий палата, Юқори палата ва маҳаллий орган вакиллари. Ижро этувчи ҳокимият, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳамда Вазирлар маҳкамаси, вазирликлар, муассасалар ўз ваколатлар доирасида фуқораларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишига масъулдирлар.

Шундай қилиб, 1991 йилдан бошлаб Олий Мажлис фуқораларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда тўғридан-тўғри инсон ҳуқуқлари ҳимоясига дахлдор 1000 дан ортиқ қонунларни ишлаб чиқди ва қабул қилди.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларни ратификация қилиш Парламент ваколатига киради. Масалан, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда қўрсатилган талабларнинг бажарилиши бўйича Сенат ва Қонунчилик палатаси 2006 йилда Фарғона водийсида парламент назоратини ўтказди. 2005–2006 йилларда Қуий палатанинг халқаро ишлар қўмитаси “Қийноққа қарши” халқаро Конвенциянинг Тошкент вилоятида бажарилиши бўйича мониторинг ўтказди.

1996 йилдан бери Олий Мажлисда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида маҳсус комиссия ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Шу йилларда Қуий палата инсон ҳуқуқлари бўйича парламент медиатори лавозимини ҳам жорий этди. Мазкур лавозим инсон ҳуқуқларини бузилишига оид шикоятларни қўриб чиқиш мақсадида тузилган.

Умуман олганда, Республика Президентининг ташаббуси билан суд соҳасини янада эркинлаштириш ва демократик ислоҳотларни янада чукурлаштиришнинг миллий бошқарув хужжати – концепцияси ишлаб чиқилди. Бугунги қунга келиб, ушбу концепциянинг ижросини таъминлаш юзасидан еттига қарор, учта фармон ва учта Президент фармойишлари қабул қилинган. Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши ва “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши Президентнинг қонунчилик ташаббуси амалга оширилаётганлигининг самараси ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат органлари қаторига суд органлари ҳам киради. Конституциявий суд қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг конституция меъёрларига мослиги устидан назорат ишларини амалга оширади. Бинобарин, у сезиларли даражада муҳим роль ўйнайди. Мазкур суд ташкил топганидан буён 14 та ҳукм ва қарорлар чиқарган бўлиб, мазкур ҳужжатлар қонунчилик меъёрларини изоҳлаб бериш

билан ёки инсоннинг бирон-бир ҳуқуқи ёхуд асосий эркинликлари ҳимояси билан боғлиқдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши ва мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилиниши натижасида 2007 йилда Олий Суд ўзининг ялпи мажлисида озодликдан маҳрум қилишнинг умрбод қамоқ жазоси ижроси билан боғлиқ ҳамда судлар томонидан тергов жараёни вақтида ушлаб туриш чораларининг қўлланиши юзасидан қатор қарорлар чиқарди. Адлия вазирлиги инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳимояси ва кафолатлари билан боғлиқ бир қатор ваколатларга эга. Адлия вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги қарорнинг 2- ҳамда 6-бандларига асосан вазирликнинг асосий вазифаларидан бири инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳимоясини Конституция ва қонунларда белгиланган тартибда таъминлашдан иборатдир. Шу билан бирга, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази ҳам мамлакатнинг ушбу соҳадаги сиёсатини олиб бориш ва кучайтириш билан шуғулланувчи институтлардан бири ҳисобланади.

## **5. Муваффакиятларга бой айём**

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 20 йиллигини тантана қилиш арафасида, Президент Ислом Каримов мамлакатнинг бугунги ҳолати тўғрисида ўз фикрларини баён этди. Мамлакат Президенти глобал миқёсдаги муваффакиятларда олий ҳокимият органлари иштироки ҳақида тўхталар экан, хусусан, Ўзбекистонда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш сари қадамларни жадаллаштириш хусусидаги таклифларини қатъий равишда белгилаб берди. XXI асрда мустаҳкам, адолатли ва демократик жамият қуриш борасидаги ўз таклифларини билдиришдан олдин Президент Каримов Ўзбекистон Парламенти олдида амалга оширилган ишлар ва қўлга киритилган ютуклар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди. Ушбу ракамлар аниқ ва таъбир жоиз бўлса, социализм қарамоғидан озод бўлган бошқа давлатлар иқтисодлари тараққиётга эриша олмаётган бир пайтда “босқима-босқич” сиёsat қай даражада ўз маҳсулини берганлигини яққол намоён эта олганини, қолаверса, дунёning кўпчилик давлатлари инқироздан азият чекканини ҳам эътироф этиб ўтди.

Президент И.Каримов кенг жамоатчиликка, хусусан, Парламент аъзоларига билдирган аниқ фикрларининг мазмун-моҳияти, эришилган натижалардан хотиржамликка берилмасдан, ўзбек миллий маданиятини саклаб қолган ҳолда ва Ўзбекистон аҳолиси иродасидан келиб чиқкан ҳолда ислоҳотлар олиб бориш билан биргаликда босқичма-босқич, бироқ, ишончли тарзда мамлакатни демократлаштириш сари етаклашдан иборат.

Президент И.Каримов томонидан таклиф этилган ислоҳотларнинг биринчи йўналиши давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимиға тегишлидир. Қачонлардир бўрттириб юборилган давлатчиликнинг асоратлари қолиб кетган мамлакатда ислоҳотларни амалга ошириш ва мустақилликдан сўнг қабул қилинган Конституцияда белгиланган меъёрларга мувофиқлаштириш зарур. Шунинг учун ҳам Бош вазир лавозимиға номзод қонунчилик палатаси сайловларида энг кўп депутатлик мандатларини қўлга киритган партиядан тавсия этилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Бош вазир Қонунчилик Палатаси ва Сенат томонидан тасдиқланиши лозим. Бундан ташқари, Конституциянинг 96-моддасида назарда тутилган, Президент ўз ваколатларини қонуний тарзда амалга оширолмай қолган тақдирда унинг ваколатлари кимга ўтиши тўғрисидаги қоидаларнинг ўзгартирилиши, 78- ва 93-моддалардаги ўзгартиришлар ҳам келажакда бошқарув институтларининг фаолиятларини ишончли ва демократик тарзда олиб боришларига замин яратади.

Президент Каримов томонидан таклиф этилган ислоҳотларнинг иккинчи йўналиши суд тизимини ислоҳ қилиш, уни янадаadolатли ва замонавий бўлиши заруратини ифодалайди. Энг олий мақсад бу фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш учун бор имкониятларни ишга солиш, 2008 йил январида ўлим жазосининг бекор қилиниши натижаси ўлароқ жиноий ишларни кўриб чиқиша халқаро меъёрларда кузатиладиган инсонпарварлик ва эркин тамойилларни янада чуқурлаштиришдан иборат.

Президент И.Каримов томонидан таклиф этилган ислоҳотларнинг учинчи йўналиши ахборот олами ва оммавий ахборот воситалари эркинликларини амалда кафолатлашга қаратилган. Бунинг учун эса Ўзбекистон Европанинг йирик демократик давлатларида бўлгани каби ахборот ва коммуникация ҳуқуки соҳасини ривожлантироғи лозим. Шунинг учун ҳам янги ахборот ва коммуникация технологиялари, салбий ёки ижобий бўлишларидан қатъий назар инсонга ва уни ўраб турган муҳитга нисбатан ҳурмат муносабатида бўлишлари шарт.

Тўртинчи йўналиш Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг келажагига тегишли ҳамда уларнинг ролини кучайтириш ва сиёсий партияларнинг демократик жамиятдаги фаолияти масалаларини қамраб олган.

Ислоҳотларнинг бешинчи йўналиши эса нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа демократик институтлар ваколатларини кучайтиришга қаратилган. Ижтимоий соҳада ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги қоннунинг қабул қилиниши давлат ваколатларига кирмаган ҳар қандай масаланинг ошкора ва самарали ечим топишига

кўмаклашади. Бундан ташқари, давлат органлари фаолияти устидан назоратни ўрнатувчи, экологик назоратни амалга оширувчи, қолаверса, демократик давлатда мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча турдаги жамоат назоратларини амалга оширувчи бир қатор институтлар ташкил этилиши лозим.

Хулоса қисмида Президент Каримов Парламент аъзоларига ва Республика фуқароларига эслатиб ўтдики, бозор иқтисодиётининг мавжудлиги аста-секин янги қадриятларни ўзлаштириш ва уларни қонунийлаштириш заруратини туғдиради. Масалан, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши мулқдорга замонавий иқтисодиётда зарур бўлган кафолатларни беришни тақозо этади. Зудлик билан касаначилик ва тадбиркорлик ҳукуқи соҳасини қайта кўриб чиқиш ва янгича меҳнат қонунчилигини яратиш лозим.

Шундай қилиб, XXI аср талабларига мос бўлган янгича қонунлар тўплами, янгича лугат, янгича муносабатлар Ўзбекистонга нафақат ўзининг ютуқларини мустаҳкамлаш имконини беради (бу нарса Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг уни тан олган давлатлар томонидан тасдиқланган), балки жамиятни ўзгартиришда ёшларнинг ҳақиқий иштирокини таъминлаш учун ҳам замин яратади. Ёшлар эса янада демократик, янада адолатли, турли миллат вакилларини янада ҳурмат қилувчи фуқаролик жамиятини қуришда ўз ҳиссаларини қўшадилар. Бу эркинликнинг айни асоси ҳисобланади.

## **6. Аёллар ролининг ошиб бориши ва болаларни ҳимоя қилиш**

Ўзбекистон Конституцияси эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликни кафолатлайди, ҳар қандай шаклдаги камситишларни тақиқлайди ва янада эътиборлиси шундаки, оналик ва болаликни ҳимоя қилишни устувор вазифа сифатида белгилайди. Ўзбекистон аёллар ҳукуқлари тўғрисидаги барча халқаро конвенцияларга имзо чеккан, яъни бу давлатда камситишларга йўл қўядиган бирон хужжат мавжуд эмас.

Умуман олганда, аёлларнинг сони умумий аҳолининг 50 фоизини ташкил этса-да, ишга яроқли аҳолининг 48 фоизини ташкил қиласди. Бироқ, 60 фоиз яқин ишсизлар аёллардан иборат.

Иш билан банд аёллар (аёллар учун нафака ёши 54 ёшдан, эркаклар учун эса 60 ёшдан) асосан давлат тузилмаларида фаолият олиб борадилар. Улар таълим соҳасидаги ишчиларнинг 65 фоизини, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя соҳасида 75фоиз ни ташкил қиласди, улар санъат ва маданият соҳасида энг кўпчиликни (50 фоиздан кўпроқ) ташкил этишади.

Бошқа Ғарб демократияларида бўлгани каби, улар юқори органларда жуда кам (ташкилот раҳбарлари ва бошқарувчилари лавозимларида 18 фоиздан камроқ) иштирок этадилар. Уларнинг 68 фоизи ўрта таълим ўқитувчилари, 40 фоиздан камроғи олий таълим ўқитувчиларидир.

Шунинг учун ҳам сиёсий партияларга юклатилган мажбурият 30 фоиздан кам бўлмаган номзодларни аёллардан тавсия қилиш натижаси ўлароқ Парламентнинг қуи палатасида 22 фоиз ва Сенатда эса 15 фоиз, яъни Олий Мажлис (Парламент)да умумий сонда 18 фоизни эгаллашган. 1995 йилда Республика Президентининг ташаббуси билан ташкил этилган Баш вазирнинг аёллар ишлари бўйича ўринbosари лавозимининг ташкил этилиши юқори сиёсий бошқарув лавозимларининг фақатгина эркаклар томонидан эгалланишига тўсқинлик қила олмаяпти.

Ўзбекистонда саводхонлик даражаси дунё бўйича энг юқори кўрсаткични, яъни 99 фоизни ташкил қиласди. Бу кўрсаткичларни ташкил этувчи омиллар сифатида аёлларни келтириш жоиз, зеро, уларнинг анъанавий тафаккурига кўра: соғлиқни сақлаш, таълим ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари кўпроқ аёллар соҳалари деб эътироф этилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қишлоқ жойларида қизлар эрта турмушга чиқадилар (17-18 ёш). Шу сабабли улар олий маълумот олишга унчалик қизиқмайдилар. Масалан, мактабларда қизлар сони 49 фоиз бўлса, олий ўкув юртларида эса уларнинг сони 40 фоизга тенгдир.

Шунинг учун, Ўзбекистон ҳукумати нафақат туғилишни назоратга олмоқда, балки, иложи борича, турмушга чиқиш ёшини ҳам чўзиш тарафдоридир. Мазкур сиёsat ўзининг юқори натижаларини берди. Масалан, 1999 йилда аҳолининг табиий ўсиши 2,4 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирги пайтга келиб бу кўрсаткич 1,8 фоизга тушди. Шу билан бирга болалар ўлимининг сони ҳам анча пасайди.

1995 йилда БМТнинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган анжуманида ҳамма давлатлар аёлларни қонуний, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилувчи чора-тадбирлар режасини қабул қилдилар.

Охирги 3 йил давомида Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур соҳага катта эътибор билан қараб келинмоқда. Авваламбор, қонунчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган қарор ва фармонлар бу жараёнларнинг жадаллик билан ривожланишига ёрдам бермоқда ва гендер тенгликка монелик қилаётган ижтимоий ҳамда иқтисодий тўсиқларни бартараф этмоқда.

Ташкилий масалалар бўйича бир қатор ассоциациялар, фондлар ташкил қилинди, уларда аёллар хукуқларини назорат қилиш учун барча қонунчилик меъёрлари таъминланган.

Нихоят, таълим соҳасида, болалар хукуқини ҳимоя қилиш ва болаликни асрashга доир саъй-ҳаракатларга қаратилган давомли тадбирлар ишлаб чиқилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада нодавлат аёллар ташкилотлари оммавий ахборот воситаларини ўзига жалб этдилар ҳамда махсус аёллар газета ва журналлари «Бекажон», «Саодат», «Суғдиёна», «Қизбиби», «Санам», «The Lady», «Bella Terra» кабиларга таяндилар.

Ўзбекистон Парламенти аёллар хукуқларининг поймол этилиши ва одам савдосига қарши кураш чораларини ишлаб чиқди. 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш» қонуни қабул қилинди.

Бу қонун бўйича шу вазифани бажариши лозим бўлган давлат ташкилотларининг рўйхати белгиланди. Булар: Ички ва Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Миллий ҳавфсизлик хизмати. Ушбу қонун бўйича бу вазирликлар ўртасида мувофиқлаштирувчи тузилмалар ташкил қилиш, жумладан, одам савдосига қарши идоралараро комиссия, нодавлат ташкилотлари мансабдор шахслари ва вакилларидан иборат бўлмиш миллий комиссия тузиш таклиф қилинди. Унинг таркибига ушбу соҳада айниқса таъсири кучли бўлган Хотин-қизлар қўмитаси, Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Маҳалла фонди, Республика комиссиясига шахсан бошчилик қилувчи Республика Бош Прокурори тайинланди.

Вояга етмаганлар муҳофазаси ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига тузатишлар киритиш орқали кучайтирилди. Шу тариқа, фақат 2009 йил давомида 1200 жиноий иш жараёнида 4600 та қурбон бўлганлар, жумладан, 14фоиз аёллар аниқланди. Бундан ташқари, 2009 йил 24 ноябрда Президент ташаббусига кўра Олий Суд томонидан “Одам савдосига оид суд ажримининг якунлари бўйича кейинги фаолият тўғрисидаги” Палермо протоколининг асосий моддаси қабул қилинди. Сўнгги икки йил ичida Парламент инсон хукуқлари бўйича еттига халқаро шартномани, шунингдек, БМТ нинг “Коррупцияга қарши кураш” ва болалар меҳнатининг энг кичик ёши тўғрисидаги “Халқаро меҳнат бюроси” тўғрисидаги конвенцияни тасдиқлади.

2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди, бунда Ўзбекистон хукуматининг қўйидаги бир қатор қарорлари қабул қилиниши асос бўлиб хизмат қилди:

- болаларни ҳимоя қилишга оид ҳукуқий асосни тақомиллаштириш;

- “Соғлом ота-она” дастуридан келиб чиқиб соғлом болалар учун қулай шарт-шароит яратиш;
- болаларнинг жисмонан соғлом бўлишлари учун спорт билан шуғулланиш имкониятларини ошириш;
- кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ёш мутахассислар учун шароитлар яратиш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаш ҳамда хусусий корхоналар тузишни рағбатлантириш;
- оиланинг ижтимоий муҳофазасини яхшилашга кўмаклашувчи барча чораларни, айниқса, соғликни саклаш соҳасидаги тадбирларни қўллаб-қувватлаш.

2008 йилги глобал инқироз шароитида ҳалқаро иқтисодий қийинчиликлар Ўзбекистон жамиятининг ҳам энг заиф қатламларига таъсир кўрсатганлигини инкор қила олмаймиз. Шунингдек, Орол денгизи ҳудудидаги ҳалокатли экологик вазият сингари, ички муаммоларнинг асоратлари ҳам аҳамиятсиз эмас. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг геосиёсий жойлашуви мамлакатни бир оз қалтис вазиятда қолдиради, бу эса, хавф жиҳатидан Афғонистон муаммосидан кам эмас ва ҳали ечимини ҳам топмаган. Мазкур масалада ўзбек ҳукуматининг фикрлари айrim давлатлар томонидан унчалик тўғри қабул қилинмаяпти.

## **VII бобга доир савол ва топшириқлар**

1. Франция ва Ўзбекистон бош қонунларидағи ўзаро ўхшашикларни кўрсатинг.
2. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар фаолиятини таҳлил қилинг.
3. Парламентдаги ислоҳотлар қандай омиллар орқали ифодаланган?
4. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги роли ҳақида гапиринг.
5. Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хос томонлари нимада?
6. Давлат ва жамият ўртасида ўзаро узвийлик қандай асосларга эга?
7. Янги ислоҳотларнинг бош негизи нимада?
8. Болаларни ҳимоя қилиш борасидаги ислоҳотлар нималарда кўзга кўринади?

## VIII БОБ. ЯНГИ «КАТТА ЎЙИН» САРИ!

“Бир кун келиб, Шарқ ва Гарб ўзаро ҳамфирлик орқали тараққий этади”  
Робиндранат Тагор

### 1. Россия билан ишончли муносабатлар

Россия Федерацияси билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун доимо мухим ва биринчи даражали ҳисобланган. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар деярли барча соҳаларда тараққий этмоқда.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек-рус муносабатлари тарихий воқеликка бориб тақалади, зеро, XIX асрдан то 1991 йилгача, Ўзбекистон, аввал, Санкт-Петербург, кейинчалик эса, Москванинг кўрсатмалари асосида иш юритар эди. Умуман олганда, Россиянинг колониал сиёсати, айниқса, ҳарбий, стратегик, ҳамда сиёсий ва маданий соҳаларда намоён бўлади. Эътиборли жиҳати шундаки, совет ҳукумати даврида умумий тизимни ташкил этган иқтисодий жабҳадаги муносабатлар коммунистик режим қулагандан кейин ҳам, Москвага нисбатан географик узокликда жойлашганига қарамасдан, конструктив аҳамият касб этиб бормоқда. Шу билан бирга, фақатгина ўтган асрнинг 30-йилларидан кейин, большевиклар Уралнинг шарқий қисмида жойлашган ҳудудлар устидан тўлиқ назорат ўрнатганидан сўнг, Ўзбекистон тўла-тўқис советлаштирилди: биринчи галда, мафкуравий ва сиёсий жиҳатдан. Иқтисодий соҳада эса, Ўзбекистонда хусусий мулкни миллийлаштириш, коллективлаштириш ва режалаштириш ишлари олиб борилди. Бироқ энг ачинарлиси, мамлакатнинг пахта хомашёси захирасига айланиб қолгани эди ва бу СОМЕСОН ва САЕМ қўмиталари орқали қўллаб-қувватланиб келинди.

Бугунги кунда икки томонлама муносабатлар динамикасини олий даражадаги доимий учрашув ва музокарапар белгилаб беради. Ҳукуматлар, парламентлар ҳамда вазирликлараро алоқалар, ишбилармон доира вакиллари ўртасидаги учрашувлар мухим аҳамият касб этмоқда. Ҳозиргacha Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида 280 та икки томонлама шартномалар имзоланган. Улар икки давлат ўртасида барча соҳалардаги ҳамкорликдан иборат ривожланишнинг асоси бўлиб хизмат қилмокда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Россия Федерациясига 2010 йил 19-20 апрель кунлари қилган ташрифи чоғида, икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Россия муносабатларининг стратегик аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор таъкидладилар. Ушбу учрашувда кўпгина масалалар, жумладан, халқаро сиёsat ва минтақавий ҳамкорлик бўйича икки

мамлакат ягона қараш ва позицияга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбек-рус муносабатлари минтақавий ва субминтақавий масалалар билан ҳам узвий боғлиқ. Ўзбекистоннинг жанубда Афғонистон билан қўшни эканлиги, 1979 йилда Совет ҳукумати томонидан Афғонистон босиб олинганидан сўнг, уни кенг қўлланилган бош чегаравий ҳудудга айлантириб қўйди. Бироқ, шуниси равшанки, Ўзбекистон хеч қачон Қозоғистонга ўхшаб рус ахолисини кўчириб олиб келиш сиёсати марказида бўлмаган.

Жуда қизиқ ҳолат, Сталин мамлакат жанубидаги Сурхондарё вилояти чегарасини Туркманистон ва Тожикистон ўртасида “жойлаштириб” қўйди. Шу билан бирга, фақатгина қўшни Афғонистонгина уни Буюк Пётр давридан бери бош мақсад бўлган иссиқ денгизларга олиб чиқувчи ягона ҳудуд эди. Кейинчалик газ қувурлари лойиҳалари мамлакатнинг минтақавий чорраҳа мақомини мустаҳкамланишига олиб келди.

Бугунги кунга келиб минтақада сувдан фойдаланиш асосий масалага айланди. Шу сабабли икки томон, Ўзбекистон ва Россия, Марказий Осиё сув ва энергетика захираларидан фойдаланиш масаласи юзасидан умумий позицияга эга эканликларини яна бир бор таъкидладилар. Бу қарашлар расмий Тошкент ва Москва ўртасидаги музокаралар чоғида қабул қилинган “Кўшма баёнот”да ўз аксини топди.

Икки давлат ҳам халқаро ҳуқуқнинг умуминсоний меъёрлари ҳамда минтақанинг барча мамлакатлари манфаатларини ҳисобга олиш зарурлигини қайд этдилар. Икки давлат раҳбарлари Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар юқори қисмида йирик гидроэлектр станциялари қурилиши мазкур иншоотларнинг хавфсизлигини баҳолаш учун мустақил халқаро эксперtlар туруҳини жалб қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлайдилар.

Бугунги кунда Россия Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ҳамкори ҳисобланади. 2009 йилдаги ташқи савдо кўлами 4,5 млрд. АҚШ долларига етди (2008 йилга нисбатан 4,9 фоизга ошди). Экспорт қилинадиган асосий маҳсулотлар табиий газ (39,2 фоиз), мева ва сабзавотлар (22,9 фоиз), хизматлар – транспорт ва коммуникация соҳасида (13,8 фоиз), тўқимачилик (8,7 фоиз), электрон ва механик жиҳозлар (1,7 фоиз) ва бошқалар.

Импорт маҳсулотлари эса асосан рангли ва қора металлар (32,8 фоиз), электрон ва механик жиҳозлар (21 фоиз), ёғоч (14,3 фоиз), хизматлар (5,6 фоиз), барча турдаги транспорт воситалари (4,4 фоиз) ва ҳ.к.

Ўзбекистон ва Россия муносабатлари асосий бўғинини инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик, аниқроқ қилиб айтганда, энергетика соҳасидаги биргаликдаги лойиҳаларни амалга ошириш, биргаликда қидириш ва уларни ташиш ҳамда углеводород конларида қазишма ишлари ҳамкорликнинг муҳим томони ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида ҳар йили бир неча рус корхоналари очилмоқда ва ҳозирда улар жами бўлиб 843 тани ташкил этади. Мисол учун, охирги 3 йилда 353 та корхона ташкил этилди ва шунинг 101 таси 2009 йилда тузилди (84 та қўшма ва 17 та тўлиқ рус капитали асосида). Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда 132 та рус корхоналари аккредитациядан ўтган бўлса, Россия ҳудудида 395 та ўзбек капиталидаги корхоналар мавжуд. Республика ҳудудида “Зарубежнефтгаз” (Газпром филиали), “Лукойл”, “Союзнефтгаз” ва бошқа рус корхоналари фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб, Россия ўзбек фуқароларининг имтиёзли манзилига айланган. Зеро, Россия Ўзбекистондаги фаол аҳолининг 10 фоизга яқин қисмини ташкил этадиган жамоани ўзига жалб қилган. Шу билан бирга, Тошкентдаги рус маданияти марказининг муваффақиятли фаолияти ва ўзбек шаҳарлари аҳолисининг кирқ ёшдан ошган қисми ичида рус тилининг жиддий равишда сақланиб келинаётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Рус маданият маркази бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйича 22 та маданий ассоциацияларга эга. 769 та мактаб рус тилига ихтисослаштирилган ва шу билан бирга мамлакатнинг деярли барча университетларида рус тили факультетлари мавжуд. Сўнгги йилларда таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик янгидан тараққий топмоқда. Тошкентдаги Плеханов номидаги Иқтисодиёт академияси ва Ломоносов номидаги Москва Давлат Университетининг ҳамда Губкин номидаги Нефть ва газ институти филиалларининг мавжудлиги бунинг яққол мисолидир.

Шундай қилиб, рус-ўзбек муносабатлари ҳозирги янги даврга келиб **янги дунёвий геостратегиядан** келиб чиқади. Аслини олганда, агар 1991 йилгача рус-ўзбек муносабатлари икки қутбли дунё, аввало, рус-инглиз кейинчалик СССР ва АҚШ муносабати доирасида амалга ошган бўлса, 1991 йилдан бери ўзбек дипломатияси **кўп қутбли дунё сари** ривожланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Москва, Вашингтон ва Пекиндан кейин Токио, Сеул, Дехли, Анқара, Техрон, Қобул, Исломобод, каби пойтахтлар ушбу дипломатиянинг ривожланишида муҳим йўналишга айланди. Исботлаш учун, таъбир жоиз бўлса, баъзи иқтисодий (пахта хомашёси аҳамиятининг пасайиши) ва маданий (20 ёшдан кичик фуқароларга рус тилини кучайтирилган тарзда ўқитилишнинг бекор қилиниши) омиллар Москвага нисбатан тенг

муносабатлар ўрнатилганлигини кўрсатмоқда. Шунга қарамасдан, бу Ўзбекистон худудида жойлашган катта сонли рус компаниялари фаолиятига ўз таъсирини ўтказгани йўқ.

Сўзсиз, Москва баъзида Марказий Осиё мамлакатлари эндиликда унга ён бермасликлари мумкинлигини назардан четда қолдирмоқда. Яқинда бўлиб ўтган Қирғизистон воқеалари ушбу фикрни исботлаб турибди. Шунга қарамасдан, Москва Тошкентнинг Марказий Осиёда бош дипломатик ролни ўйнай бошлагани ва бунга ўзбек дипломатиясининг 2007 йилдан бери афғон масаласи ечими бўйича аниқ (энг мақбул) позицияси туфайли эришганини тан олиши лозим.

Ўзбекистон ва Россия минтақавий, халқаро сиёсатнинг кун тартибида турган масалалари бўйича умумий ёхуд ўхшаш позицияга эга эканлиги мақтовга лойиқ. Икки давлат ташқи сиёсат соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштириш юзасидан иш олиб борган ҳолда БМТ, ШХТ ва МДҲ доирасида бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, бу икки томон минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш борасида бир фикрга келган бўлиб, гиёҳванд моддалар савдоси, экстремизм, халқаро терроризмга қарши курашда биргаликда ҳаракатлар олиб боради. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Россиянинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик масаласи бўйича бир хил қурашга эга эканлиги минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча омил ҳисобланади.

## **2. Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари: янги истиқболли ҳамкорлик сари**

Америка Кўшма Штатлари ушбу минтақада доимо З йўалишли стратегияга эга:

- стратегик жиҳатдан Кўшма Штатлар бошқа худудлардаги каби бу ерда ҳам рус таъсирининг барча шаклларини кучсизланганлигини билдириш учун собиқ Иттифоқ тузумининг ағдарилганлигини кўрсатиб келади. Ж.Буш президентлигидан бери АҚШ атом бомбасига эга бўлиши мумкин бўлган Эроннинг минтақадаги таъсирини камайтиришни истайди. Бунинг учун ўзининг иттифоқчиси, НАТО аъзоси Туркиянинг минтақавий ролини қўтариш тарафдоридир;

- сиёсий соҳада Кўшма Штатларнинг бугунги кундаги манфаати – наркотрафик ва терроризмга қарши курашган ҳолда минтақада барқарорликни таъминлаш учун бирдамликни яратиш ва ривожлантиришдан иборат;

- иқтисодий жиҳатдан АҚШнинг ҳозирги кундаги бош мақсади нафақат Марказий Осиёнинг янги мустақил мамлакатлари бозорига қизиқишдан, балки маҳаллий энергетика захираларини

ривожлантиришда ўзининг фаол корхоналари орқали иштирок этишдан иборат.

Бошқа мамлакатлардаги каби бу ерда ҳам ишбилармон (бизнесмен) тушунчаси орқали шаклланган америка сиёсати ҳудудлар, халқлар ва маданиятларни инкор этиш орқали намоён бўлади. АҚШ сиёсати, умуман олганда, узок муддатга мўлжалланмаган ва режалаштирилмаган, чунки у 1991 йилдан бери кам муваффақиятга эришган, тартибсиз ва кетма-кет ташабbusлар кўринишида бўлиб, Вашингтон ҳеч қачон ҳақиқий хавфсизлик кафолатини бера олмаган. Фақатгина, 1994 йил январь ойида НАТО доирасида тузилган “Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастури”га Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби Ўзбекистоннинг ҳам аъзо бўлганлигини АҚШнинг ютуғи дейиш мумкин.

Афғонистонда Толибонлар ҳаракатининг ҳокимият тепасига келиши муносабати билан ўзбек армиясига АҚШ ёрдами ошган бўлса, 1996 йилдан сўнг Қозогистоннинг ядродан холи ҳудуд мақомини олиши сабиқ Иттифоқ атом захираларини Россиянинг ички чегараларига киритилишга сабаб бўлди. Фақатгина Боку-Сайхун нефть қувурининг тугатилиши билангина минтақада Америка иқтисодий муваффақиятга тўлиқ эришди деб айтиш мумкин. АҚШнинг Афғонистондаги фаолияти ҳамда Жорж Бушнинг Саддам Хусайнга қарши уюштирган ҳужуми АҚШ сиёсатининг тўғридан-тўғри Қобул ва Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан бефарқлиги, унинг мақсади, асосан, Бағдод ва кейинчалик Техронга қаратилганлигидан далолат берib, Вашингтон ушбу минтақага нисбатан ўз режаларини орқага сурғанлигини кўрсатади.

Шак-шубҳасиз, 2002 йилдан бери, айниқса, 2005 йилга келиб, ўзбек-америка муносабатларида совуқчилик кузатилди. Бироқ, 2008 йилдан бошлаб, ўн бешдан ортиқ юқори мартабадаги Америка делегациялари мамлакатга ташриф буюрди ва ўша йили Тошкент Америка Кўшма Штатларига Афғонистонда жойлашган НАТО ва АҚШ кучларига мўлжалланган ноҳарбий юкларни Ўзбекистон ҳудудидан олиб ўтишга рухсат берди. Ушбу қарорга сабаб, 2008 йил ёз фаслидан бошлаб, Толибонларнинг Хайбар довонидан олиб ўтиладиган НАТО иттифоқчи кучларига мўлжалланган юкларга ҳужум уюштиришининг кучайиши эди. 2009 йил баҳорида Россия эса 2005 йилда ўзбек хукумати талабига биноан фаолиятини тўхтатган Қарши-Хонобод ҳарбий базасига Америка Кўшма Штатлари қайта киритилиши мумкинлигидан хавфсирагани аник.

Бугунги кунга келиб, ўзбек-америка муносабатларида турли соҳаларда кенг истиқболли ҳамкорлик билан изоҳланадиган янги давр бошланди. Тўғри, ҳозирча Тошкент ва Вашингтон умумбашарий

масалалар бўйича ўзаро яқдил қарашларга эга эканликларини ва мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича умумий хоҳишни ифода этиш билан чекланмоқдалар. Бироқ, шуниси равшанки, Барак Обаманинг АҚШ президенти этиб сайланганидан сўнг, бу икки мамлакат ўртасидаги сиёсий алоқалар жадаллашиб борди ҳамда 2009 йил декабрь ойидан бошлаб икки томонлама йиллик сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш анъанаси қайта йўлга қўйилди. Бир йилдан сўнг, 2010 йил Тошкент ва Вашингтон ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва уни янги босқичга олиб чиқишини кўзда тутувчи биргаликдаги фаолият режасини ишлаб чиқдилар ва қабул қилдилар.

Шунингдек, 2010 йил апрель-май ойларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккала палаталаридан тузилган вакиллар делегациясининг Кўшма Штатларга уюштирган расмий ташрифидан бошлаб парламентлараро алоқалар йўлга қўйилди ва ривожланди. Айниқса, 2009 йил ноябрь ойида Марказий Осиёда Америка Конгресси қуи палатаси норасмий ассоциацияси ҳисобланмиш CAUCUSнинг ташкил этилиши Америка қонун чиқарувчи ҳокимиятининг, умуман олганда, Марказий Осиёга ва, хусусан, Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Икки мамлакат учун ҳам, минтақавий хавфсизликнинг асосий масалаларига мақбул ечим топиш Афғонистонда барқарорликни таъминлаш юзасидан умумий тўхтамга келиш, диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашни кучайтириш, ядро қуроли тарқатмаслик тизимини мустаҳкамлаш, наркотрафикка қарши курашиш, минтақа энергетика маҳсулотларини дунё бозорига олиб чиқишини диверсификациялаш бош омиллардан бўлиб хизмат қиласди. Обама маъмурияти таъкидлаганидек: “Ўзбекистон Афғонистонни қўллаб-қувватлаш ва ёрдам кўрсатиш бўйича минтақада асосий аҳамиятга эга”.

Иқтисодий соҳада эса инвестиция, иқтисодий ҳамкорлик ва савдо жабҳаларида ҳали юзага чиқмаган йирик салоҳият мавжуд. Ўзбекистоннинг АҚШ билан 2009 йилдаги ташки савдо айланмаси 367,7 млн. АҚШ долларига етди ва шундан 146 млн. АҚШ доллари экспортга, 221 млн. АҚШ доллари эса импортга тўғри келади. Жами экспорт ҳажмини асосан кимёвий моно-органик маҳсулотлар (73 фоиз), хизматлар (21 фоиз) ва ўғитлар (6 фоиз) ташкил этади.

Ҳозирда Ўзбекистонда 250 та АҚШ сармояси иштирокида тузилган корхона мавжуд бўлиб, улардан 65 таси юз фоиз ташки капитал асосида фаолият юритади. Ушбу корхоналарнинг асосий фаолият доираси қуйидагилардир: автомобиль саноати, нефть-кимё,

тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, савдо, хизматлар ҳамда туризм.

70 та АҚШ корхоналари Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлигига аккредитациядан ўтган. Уларнинг фаолияти, асосан, импорт-экспорт операцияларини амалга ошириш, юридик, транспорт ва тезкор жўнатмалар хизматини кўрсатиш ва ускуналарни етказиб беришда намоён бўлади.

Қолаверса, Ўзбекистон иқтисодий соҳада АҚШ капитали муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, бу масалада икки томонлама ҳамкорликни ривожланишининг истиқболларига алоҳида аҳамият қаратади. АҚШнинг кўпгина йирик концернлари (General Motors, Honeywell ва б.к.) Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг мустаҳкамланишидан манфаатдор.

Умуман олганда, гуманитар, маданий ва таълим соҳаларидағи ҳамкорлик жуда истиқболли соҳалар ҳисобланади. Икки мамлакат ушбу соҳаларда алоқаларни йўлга қўйиши ва янада ривожлантириши лозим.

### **3. Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари янада мустаҳкамланмоқда**

Хитой Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олди ва икки мамлакат ўртасида 1992 йил 2 январдан бошлаб дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ўзбек-Хитой муносабатлари бир вактнинг ўзида ҳам дўстона, ҳам ўзаро мақбул ҳисобланади, зеро ушбу ҳамкорлик диний экстремизм ва халқаро тероризмга, наркотрафикка, ноқонуний қурол-яроғ савдосига, сепаратизм таҳдидига қарши кураш юзасидан умумий позициялар мавжудлиги асосида шаклланган. 2009 йил 15 июнда Екатеринбург шаҳрида ўтказилган ШХТ доирасидаги саммит чоғида Хитой Ўзбекистонга 9 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. 2009 йил декабрь ойида Хитой ва Ўзбекистон вакиллари миңтақавий газ қувури очилиш маросимида яна бир бор учрашдилар. 2009 йил давомида, юқори даражадаги дипломатик муносабатлар кенгайиб борди ва ўз самарасини бера бошлаган ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига замин яратди.

Умуман олганда, 2000 йил бошидан бошлаб Ўзбекистонда Хитой сармоялари ва икки мамалакат савдо кўлами жадаллик билан ривожланди. Бугунги кунда, Хитой ўз эҳтиёжини қондириш учун энергетика маҳсулотларини (кўмир, газ, нефть, уран ва ҳ.к.) импорт қиласи ва, шунингдек, Марказий Осиёning барча мамлакатлари билан савдо алоқалари унга ғарбий провинциялари, хусусан, Шинжон-уйғур автоном райони билан алоқаларини мустаҳкамланишига олиб келди.

Шубҳасиз, Хитой чуқур иқтисодий интеграция сиёсатини олиб бормоқда. Дарҳақиқат, Хитой нафақат стратегик энергетика соҳасида ўзини намоён қилмоқда, балки барча ўзбек бозорларини ўз маҳсулотлари билан эгаллаб олмоқда. Шу билан бирга, минглаб километрга чўзилган сув ва канализация қувурлари Хитойнинг СНЕС компанияси томонидан қуриб битказилиши режалаштирилган. Транспорт соҳасида эса юқори сифатли темир йўл жиҳозлари Хитой томонидан Тошкент шаҳрига етказиб берилди.

Ҳозирги даврда Хитой билан иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик кредит ва молиявий ёрдам кўринишида ривожланмоқда, улар асосан уч соҳага ажратилган: ижтимоий лойиҳалар, экспорт лойиҳалари, инфраструктурани йўлга қўйиш.

2006 йилдан бери Хитой газ ва нефть қазиб олиш соҳасига кенг инвестициялар йўналтиришга қарор қилди. Бугун 233 та Хитой корхоналари энергетика билан бир қаторда озиқ-овқат, енгил саноат, алоқа ва ахборот технологиялари соҳаларида фаолият юритмоқда. Баъзи демографик маълумотларга кўра, Ўзбекистондаги хитойликлар сони 70 000 тани ташкил этади.

Умуман олганда, ўзбек-хитой маданий ва дипломатик ҳамкорлиги тезкор суръатларда тараққий этмоқда. 2004 йил июнь ойида Тошкентга Президент Ху Зинтаонинг ташрифи натижасида 2005 йилда очилган Конфуций Институти фаолияти орқали Ўзбекистонда хитой тили ва маданиятини ўрганиш даражаси ошди. Хитойда таълим олишни давом эттироқчи бўлган ўзбек талабаларига кўплаб грантлар тақдим этилмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистонда ҳам йигирмага яқин хитойлик талабалар таълим олмоқдалар. Шу билан бирга, UNESCO доирасида Хитой Марказий Осиё давлатларига барча қадимий савдо тармоқларини сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш ва туризмни йўлга қўйишларига ёрдам берувчи Буюк ипак йўли дастурини илгари сурди (48 та хитой, 33 та ўзбек, 57 та туркман, 8 та тоҷик, 10 та қозоқ ва 7 та қирғиз шаҳарлари киради). Шубҳасиз, биз бугунги кунда Хитойнинг минтақага Буюк қайтишининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Баъзи кучлар очиқчасига Хитой ҳукуматини Марказий Осиёни Хитой эмиграцияси ҳудудига айлантиришда айбламоқда. Зеро, Шинжон-уйғур муҳтор районига ханларнинг кўчиб келиши Хитой коммунистик партияси мансабдор шахслари томонидан рағбатлантирилаётгани ҳақиқатга яқин. Бундай сиёсатнинг биринчи обьекти кам аҳолига эга Қозоғистон бўлиши эҳтимоли юқори. Таъкидлаш жоизки, мамлакатда хитойлик иммигрантлар сони ярим миллиондан ошиқдир.

#### **4. Ўзбекистон–Япония ва Ўзбекистон–Жанубий Корея ўртасида мустаҳкам дўстона муносабатлар**

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йиллариданоқ Япония Ўзбекистон билан дипломатик ва иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш ташаббуси билан чиқди ва шу вақтгача миллиардлаб АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритди. 1994 йилда Президент Ислом Каримовнинг Токиога ташриф буюриши муносабати билан Ўзбекистон ва Япония алоқалари қўмитаси ташкил топди. 1999–2000 йиллар оралиғида Тошкентда Japan International Cooperation Agency (JICA) ва Japan External Trade Organisation (JETRO) ташкилотларининг минтақавий бўлими ҳамда барча турдаги техник қўмак ва ижтимоий ҳамкорлик лойиҳаларига ҳомийлик қилишга мўлжалланган япон-ўзбек маркази ишга тушди. 2002 йил икки мамлакат ўзаро савдо ва стратегик ҳамкорлигини жадаллаштиришга қаратилган шартнома имзоланди. Аслини олганда, Япониянинг асосий манфаати бу ўзининг хомашё ва энергетика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 30 дан ортиқ япон корхоналари мавжуд бўлиб, улар 10 дан зиёд йирик саноат лойиҳаларини молиялаштиришда фаол равишда иштирок этмоқдалар. Таълим соҳасидаги келишувлар бошқарув, молия, маркетинг ва фармацевтика саноати техникаси ва тиббий ускуналар тиббиёт сирларидан боҳабар бўлишни истовчи ўзбек ёшларини етук мутахассис қилиб етказиб бериш мақсадида имзоланди.

Яна шуни эътиборга олиш жоизки, электр энергиясининг 25 фоизи атом электростанцияларида ишлаб чиқариладиган Япония билан ҳамкорлик дунёда уран экспорти ҳажми бўйича еттинчи, захиралари бўйича учинчи ўринда турувчи Ўзбекистон учун стратегик аҳамият касб этади.

2008 йил июль ойида Тошкентда “Марказий Осиё–Япония” 4-саммити бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Президент Ислом Каримов Япония Молия вазирини қабул қилди ва бу учрашув Ўзбекистон ҳамда Япония ўртасидаги молиявий ва савдо муносабатларининг жадал суръатларда ривожланишига замин яратди.

Жанубий Корея 1992 йилдан Ўзбекистон билан ҳар томонлама конструктив ва дипломатик муносабатлар ўрнатди. Яққол мисол сифатида давлат раҳбарларининг 2009 йил май ойида Ўзбекистонга ва 2010 йил февраль ойида Жанубий Кореяга уюштирган расмий ташрифларини мисол қилиш мумкин. Муассасаларо ҳамкорлик 1994 йилдан йўлга қўйилган бўлиб, жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Иқтисодий жабҳада Жанубий Корея корхоналари ёппасига нефть, газ, уларни қайта ишлаш, савдо тизимини жорий қилиш каби соҳаларга йирик сармоялар киритмоқдалар. Навоий эркин иқтисодий зонаси халқаро аэропорти лойиҳасини молиялаштирган ва амалга татбиқ этаётган корхоналар, айнан, Жанубий Кореяга тегишли экани сўзимизнинг ёрқин исботидир. Жанубий Кореянинг гуманитар ёрдам ва маданий ҳамкорлик доирасидаги саъй-ҳаракатлари ўз натижасини бермоқда. Корейс тили Ўзбекистон ҳудудидаги 22 та мактабда ва бир неча олий таълим муассасаларида ўқитилади. Асосий эътибор юкори савиядаги муҳандис мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. Шунингдек, Буюк ипак йўли фестивали 2008 йил, айнан, Жанубий Кореяда бўлиб ўтди.

## **5. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатлари**

**Ўзбекистон ва Қозоғистон** муносабатлари умумий узоқ йиллик тарих ва тил уйғуналиги билан изоҳланади. Ўз мустақиллигига эришганларидан сўнг бу икки мамлакатнинг самарали ва истиқболли дипломатик алоқалари 150 дан ортиқ икки томонлама имзоланган шартномаларга таянади.

1998 йил 31 августдаги Дўстлик шартномаси икки миллат ўртасидаги илиқ муносабатларни мустаҳкамлади ва мамлакатлар ўртасидаги савдо қўламишининг ошишига хизмат қилувчи дўстона муҳитни таъминлаб берди. 2008 йилда ўзаро товар айланмаси ҳажми 20 фоизга етди. 2009 йил қўрсаткичлари эса, жаҳон молиявий иқиrozига қарамасдан, анча салмоқли кўринишга эга. Ҳозирда Қозоғистон ҳудудида 100 га яқин ўзбек капитали иштироки асосида фаолият юритувчи корхоналар мавжуд.

Маданий ҳамкорлик ҳам конструктив аҳамият касб этиб бормоқда, унинг асосида 2010–2012 йилларга мўлжалланган қўшма режа ётади. 900 000 га яқин қозоқ миллатига мансуб фуқаролар Ўзбекистонда истиқомат қилишини ва 500 га яқин мактабларда қозоқ тилида таълим жараёни олиб борилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўз навбатида, 500 000 га яқин ўзбек миллатига мансуб фуқаролар Қозоғистонда истиқомат қиласи ва 175 га яқин мактабларда ўзбек тили ўргатилади. Шунингдек, Оммавий ахборот воситалари соҳасида, Қозоғистондаги ўзбеклар ва Ўзбекистондаги қозоқлар матбуот ва аудиовизуал ахборот воситаларидан ўз тилларида фойдаланиш ҳуқуқига эгалар.

**Ўзбекистон ва Тоҷикистон** муносабатлари аҳамияти шундаки, бу икки мамлакат умумий тарих ва асрлар давомида ўзаро қўшничилик асосида шаклланган анъаналарга эга. Икки томонлама

муносабатларнинг хуқуқий асосини ҳукуматларабо ва муассасалараро имзоланган 150 та битим ва шартномалар ташкил этади. Иқтисодий муносабатларга келганда, Ўзбекистон Тожикистоннинг Россия ва Қозоғистондан кейин учинчи савдо ҳамкори ҳисобланади, бу алоқалар 1996 йил Тошкентда имзоланган эркин товар айланмасига оид шартномага мувофиқ йўлга қўйилган. Ўзбекистон, асосан, табиий газ, электр энергияси, ўғит етказиб бериш ва транспорт хизматини экспорт қиласди. Импорт маҳсулотларига келсақ, Ўзбекистон Тожикистондан электр энергиясини, рангли металлар, қурилиш маҳсулотлари ва транспорт хизматларини сотиб олишини кўрсатиш лозим. Ўзбекистонда 22 та тожик капитали иштироки асосида фаолият юритувчи корхоналар мавжуд. Иккита корхона эса тўлиқ тожик капитали асосида фаолият юритади. Ижтимоий ва маданий ҳамкорлик эса 2000 йил июнь ойида Душанбе шаҳрида имзоланган шартнома билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон ҳудудида 8 та тожик маданият марказлари фаолият юритаётганлигини ва 316 га яқин мактабларда ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро университетларида ўзбек тили билан бир қаторда тожик тилининг таълим тили мақомига эгалигини қайд этиб ўтиш даркор. Оммавий ахборот воситалари соҳасида эса икки томонлама шартномаларга мувофиқ Ўзбекистонда тожик тилидаги ва Тожикистонда ўзбек тилидаги кўрсатувлар доимий бериб борилади.

Ўзбекистоннинг барча қўшнилари каби **Туркманистон** ҳам ушбу мамлакат билан дўстона ва қўшничилик анъаналарига асосланган муносабатларга эга. Тошкент ва Ашхобод икки давлатни ҳам бирдек ташвишга солаётган минтақавий таҳдидларга нисбатан бир хил позицияга эга. Ўзаро ҳамкорлик 150 дан ортиқ икки томонлама имзоланган шартномаларга асосланади. Иқтисодий муносабатларга тўхталадиган бўлсак, 2009 йилда товар айланмаси ҳажми 40 фоизга ошди. Ўзбекистон Туркманистонга кимё саноати маҳсулотларини, қурилиш маҳсулотлари, ускуналар ва барча турдаги транспорт воситаларини экспорт қиласди. Туркманистон эса, ўз навбатида, Ўзбекистонга нефть маҳсулотларини, пластмасса маҳсулотлари ва тоғ-кон саноати маҳсулотларини экспорт қиласди. Бутун дунёда энергетика захираларига бўлган эҳтиёж ошиб бораётган бир вақтда, бу икки мамлакат ҳудудида нефть саноати доирасида фаолият юритувчи компаниялар сони тезкор суръатларда кўпайиб бораётганини кузатиши мумкин. Президент И.А.Каримов 2009 йил декабрь ойида Туркманистон–Хитой трансмиллий газ қувури ишга тушиши маросимида иштирок этди. Буларнинг бари ўзбек-туркман муносабатларининг энергетика соҳасида ривожланаётганига қўшимча мисол бўлади.

Туризм соҳасида эса, икки мамлакат ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик бу икки ҳалқ маданий меросининг ўзаро алоқадорлигини намоён қилмоқда ва сайёхлик соҳасида истиқболли режаларни йўлга қўйиш лозимлигини кўрсатиб турмоқда.

**Ўзбек-қирғиз** муносабатларига келганда, улар 213 дан ортиқ турли жабҳаларда имзоланган шартномаларга асосланади. Энг муҳим хужжат эса, сўзсиз, Абадий Дўстлик тўғрисидаги 1996 йилда имзоланган шартномадир. Қирғиз диаспораси Ўзбекистонда 240 000 нафардан зиёдни ташкил қиласа, Қирғизистонда ўзбек жамоаси қирғизлардан кейин иккинчи ўринда туради ва умумий аҳолининг 15 фоизини ташкил этади. Икки томонда ҳам олий даражадаги маданий ассоциациялар каби маданий марказлар мавжуд бўлиб, улар жадал ривожланиб бормоқда. Қирғизистонда 2010 йил апрель ойида бўлиб ўтган беқарор ҳолат ва шу йилнинг июнь ойидаги воқеалар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг таранглашиши эҳтимолини ошириб юборди. Қирғизистондаги ўзбек озчилигига қонунга хилоф равишда уюштирилган шафқатсиз ҳужумлар, Ўзбекистонда бошпана топган қочқинларнинг иқтисодий ва молиявий қиймати ҳеч нарсани ўзгартирмади.

Иқтисодий жабҳада эса, 2009 йил статистик маълумотларига кўра, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги товар айланмаси 40 фоизга тушиб кетди. Бу кўрсаткич икки ҳукумат вакилларини, Қирғизистон собиқ президенти истеъфосидан олдинроқ савдо кўлами ҳажми тушиб кетишидан келиб чиқаётган ноқулайликлар ва заарларни қоплаш учун аҳамиятли қарорлар қабул қилишга унданган эди. Ўзбекистон Қирғизистонга табиий газ, цемент ва транспорт хизматини экспорт қилади. Импорт маҳсулотларига келсак, Ўзбекистон Қирғизистондан электр энергиясини, турли металларни, шиша маҳсулотларини сотиб олади.

Қувонарлиси шундаки, АҚШ, Россия ва Хитой бугун Қирғизистонда тинчликни ўрнатиш истагини билдирган ҳолда, ушбу мамлакатдаги нотинч ҳолатнинг давом этиши, геостратегик даражада унинг бутун Марказий Осиёни қамраб олиши хавфини туғдираётганига иқрор бўлмоқдалар. Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу воқеаларга совуққонлик, вазминлик ва мўътадиллик билан жавоб қайтарганлиги бутун дунё учун намуна бўлди. Бундай ёндашув Марказий Осиёда рўй бериши мумкин бўлган ҳалокатли жараёнларнинг олдини олди. Қирғизистонда 2010 йил 12 октябрда бўлиб ўтган сайловлар этник келишмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ижтимоий бекарорликнинг қайта юзага келиши омили бўлиб хизмат қилмаганлиги қувонарлидир.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан муносабатлари баъзида анча таранг эканлиги сир эмас ва бу ҳолат нафақат чегаралар демаркацияси масалаларига боғлик, балки Ўзбекистонга чегарадош мамлакатлар томонидан минтақа дарё сувларининг ишлатилиши мамлакатни қонуний равишдаги доимий сув таъминотини хавф остига қўймоқда. Қирғизистон хукумати Ўзбекистон етказиб берган электр энергиясига тўловни амалга оширганидан сўнг мазкур давлатга электр энергиясини етказиб бериш вақтинчалик тўхтатилди ва натижада қарма-қарши ҳаракат сифатида Қирғизистон Ўзбекистонга келадиган сув йўлини тўсишга қарор қилди.

## **6. Аҳамияти ошиб бораётган минтақавий ҳамкорлик.**

Ўзбекистон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо (ШХТ). 2001 йил 15 июнда ташкил топган мазкур минтақавий ҳамкорлик ташкилоти бугунги кунда 6 та аъзо давлат (Хитой, Россия, Тоҷикистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон), яқин давр мобайнида аъзоликка қабул қилиниши қутилаётган 4 та кузатувчи мамлакатлар (Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғулистан) ва иккита ҳамкор мамлакатлар (Белоруссия ва Шри Ланка) дан иборат.

ШХТ дунёдаги ҳудуди энг катта бўлган Россия Федерациясини ва энг кўп аҳолига эга Хитойни ўзида бирлаштирган. Аъзо давлатлар умумий ҳудуди 26 млн. км квадрат бўлиб, агар унга кузатувчи мамлакатлар умумий ҳудудини, яъни 6,3 млн.км квадратни қўшсак, жами 32,3 млн. км квадратни ташкил этади, умумий аҳолиси сони эса 2 млрд. 755 млн.ни ташкил этади. ШХТ аъзоларига дунё нефть захирасининг 20 фоизи, табиий газнинг 38 фоизи, кўмир захираларининг 40 фоизи ва ураннинг 50 фоизи тўғри келади.

ШХТ давлат раҳбарлари ўртасида имзоланган келишувлар механизми асосида тузилган. Унинг асосий мақсади хавфсизлик масаласида замонавий ёндашувни, минтақавий ҳамкорликнинг янги моделини рағбатлантириш, ҳозирги давр таҳдидларига қарши умумий сиёsatни ишлаб чиқишига ҳамда халқаро келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишига қаратилган давлатлараро янги муносабатларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Тинчлик ва минтақавий хавфсизлик ривожи учун машақкатли ва оғир кураш мажбуриятини олган ҳамда инсонпарварлик, тинч ва осойишталик ғояларини тараннум этувчи ШХТ нафақат дипломатик, балки стратегик, ҳарбий ва иқтисодий ҳамкорлик воситасидир. Аъзо давлатлар рўйхати Америка Кўшма Штатлари ва Европа Иттифоқини хавотирга solaётгани айни ҳақиқатдир.

2004 йил январь ойидан бери Тошкентда ташкилотнинг Минтақавий Антитерористик Маркази (МАТМ) фаолият юритмоқда. ШХТнинг қолган тузилмалари умумий лойиҳаларни молиялаштиришга мўлжалланган банклараро иттифоқ, аъзо давлатлар молиявий институтлари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга қаратилган Иқтисодий кенгаш ҳамда Форумдан иборат. ШХТ форуми қуидаги соҳаларда ташкилот фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида илмий-тадқиқот муассасаларини бирлаштирган масалаҳат механизмидир:

- аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва қўшничилик анъаналарини мустаҳкамлаш;
- аъзо давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва савдо, илмий-техникавий, маданий ва таълим ҳамда энергетика, транспорт, туризм ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидағи ҳамкорликни ривожлантириш;
- минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш;
- сиёсий ва иқтисодий, демократик тамойилларга асосланган янги халқаро тартибни ўрнатиш.

Туркманистон ШХТ аъзо давлатлари қаторига кирмаса-да, шунга қарамасдан, 2004 йил Туркманистон ва Ўзбекистон президентлари учрашуви 2002 йилда тўхтаб қолган мулокотни янгидан йўлга қўйилишига олиб келди.

Барча ҳолатларда Тошкент Афғонистон ўзбеклари билан яхши қўшничилик алоқаларига эга. Бу эса Президент Ислом Каримовнинг Афғонистон масаласини ҳал этишга жиддий эътибор қарататётганининг асословчи омили бўлиб хизмат қилмоқда. Термиз–Мозори Шариф–Бандер–Аббос темир йўлининг курилиши, 2002 йилдан бери Афғонистонга электр энергиясини етказиб беришнинг қайта йўлга қўйилганлиги, ўзбек-афғон чегарасида Хайратон кўприги ва Айритом божхона мажмуаси қурилиши Тошкентнинг Марказий Осиёда минтақавий алоқалар сифатини яхшилашга бўлган интилишини яққол кўрсатмоқда.

2010 йилда минтақавий ҳамкорликнинг аҳамиятини иқлимининг кескин ўзгариши, айниқса, муз захираларининг эриши ва Орол дengизининг иирик экологик инқирозга айланиши ҳамда Оролбўйи давлатлари томонидан бу муаммо юзасидан самарали ечими топилмаганини ҳам белгилаб бермоқда. 2008 йилдан бери таркибида Ўзбекистон ўз фаолиятини тўхтатган Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти ва Шанхай Форуми 1990 йиллардан бошлаб минтақавий ҳамкорликнинг бош бўғини бўлиб қолди.

Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти 1994 йил ташкил топган. Унинг аъзолари Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон эди. Унинг бош мақсади “иқтисодий интеграциялашувни чуқурлаштириш” бўлган. Шунинг учун божхона тўловларини қисқартириш тўғрисидаги қарор умумий ташқи тарифни жорий этмасдан олдин қабул қилинди. Бу ташкилот савияси ўртача ўлчовда бўлиб, қабул қилинган қарорлар хаётга деярли ҳеч қачон тўлиқ татбиқ этилмаган. Шунингдек, у 2000 йиллар бошида тўртта аъзо мамлакатлар ўртасидаги минтақавий савдо айланмаси қисқаришининг ҳам олдини ололмади.

2000 йил октябрь ойида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Белоруссия, расмий Тошкент иштирокисиз, иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлашга қаратилган Евросиё Иқтисодий Иттифоқини тузишга қарор қилдилар.

Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россияни бирлаштирган Шанхай Форуми ҳам 1996 йил Тошкент иштирокисиз тузилган. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон 1998 йил кузатувчи мақомини олиб, 2001 йил ташкилотнинг тўлиқ аъзосига айланди. Шанхай Форуми бош мақсади чегаравий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш бўлиб, ташкилот, умуман олганда, сиёsat, иқтисодиёт ва хавфсизлик соҳаларига тегишли масалалар доирасида фаолият олиб боради. Унинг самарадорлиги, сўзсиз, Хитой ва Россиянинг 1991 йил ўз мустақиллигига эришган минтақа мамлакатлари ўртасидаги тинч алоқаларни мустаҳкамлашга ва ўзаро тафовутларни бартараф этишга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон қолган барча собиқ Совет республикалари орасида Совет Иттифоқига энг кўп интеграциялашган давлат эди. Бироқ, 1991 йилдан кейин эски колониал тизим таъсиридан буткул узоқлашиш йўлларини энг кўп қидирган давлат ҳам айни Ўзбекистон бўлди. Рус гегемонлигининг қайтиши хавфини олдини олиш истагини билдирган ҳолда, Ўзбекистон ўз ҳудудида рус ҳарбий бўлинмаларини жойлаштиришни доимо рад этиб келди. Шунга қарамасдан ўзбек дипломатиясининг бундай узоқлашув даражаси пасайди. Зоро, Владимир Путин рус дипломатияси ўз қарашларини мажбуран сингдирмаслиги кераклигини, уларни таклиф сифатида ўртага ташлаши мумкинлигини англаб етди. Шу билан бир вақтда Москва ва Тошкент ислом фундаментализми таҳди迪 юзасидан умумий қарашларга эга эканликларини билдирилар.

2009 йил июнь ойидан 2010 йил июнь ойигача Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилди ва ушбу ҳолатдан нафақат ўзининг лойиҳаларини амалга оширишда, балки бутун дунёда ўзининг конструктив ва ижобий обрў-эътиборини кўрсатишда

фойдаланди. ШХТ бошқаруви даврида Ўзбекистон аъзо мамлакатлар томонидан истиқболли йўналишларни мувофиқлаштириш билан бир қаторда янги ҳамкорлик йўналишлари ва келишувларни ишлаб чиқди. Шу маънода Ўзбекистон Президенти 2009 йил 11 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган ШХТ аъзо мамлакатлари миллий координаторлари билан бўлган учрашув чоғида ташкилот доирасида қарорлар қабул қилиш механизмини яхшилашга алоқадор бир-неча таклифларни ўртага ташлади.

Умуман олганда, ШХТ аъзо мамлакатлари ўз мақсадларини амалга оширишда жаҳон саҳнаси ҳисобланган БМТдан фойдаланишлари кераклигини тушуниб етдилар. Ўз навбатида, Ўзбекистон дипломатик йўлларни БМТ орқали минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришнинг кафолати сифатида эътироф этади.

Евropa Иттифоқи билан мулоқот ўрнатилганлиги ШХТ учун фундаментал ҳисобланади ва қуйидаги истиқболли соҳаларда фаолият юритишни кўзда тутади: сиёсий мулоқот, диний экстремизм, терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш. ШХТ учун Евropa ва Осиё ўртасидаги автомобиль ва темир йулларининг ривожланиши иқтисодий соҳадаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланишидаги бош омил сифатида олиб қаралади.

Умуман олганда, бу давр мобайнида Ўзбекистон ишлаб чиқсан устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Минтақавий Антитеррористик тузилманинг ҳал қилувчи аҳамиятини эътироф этиш;
- БМТ Хавфсизлик Кенгаши антитеррористик қўмитаси ҳамда АСЕАН антитеррористик тузилмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- ШХТ давлатлари ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорликни жадаллаштириш;
- юқори технологиялар ва ер ости қазилмаларидан самарали фойдаланишга мўлжалланган замонавий корхоналарни ташкил этиш;
- Кале ҳудудидан Хитой чегараси томон 8 минг кмга чўзилган Е-40 халқаро йўли қайта тикланишини тугатиш. Ўз навбатида, ушбу йўлнинг Ўзбекистон ҳудудидан ўтган қисми янгиланди ва замонавий ҳолатга келтирилди. У катта иқтисодий аҳамият касб этувчи Навоий эркин иқтисодий ва саноат зонаси бўйлаб ўтади;
- шунингдек, ШХТнинг халқаро алоқаларини ва меъёрий-хуқуқий базаси ташкилот хартияси тамойиллар ва мақсадлар билан мувофиқлигини, минтақада хавфсизлик ва барқарорлик кафолатларига оид ташаббусларни амалга оширишни ривожлантириш доирасидаги фаолияти саъй-ҳаракатларини чуқурлаштириш;

- БМТ ва ШХТ котибиятлари ўртасидаги умумий ҳамкорлик шартномаси катта аҳамиятга эга. У бу икки идоралар ўртасидаги конструктив муносабатлар тараққиётiga имконият яратади. Сўз БМТнинг Осиё–Тинч океани минтақаси ижтимоий ва иқтисодий комиссияси, наркографик ва жиноятчиликка қарши кураш қўмитаси, БМТнинг Марказий Осиёдаги превентив дипломатиясини амалга оширувчи минтақавий марказ каби структуралари билан ҳамкорлик ҳақида кетмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон раислиги даври ШХТни хуқуқий томонларини яхшилаш заруратини кўрсатди ва шу жабҳадаги ички регламент лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Президент Ислом Каримов 2009 йил июнь ойида Екатеринбургда ташкилотга янги аъзоларни қабул қилиш масаласини ўртага ташлаб, юридик йилнома ишлаб чиқиш таклифини билдири.

## 7. Минтақавий давлатлар прагматизми

**Туркияга** келганда, бу мамлакат 1972 йилдан бошлаб маданий алоқаларга таянган йирик мақсадларни ўз олдига қўйган. Шунга қарамасдан, пантуркизм ғояси Марказий Осиё давлатлари миллий манфаатларини олға сурилишига тўсқинлик қилмаган. Мисол қилиб, Президент Сезернинг 2000 йил октябрь ойидаги расмий ташрифини мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишга замин яратган омил сифатида кўриш мумкин. Шунингдек, Анкара ва Тошкент, хусусан, терроризмга қарши кураш соҳасида ҳарбий ҳамкорлик шартномасини имзолади. Шуниси равшанки, Ўзбекистон аҳолиси Туркияning бир кун келиб собиқ СССР ўрнини босишини исташмайди. Боз устига, ташқи савдо ҳажмининг 90 фоизини Россия ва Украина билан олиб борувчи Туркияning Марказий Осиёда Москва билан рақобатлашишдан манфаатдор эмаслиги қундек равшан.

1994 йилдан турк дипломатлари прагматик йўсинда иқтисодий жабҳада ўз иштирокларини, асосан, қурилиш соҳасидаги турк корхоналарини минтақага олиб кириш орқали таъминлаш йўлини танлашди. Туркия ҳудудининг ўз ҳамкорлари томонидан суюқ ёнилғи маҳсулотларини олиб ўтиш учун танланганлиги, фундаментал стратегик танловга айланиб улгурди. Бироқ, турк дипломатияси молиялаштирган соҳа маданий соҳадир. Маданий ўхшашликларни ва дунёвийликни асос қилиб олган ривожланишнинг Ота турк модели, доимо Марказий Осиё мамлакатлари учун ва, баъзи номутаносибликларга қарамасдан, Ўзбекистон учун ҳам ёрқин намуна вазифасини ўтайди.

**Эрон дипломатияси**, ўз навбатида, Техрон дунёнинг ушбу минтақасида камчиликни ташкил этувчи шиаларга таяна олмаслиги

сабаб, мафкурадан холи ҳисобланади. Форс тилида сўзлашувчи кўпчиликни ташкил этувчи тожиклар биргина тил омилидан келиб чиқсан ҳолда муҳим геосиёсий аҳамият касб этиши эҳтимоли кам. Эронликлар ўз мамлакатини оддий қилиб Каспий денгизи ҳавзаси бойликларини эвакуация қилишга мўлжалланган табиий транзит йўл сифатида таништиришни исташади. Москва ва Техрон ўртасидаги алоқадорликлар ва сўнгти келишувлар Техрон учун катта кўмак бўлди. Шунинг учун ҳам бу икки пойтахтлар Тожикистондаги фуқаролар урушини ҳал қилишда муҳим ўрин тутдилар.

Минтақавий етакчи ҳисобланувчи **Хитойнинг** эса уйғур айирмачилариға Марказий Осиё мамлакатларининг ҳеч қандай кўмак бермасликларини таъминлаш бош мақсадларидан биридир. Қозоғистон худудида 200 000 га яқин, Қирғизистонда эса 40 000 га яқин уйғурлар истиқомат қилишини таъкидлаб ўтиш фойдадан холи бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон минтақадаги энг юқори ҳарбий салоҳиятга эга мамлакат ва бу минтақада бекарорликка бефарқ бўлмаслик заруратидан келиб чиқсан. Ўзбекистон мудофаа сиёсати учта йирик йўналиш доирасида бириккан:

- 1994 йил америка ва француз офицерлариға таянган ҳарбий академия ташкил топиши муносабати билан хизматчи кадрларни миллийлаштириш. Бугунги кунга келиб офицерлар таркибининг 80 фоизини ўзбек миллатига мансуб ҳарбийлар ташкил қиласи ва бу кўрсаткич мустақилликкача бўлган даврда 6 фоизга ҳам етмаган;

- 2000 йил бошидан бери 15 000 га яқин ҳарбийларининг шахсий таркибини қисқартириш. Ҳозирда ўзбек ҳарбий кучлари 50 000 нафарни ташкил этиб, шулардан 30 000 га яқини пиёда қўшинлари сафида бўлиб, қолган қисми ҳаво ва ҳаво кучлариға қарши ҳарбий мудофаа кучларида хизмат қиласи;

- Шахсий таркиб ҳарбийлари малакасини ошириш ва тўғридан-тўғри Москвага стратегик боғлиқлик даражасини қисқартириш орқали ўзбек мудофаа тизимини қайта шакллантириш. 1999 йилдан Қуролли кучларнинг учта қисмини жойлаштириш учун бешта ҳарбий минтақа яратилди. Мудофаа вазири сифатида ҳарбий бўлмаган фуқаро тайинланди. МДҲдан ташқари бўлган ҳарбий кадрларни етказиб бериш имкониятлариға урғу беришга замин яратувчи лойиҳаларни молиялаштириш ва ҳарбий анжомларни сақлаш ва янгилаш соҳасида тўғридан-тўғри Россияга боғлиқлигини қисқартиришга қаратилган улкан саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.

## **8. Европа Иттифоқининг роли тобора ошиб бормоқда**

Ўзбекистон–ЕИ муносабатларининг асоси 1992 йил 15 апрелда Ўзбекистон хукумати ва Европа комиссияси томонидан имзоланган ўзаро ишонч меморандуми ҳисобланади. 1994 йил 16 ноябрда эса икки томон ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилди.

1995 йилнинг январь ойида Брюсселда Ўзбекистон элчихонаси очилди. 2002 йилга қадар, Европа Иттифоқининг Ўзбекистонга кўрсатаётган кўмаги факатгина икки томонлама муносабатларга асосланган эди. 2002–2006 йиллар оралиғида эса ушбу кўмак Марказий Осиёга мўлжалланган TACIS дастури доирасида кўрсатилди. Эътибор, биринчи навбатда, бошқарув ва таълим тизимини ислоҳ қилишга, Фарғона водийси ижтимоий масалаларини ҳал этиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида яшаш даражасини оширишга қаратилди.

2007 йил июнь ойида Европа Кенгаши “Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан янги ҳамкорлик стратегияси”ни ишлаб чиқди ва қабул қилди. 2008 йил июнь ойида эса, биринчи босқич ҳисботи нашр қилинди. Ўзбекистон билан Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома 1996 йилдаёқ имзоланган эди. Бу хужжат Европа Иттифоқи давлатлари томонидан ратификация қилингач, 1999 йилдан ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг юридик жиҳатларини белгилаб берди.

2009 йил 27 октябрь санасида, ЕИ Умумий Ишлар ва Ташқи алоқалар Кенгаши ЕИ томонидан Ўзбекистонга қўйилган чеклов чораларини, хусусан, қурол савдосига қўйилган эмбаргони тамомила бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунинг учун ҳам, 2007–2013 йиллар оралиғида, Европа Иттифоқи минтақа мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонга кўрсатиладиган кўмагини оширишни режалаштирган. ЕИнинг Марказий Осиёга кўрсатадиган бу ёрдами икки хужжатда ўз аксини топган: биринчидан, 2007 йил июнь ойида хукумат ва давлат раҳбарлари йиғилишида қабул қилинган ”ЕИнинг Марказий Осиёдаги стратегияси”да; иккинчидан, Европа комиссияси томонидан Марказий Осиёга нисбатан ишлаб чиқилган “2007–2013 йиллардаги минтақавий кўмак стратегияси”да.

Бу икки хужжат нафақат икки томонлама, балки минтақавий ҳамкорликка ҳам тегишли. 2007–2010 йиллар оралиғи учун 314 миллион евродан ортиқ маблағ ажратилди. Яна бошқа бир Даврий дастур 2011–2013 йилларга мўлжалланган. Европа Иттифоқи ташқи алоқалар марказий қўмитаси маълумотларига қўра, минтақавий ва икки томонлама ҳамкорлик қўйидаги йўналишларда олиб борилади: миллий даражада Ўзбекистонга икки томонлама ҳамкорлик доирасида

32,8 миллион евро миқдорида маблағ ажратилди. Бу кўмак миллий дастурларни амалга оширишга қаратилди. Фаолиятнинг белгиланган истиқболли йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- камбағалликни бартараф қилиш ва яшаш тарзини яхшилаш;
- маҳаллий ва минтақавий тараққиёт;
- ижтимоий соҳа ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш;
- иқтисодиётни ва бошқарувни ислоҳ қилиш;
- демократлашув ва бошқарув тузилмаларини йўлга қўйиш (фуқаролик жамиятини муҳофаза қилиш, ижтимоий мулоқот ва демократлашув, юридик ислоҳотлар ва ҳукуқий давлатни, маҳаллий маъмуриятни ва маҳаллий молиявий бошқарувни тартибга солиш);
- савдо ва бозор иқтисодиёти соҳаларида белгилаб қўйилган ислоҳотларни ўтказиш ва маъмурий ҳокимиятни мустаҳкамлаш.

Минтақавий дастурлардан кўзланган асосий мақсад Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатлари ва минтақавий ҳамкорликни қўллаб-куватлашдан иборат. 94,2 миллион евродан ортиқ маблағ ушбу соҳага ажратилган. TACIS доирасида Ўзбекистон ЕИнинг ВОМСА (Чегара зонаси бошқаруви), CADAP наркотрафик устидан назорат), TRACEKA (транспорт), INOGATE (энергия) ҳамда TEMPUS (таълим) ва INTAS (фан) каби минтақавий дастурлари қатнашчиси ҳисобланади.

Ўзбек ташкилотлари халқаро мақомдаги кўмак дастурларига ҳам аъзо:

- инсон ресурсларига сармоя йўналтириш (касалликлар, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, иш билан таъминлаш, ёшлар масалалари);
  - экология;
  - нодавлат ташкилотлар, тараққиётда маҳаллий бошқарувнинг роли;
  - озиқ-овқат хавфсизлиги;
  - миграция ва бошпана масалалари;
  - демократия ва инсон ҳукуқларининг таъминланиши.

ЕИ кенгаши томонидан 2007 йил 31 майда қабул қилинган ҳужжат ЕИ Марказий Осиё ва, хусусан, Ўзбекистонда амалга ошираётган фаолияти негизларини белгилаб беради. Ушбу юридик ҳужжатда ЕИ шу давргача ўз фаолиятида кузатилган “четда қолганликка” чек қўйишга қарор қилди. Марказий Осиё мамлакатларига умумий ёндашув кучайибгина қолмай, Европа эндилиқда минтақанинг беш мамлакати ҳаётида муҳим роль ўйнашга киришди.

Бугунги кунда, Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ва савдо ҳамкоридир. 2009 йил якунларига кўра, ўзаро ташқи савдо қўлами 2008 йилга қараганда 80 фоизга ошиб, бу кўрсаткич 2 миллиард АҚШ доллариға яқин суммани ташкил қилди. Шунингдек, 800 га яқин ўзбек корхоналарида Европа капитали улуши мавжуд. Мамлакатда ЕИнинг 300 га яқин корхоналари фаолият олиб бормокда.

Ҳозирда 24 та қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Уларга ажратилган молиявий маблағ 66 миллион европни ташкил этади. Улар орасида 8 та лойиҳа минтақавий, 16 таси эса миллий дастурлардир.

## **9. Франциянинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортмоқда**

Франция Ўзбекистон муносабатлари бугун пайдо бўлган эмас. XIV аср охирига келиб, турклар насроний каолицияни Никополисда мағлубиятга учратиб, Константинополга хавф сола бошлади, бироқ шаҳарга Амир Темур ёрдами етиб келди. Аслини олганда, Грузияда Боязид чорловига Темур Византия императори, венецияликлар, генуяликлар ва француз маршали Бусико томонидан тузилган иттифоқ илтимосига ижобий жавоб қайтарди. Темур ва европаликлар ўртасида йигирмага яқин дипломатик учрашувлар (алоқалар) амалга оширилди ва шундан сўнг Темур ҳозирги Анқара яқинидаги жангда, 1402 йил июль ойида, турк қўшинини тор-мор келтирди. Франция қироли Шарл VI Амир Темур томонидан жўнатилган чет эллик, келиб чиқиши доминиканлик бўлган, Султония архиепископи ва Жан III номини олган элчини қабул қилди. Шарл VI га жўнатган хатида Амир Темур “дунё савдогарлар фаолияти туфайли гуллаб-яшнайди деган фикрга қарши чиқиш бефойда” деган ҳолда, ўзи ишғол этган юртларда насроний савдогарларининг эркин равишда ҳаракат қилишлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтган. Афсуски, ушбу таклиф ташаббускори бўлган Темур вафотидан сўнг Марказий Осиё ва Европа ўртасидаги эркин савдо лойиҳаси амалга ошмай қолди. Энг ачинарлиси, унинг ўлими Европа ва Марказий Осиё ўртасида ўрнатилган алоқаларнинг бутунлай узилиб қолишига олиб келди.

Сиёсий нуктаи назардан, Франция Ўзбекистон мустақиллигини тан олиш учун кўп вақт сарфламади (1992 йил 3 январь). Икки томонлама дипломатик муносабатлар 1992 йил 21 февралидан йўлга қўйилди.

1993 йил октябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Францияга қилган давлат ташрифи ўзбек-француз алоқаларининг муҳим пойдевори вазифасини ўтади. 1994 йил апрель ойида эса Франция Президенти Франсуа Миттеран Ўзбекистонда расмий ташриф билан бўлди. Шунингдек, 1996 йил апрелида,

Президент Ислом Каримов Францияга яна бир бор расмий ташриф буюрди.

Франция ва Ўзбекистон учун Ташқи ишлар вазирлари мулоқоти ва турли даражадаги вакилларнинг ўзаро ташрифлари доимий ҳолга айланди. Сиёсий маслаҳатлашувлар доимийлик касб этган. Ушбу учрашувларнинг бешинчи босқичи 2009 йил Тошкентда бўлиб ўтди.

Парламентлараро алоқалар ҳам жадал равишда ривожланмоқда. Француз парламенти делегациялари Ўзбекистонда 1996 йил апрелида, 1997 йил сентябрида, 2000 йил октябрь ойида, 2001 йил апрелида, 2003 йил сентябрида, 2004 йил майида, 2007 йил октябрь-ноябрида ва 2008 йил сентябрида расмий ташриф билан бўлдилар. Ўзбек Сенати делегацияси Илгизар Собиров бошчилигига Францияга 2006 йил ноябрь ойида ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегацияси Францияга 2010 йил июнь ойида расмий ташриф уюштириди.

Парламентлараро “Франция ва Марказий Осиё”, “Франция ва Ўзбекистон” ишчи гурӯхлари француз Миллий Ассамблеяси ва Сенати замирида тузилган. 2008 йил 26 марта ўзбек Сенати қошида француз Сенати билан ҳамкорлик қилиш парламентлараро гурӯхи тузилди. 2010 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси куйи палатаси қошида ҳам Ўзбекистон–Франция дўстлик гурӯхи ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг омбудсмани ва Франция медиатори институтлари ўртасида ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Инсон хуқуқлари бўйича делегация раҳбари Сайёра Рашидова ҳам Францияга икки маротаба – 2004 йил июль ойида, 2008 йил сентябрь ойида ташриф буюрди. Ўз навбатида, Франция медиатори Жан-Пол Делевой Ўзбекистонда 2008 йил июнь ойида расмий ташриф билан бўлди. Бу ташрифи мобайнида икки институт орасида ҳамкорлик шартномаси имзоланишига эришилди.

Бизнинг ҳарбий ҳамкорлигимиз 1999 йилги мудофаа соҳасидаги ҳамкорлик шартномасига таяниши мумкин. 2000 йил июль ойида қурол-яроғ етказиб бериш соҳасида ҳам бир тўхтамга келинди. Ушбу омиллар туфайли ҳам Франция ўзбек офицерларнинг, хусусан, тоғ ёнбағри шахсий таркиби аскарларини тайёрлаш фаолиятида иштирок этди.

Иқтисодий соҳада Франция билан шерикчилик алоқаларининг мустаҳкамланиши Ўзбекистон учун стратегик мақсадлардан бири. Охирги йилларда ўзбек-француз ҳамкорлигининг деярли барча соҳаларида икки томонлама муносабатларнинг ривожланиши кузатилмоқда.

Савдо ва инвестиция шартномалари салоҳияти ошмоқда. Бунда иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги ўзбек-француз ҳукуматлараро ишчи гурухи мухим ўрин тутганини қайд этиб ўтиш жоиз. Ушбу гурухнинг учинчи мажлиси 2007 йил март ойида Парижда муваффақиятли бўлиб ўтди. Гурухнинг тўртинчи мажлиси эса 2010 йил июль ойида Тошкентда, Ташқи Савдо масалалари бўйича Франция Давлат котиби ташрифи доирасида ўтказилди.

Ўзаро алоқларнинг жадаллашуви ташқи савдо қўламини оширибгина қолмай, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг фаоллашувига олиб келди. Соң жиҳатидан эса, импорт ва экспорт кўрсаткичлари натижаси ўлароқ катта ўсиш кузатилмоқда.

Хозирги кунда француз сармояларининг Ўзбекистон худудида доимий равишда ошишини таъкидлаш мумкин. Зеро, мамлакатда мавжуд француз корхоналари фаолият доираси кенгайиб бораётгани айни ҳақиқат. Эндиликда Ўзбекистонда 16 та қўшма корхона, 15 аккредитациядан ўтган француз вакиллик корхоналари мавжуд бўлиб, улар орасида йирик Европа молиявий гурухларидан бири Société Générale банки ҳам ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги молиявий ва техник ҳамкорлик ўзбек қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга қаратилган қўшимча лойиҳалар туркумини амалга оширишда мухим қадам ташлаши лозим. Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги “Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида”ги шартнома Франция ва Ўзбекистон ўртасида қулай савдо тизимини йўлга кўйишига ёрдам берди.

### **Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги савдо айирбошлиш (млн. АҚШ доллари ҳисобида)**

Йил	Савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Салдо
2004	76,3	32,4	43,8	-11,4
2005	132,7	89,2	43,5	+45,7
2006	131,9	87,1	44,8	+42,3
2007	321,9	265,3	56,6	+208,7
2008	203,9	133,1	70,8	+62,3
2009	189,6	119,3	70,3	+44,0

*Манба: Ўзбекистон Республикаси элчихонаси*

Маданий ва ижтимоий соҳада Ўзбекистон Франция муносбатлари, табиийки, самарали ҳамкорликка асосланган. Шунингдек, Самарқанд ва Лион, Бухоро ва Руэй-Малмезон, Хива ва Версалъ шаҳарлари ўртасида шерикчилик ва биродарлик алоқалари ўрнатилган.

Францияда Темурийлар тарихи ва санъати ҳамда француз-ўзбек алоқаларини ўрганиш ассоциацияси ва Франция Авиценна ассоциациясининг ташкил этилганлигини алоҳида тилга олиб ўтиш мумкин. Ўзбекистондаги Франция элчихонаси қошидаги Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази ва “Ўзбекистон–Франция” дўстлик ассоциацияси маданий ва гуманитар муносабатларни ривожлантириш йўлида фаолият олиб бормоқдалар.

Ушбу динамизм олий таълим соҳасида ҳам ўз мевасини бермоқда. Кўпгина ўзбек университетлари Пантеон–Сорбонна Университети (Париж I), Париж–Сорбонна Университети (Париж IV), Париж–жануб Университети (Париж XI), Ницца София Антиполис Университети, Бретания–жануб Университети, Тулузса Сиёсий фанлар Институти, Шарқ тиллари ва маданияти Миллий Институти каби олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик келишувларини имзолаган.

2007 йил августда Ўзбекистон Фанлар Академияси ва Франция Илмий тадқиқотлар миллий маркази (CNRS) ўртасида ўзаро ҳамкорлик келишуви имзоланди. Шерикчилик алоқаларига Самарқанддаги Афросиёб ва Кўктепа, мамлакат жанубидаги Сурхондарё вилоятидаги Дарбанд қадимий манзилгоҳларига бағишлиланган қўшма археологик лойиҳаларни ҳам мисол қилиш мумкин.

Ўзбекистонда француз тили таълимига катта эътибор қаратилади. Ҳозирда, 35 мингга яқин ўқитувчи ва мураббийлар 500 000 га яқин ўқувчи ва талабаларга 1 500 та ўрта таълим муассасаларида ва олий ўқув юртларида француз тили сабогини бермоқдалар.

Афсуски, Францияда, аҳолининг катта қисми Ўзбекистон воқелиги ҳақида етарли маълумотга эга эмас. Бу жабҳада ўз мамлакатлари ютуқлари билан бир қаторда муаммолари билан ҳам оммани кенг таништираётган ўзбек дипломатларига таҳсин айтсак арзиди. Шу билан бир қаторда, французлар ўзбек дипломатияси икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик келажагига катта ишонч билдираётганидан факат мамнундирлар. Биз ушбу дипломатлар ва, умуман, уларнинг ватандошлари Франция ҳақида қимматли маълумотларга эга эканликларидан фахрланамиз. Эндиликда, биз уларни бу йўлдан барқарор ривожланиб боришлари учун конструктив муносабатларни ўрнатишимиш лозим.

## **10. Афғон муаммосини ҳал қилишда голлистча ёндашув**

Ўзбекистон Афғонистондаги 2010 йил ёз фасли бошидаги ҳарбий ва сиёсий вазиятдан хавотирда экани маълум.

1993 йилдаёқ, БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов диний экстремизм ва халқаро терроризм келтириб чиқараётган таҳдидга қарши

курашда дунё ҳамжамиятини бирдамликка чақирди. Афғонистон ҳудудидаги ташқи интервенция сиёсати мамлакатдаги вазиятнинг издан чиқишига тўсқинлик қила олмади. Бугунги кунда, Қобул ҳукумати давлат ҳудудининг фақатгина маълум қисмида назоратни ўрнатган, холос. Мамлакат ҳудудида товарлар ва инсонларнинг эркин ҳаракати таъминланмаган. БМТ аралашувига қарши норозиликлар авж олмоқда. Маҳаллий аҳолининг “босқинчи” тамғасини олган чет эл ҳарбий отрядларини қўллаб-қувватлаш даражаси пасайиб кетмоқда ҳамда Афғонистон героин ишлаб чиқарувчи биринчи рақамли мамлакатга айланди, унинг бир ўзига ушбу маҳсулотнинг дунё бўйича 97 фоизи тўғри келади.

2008 йил Бухарест шаҳрида НАТО, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва БМТнинг Мингийиллик ривожланиш дастури (2010 йил сентябрь) саммитларида Президент Ислом Каримов афғон масаласини қуч ишлатиш ёки ҳарбий аралашув билан ҳал қилиб бўлмаслигини қайд этиб ўтди. Бу нутқлар биз французларга Генерал Шарл де Голлнинг Пном Пенданги Америка маъмуриятини тинимсиз ўқ очиш ва жанубда Вьетнам аскарларига ҳужум уюштиргандан кўра, Ханой раҳбарияти билан музокара олиб боришига чақирган сўзларини эслатади.

Афғон масаласида Ўзбекистон Республикаси Президенти таклиф қилган янги ёндашувга биноан, афғон ҳалқи яшаш даражасининг яхшиланиши, у ерда замонавий барқарор иқтисодий инфраструктура яратилиши учун ташқи иқтисодий ёрдам зарур. Фақат шу ёрдамгина мамлакатни буткул инқироздан олиб чиқиши мумкин.

Ислом Каримов томонидан ўртага ташланган стратегия нафақат 1990 йилларда муваффақиятли фаолият олиб борган “6+2” мулокот гурӯҳи фаолиятининг ислоҳ қилинган шакли, балки янги таркибида афғон тупроғида ҳарбий операциялар олиб бораётган НАТО ҳам мавжуд бўлган “6+3” мулокот гурӯҳидир. БМТ Бош Ассамблеяси 5-сессияси давомида ушбу гурӯҳ вакилларининг Тошкентдаги йиғилишида, биринчи марта ташкил этилишига қарамасдан, афғон ҳукуматига оппозицияда бўлган вакиллари билан музокаралар столига ўтириш каби ўзига хос дипломатик ютуққа эришилди. Шунингдек, ўзбек ҳукумати 2002 йил декабрь ойида ўзбек-афғон чегарасида “Хайратон” кўпригини, 2003 йил эса “Айритом” божхона мажмуасини ишга туширди. Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш қайта йўлга қўйилиб, Айритомдан ўтувчи Термиз–Мозори Шариф темир йўлининг қурилиш лойиҳаси ҳаётга татбиқ этила бошланди.

## **11. ЮНЕСКО доирасидаги намунавий дипломатия ва “High-Tech”**

Ўзбекистон Республикаси доимий равишда ЮНЕСКО билан ҳамкорликка катта аҳамият бериб келмоқда. Сўнгги йилларда, бу икки

халқаро субъект ўртасидаги муносабатлар янада мустаҳкамланиб, янги босқичга кўтарилиди.

Ўзбекистон ЮНЕСКОга 1993 йил 26 октябрида аъзо бўлган ва ташкилотнинг деярли барча дастурларида иштирок этмоқда. 1993 йилдан бери, ЮНЕСКО билан ҳамкорлиқда Ўзбекистон Амир Темурнинг 660 йиллиги, буюк ҳадисшунос Имом Ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллик, ҳамда Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700 йиллик юбилейларини нишонлади.

1995 йилда ЮНЕСКО ўнта мамлакат томонидан Самарқандда Марказий Осиёни ўрганиш Халқаро Институти ташкил этилишига кўмаклашди. 2006 йил 8 сентябрда ЮНЕСКО бош котиби Коичиро Матцуура Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қабул қилиб, “халқлар ўртасида дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлашга, динларо ва маданиятларо мулоқот тараққиётига қўшган ҳиссаси, ҳамда таълим тизимиға бағрикенглик тамойилини олиб киргани учун” “Боробудур” олтин медали билан тақдирлади.

2007 йил ЮНЕСКО Самарқанд шаҳрининг дунё миқёсида нишонланган 2750 йиллик юбилейига атаб маҳсус олтин медални муомалага чиқарди. 2009 йил апрелида ЮНЕСКО қароргоҳида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига бағишлиб уюштирилган тантанали йиғилиш муносабати билан, ташкилот аъзолари Тошкентнинг жаҳон тамаддуни тарихига қўшган улкан ҳиссаси ва унинг Марказий Осиё минтақасидаги дипломатик, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўрнига юқори боҳо бердилар.

Ўзбекистоннинг 4 та қадимий ансамбллари жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган: Иchan Қалъа (1990), Бухоро шаҳрининг тарихий маркази (1993), Шаҳрисабзнинг тарихий қисми (2000) ва Самарқанд – маданиятлар чорраҳаси (2001). Самарқанд шаҳри ташкилот нашрларида “маданиятлар чорраҳаси ва маскани” деб эътироф этилади. Шунингдек, Бойсун маданияти, “Шашмақом” ва “Катта ашула” мусиқа асарлари, баҳор байрами Наврӯзни нишонлаш анъаналари инсоният номоддий маданий мероси шоҳ асарлари сирасига киритилган.

ЮНЕСКО таълим, фан ва маданият соҳаларидағи фаолиятни ривожлантириш учун техник ва молиявий ёрдам кўрсатмоқда. Мисол қилиб Самарқандда қоғозчилик, Марғилонда маточилик (олабахмал, атлас, адрес), Бухоро ва Хивада гиламчилик, Тошкентда кулолчилик каби Ўзбекистоннинг анъанавий ҳунармандчилик соҳаларини қайта тиклашга ва йўлга қўйишга қаратилган лойиҳаларини келтиришимиз мумкин. ЮНЕСКО Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Хива юрагида жойлашган Иchan Қалъа меъморий ансамбли, Фаёз тепа будда ёдгорликлари каби бутун дунёга машҳур маданий меросни асрараш ва қайта тиклаш ишларида ҳам фаол қатнашмоқда.

ЕРТнинг халқаро ҳисоботига кўра (2002), ушбу мамлакат ёшлар орасида саводхонлик даражаси хусусидаги мақсадларига ва “Таълим барча учун дастури” доирасида жинслар тенглигига эришди. Ўзбекистон “Label d’exellence” (Мукаммаллик белгиси) шерикчилик дастурининг аъзоси бўлиб, мазкур дастурнинг мақсади анъанавий ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг савдоси устидан сифат назоратини ўрнатишга қаратилган.

Таълим ва маданий соҳадаги лойиҳалардан ташқари, Ўзбекистон ташкилотнинг экотизимлар ва сув захираларидан фойдаланишга мўлжалланган дастурларида ҳам фаол қатнашмоқда. Бу дастурларда Ўзбекистоннинг иштироки Орол денгизи ва Амударё қирғоқларида истиқомат қилувчи аҳолининг экологик тизимининг бузилиб бориши хавфи олдини олишга қаратилгандир.

2009 йил Ўзбекистон 2009–2013 йилларда ЮНЕСКОнинг Ижроия Кенгashi аъзоси сифатида сайланди.

ЮНЕСКО бош қароргоҳининг Париж шахрида жойлашганлиги бу халқаро ташкилотнинг Марказий Осиё ва, хусусан, Ўзбекистон воқелигини Франция аҳолиси ва бутун дунёга янада яхшироқ таниширишда кўмаклашмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, Лола Каримова–Тиллаева Жаноби Олиялари “Ўзбекистон 2020” лойиҳасини ўртага ташлади. Бу кўмак жамғармасининг бош мақсади Ўзбекистон ва Ғарбий Европа ўртасида ижтимоий, интеллектуал ва маданий алоқаларни ривожлантириш ҳисобланади. Ушбу жамғарманинг расман очилиши 2009 йил 8 апрель куни Париждаги Замонавий санъат музейида бўлиб ўтган маросимида эълон қилинди. У, асосан, қуйидаги муҳим соҳалардаги лойиҳаларни ишлаб чиқади ҳамда қўллаб-куvvatлайди: гуманитар соҳа, болаликни муҳофаза қилиш ва таълим тизими соҳаси, маданий соҳа ва сайёҳликка йўналтирилган соҳалар. Фонд ўз олдига қўйган бош вазифа мамлакатни 2020 йилга келиб бетакрор маданият марказига айлантиришдир. Ташкилот спорт, таълим ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ташабbusларни рағбатлантириш ишларини ҳам олиб бормоқда. Шунингдек, жамғарма европалик ва ўзбекистонлик мутахассисларга илмий саёҳат ва учрашувлар ташкиллаштириш баробарида, билим ва тажриба алмашинувига хизмат қилувчи барча таклифларни инобатга олиб, уларни амалга ошириш жараёнига кўмаклашади. Маданий соҳага келганда, ташкилот, биринчи навбатда, Марказий Осиё ва Ғарбий Европа маданиятларини турли кўргазмалар, конференциялар, концертлар, кечалар орқали яқинлаштиришни асосий мақсад деб билади.

Яқинда, Лола Каримова–Тиллаева халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистоннинг интеллектуал ва маданий меросига бўлган қизиқишини

ошириш мақсадида оммага Iphone ўлчамидаги апликацияларни тақдим этди. UZ UNESCO деб номланган мазкур апликация дунёда ягона ҳисобланади. Бу ЮНЕСКОнинг миллий делегациялари томонидан яратилган шу турдаги биринчи апликациядир. UZ UNESCO бош саҳифасини оддийгина бир маротаба босиш орқали, Ўзбекистонга алоқадор барча жабхалардаги маълумотлар оламига кириш имконини беради.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили таъкидлаганидек: “ушбу Iphone UZ UNESCO апликациясида биз дунёнинг қадими маданиятларини дунёга танитиш ва рағбатлантириш учун энг замонавий ахборот технологияларидан фойдаландик. Буюк ипак йўли, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хиванинг меъморий гўзалликлари, мамлакатимизнинг йилнинг барча фаслидаги тақрорланмас гўзal чиройи ва, умуман олганда, бизнинг маданий меросимиз жаҳон миқёсида ўзини кўз-кўз этмоқда ва XXI аср билан юзлашиб бормоқда”.

### **VIII бобга доир савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистон–Россия муносабатлари ҳақида гапиринг.
2. Кўп қутбли дунё концепциясини тушунтириб беринг.
3. Ўзбекистон–АҚШ муносабатларини таҳлил қилиб беринг.
4. Ўзбекистон–Хитой ўзаро алоқалар ривожини таснифланг.
5. Ўзбекистоннинг Жанубий Корея ва Япония билан ўзаро алоқалари ҳақида гапиринг.
6. Минтақавий ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида гапиринг.
7. Минтақа давлатларининг ўзаро ҳамкорлигига асосий тўсиқлар нималардан иборат.
8. Минтақавий ташкилотлар ва Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ҳақида гапиринг.
9. Ўзбекистон ва ЕИ ўзаро муносабатлари ҳақида гапиринг.
10. Ўзбекистон ва Франция муносабатларининг истиқболлари ҳақида гапиринг.
11. Афон муаммоси ва уни ҳал этишда Ўзбекистоннинг ролини таҳлил қилиб беринг.
12. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО доирасидаги ҳамкорлигига мисол келтиринг.

## ХУЛОСА

*Глобал макон ўзига хос сиёсий лойиҳани кутаётган техник реалликдир; зеро, техник воситалар жуғрофий манзилларни тобора яқинлаштирган сари маданий манзиллар янада муҳим аҳамият касб этиб боради ва кишиларнинг бағрикенг бўлишилари учун инсонпарвар лойиҳа ишилаб чиқишини тақозо этади.*

Доминик Волтон

Шундай қилиб янги Ипак йўли қурилмоқда. Энергия манбаларини истеъмол қилувчи катта кучлар учун Транс-Осиё транспорт инфратузилмалари, хусусан, нефть ва газ қувурлари жуда фойдали ҳисобланади. Бунга замонавий рақамли технологиялар тизимини ҳам қўшиш мумкин.

Бирок, шу билан биргаликда, Марказий Осиёда янги «катта ўйин» ҳам тобора жадаллашиб бораётганини кузатиш мумкин. XIX асрда буфер мамлакат ҳисобланган Афғонистоннинг барпо этилиши рус чоризми ва инглиз империализми ўртасида ўзаро зиддиятларни олдини олишда муҳим роль ўйнади. Бугунги кунда, Қирғизистондаги муаммоларнинг мавжудлигига қарамасдан, янги «катта ўйин» уч томонлама кўринишга эга бўлиб, кўп қутбли дунё тақозо этмоқда.

Россия минтақадаги ўзининг гегемонлик салоҳиятини йўқотгач, ўз баёнотларига эҳтиёткорлик билан қарайдиган ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг фикрини инобатга оладиган бўлди.

Ўзининг Афғонистондаги ва Ироқдаги хатолари билан ўралашиб қолган ва Эрондан хавфсирай бошлаган АҚШ ҳукумати Тошкентнинг янгидан ошиб бораётган дипломатик ва геостратегик аҳамияти билан қизиқмоқда.

Хитойга келадиган бўлсак, ҳаммага маълумки, бутун Марказий Осиё минтақаси Хитой учун янгидан муҳим савдо ва стратегик аҳамият касб этмоқда. Шинжондаги ва Қирғизистондаги уйғурлар масаласи ҳам жуда долзарблигича қолмоқда.

Ўзбекистоннинг ички сиёсатига келадиган бўлсак, собиқ социалистик тузум, Москванинг буйруғи асосида иш қўрган мамлакат ўзининг ички органлари ва давлат бошқарувида демократик тамойилларни жадаллик билан жорий эта бошлади, айниқса, инсон ҳуқуqlари масаласига алоҳида эътибор қаратди. Мисол сифатида 2 та масалага эътибор бериш лозим, биринчидан, мусулмон миллатига мансуб халқлар яшайдиган мазкур давлатда ўлим жазоси бекор қилинди. Иккинчидан, сиёсий партиялар роли тобора ошиб бормоқда, ижро ҳокимияти қўппартиявиийлик ва демократик бошқарувни сиёсий барқарорлик ва ижтимоий тараққиётнинг бош мезонлари эканлигини жуда яхши англаш олди.

Албатта, айримлар демократик ислоҳотларни янада жадал амалга ошиши лозимлигини таъкидлайдилар. Бироқ, биз Ўзбекистон учун исломий ҳаракатларнинг хавфини ва Афғонистон билан чегарадош эканлигини тан олишимиз лозим. Бундан ташқари, демократиянинг барча тамойилларига асосланган ҳолда Ўзбекистон ўзининг маданий ва анъанавий қадриятларини ҳам жуда усталик билан асраб-авайлаб келмоқда. Демак, демократия сари бориш учун халқнинг иродаси ва хоҳишига қараб бориш лозим, бунда ривожланган мамлакатларнинг мазкур масаладаги тажрибаларини инобатга олиш зарур. Оддий донишмандлик ҳам ана шунда!

2010 йил ёзида Қирғизистонда содир бўлган воқеалар тинч-тотув яшаётган Ўзбекистон учун қандай хавфлар борлигини яна бир карра кўрсатиб берди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўзбек халқи ўз қўшниларига ўзаро дўстлик ва ҳурмат, етакчи давлатлар билан ҳам самимий муносабатларни ўrnата олди. Унинг Япония ва Жанубий Корея, Россия, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, мамлакатлари билан муносабатлари жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Европа Иттифоқи ва, айниқса, Франция билан муносабатлари қўплаб соҳаларда таракқий этиб бормоқда ва самарали ҳамкорлик сари жадал ривожланмоқда.

Умуман олганда, Тошкент бир вақтнинг ўзида конструктив, объектив ва прагматик дипломатиянинг пойтахтига айланди. Президент Ислом Каримовнинг афғон муаммосини қурол-яроғ йўли билан эмас, балки тинч йўллар билан ҳал этиш борасидаги ташабуссларини эътироф этиш лозим. Французлар назарида бундай қараш голлистча қараш бўлиб кўриниши мумкин, бунда генерал Шарль де Голлнинг 1966 йилда Пном Пендаги машҳур маърузасини эслашнинг ўзи кифоя. У АҚШни Вьетнам можаросини қурол йўли билан эмас, балки дипломатик йўллар орқали ҳал этиш лозимлигига кўндиришга ҳаракат қилган эди.

Шу каби барча воқеликлар юртдошларимизни ўзбек миллатини янада чукурроқ танишга, билишга ва тушунишга бўлган хоҳишлиарини оширади. Шу муносабат билан, Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси олиб бораётган мустаҳкам ва самарали сиёsatдан ташқари мазкур давлатнинг ЮНЕСКО қошидаги Доимий ваколатхонасининг саъй-ҳаракатлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Уларнинг энг замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ғарбликларни ва бутун жаҳон аҳлини Ўзбекистоннинг мингийиллик маданий мероси билан таништиришлари бизда чуқур қизиқиш ва ўзига хос ҳайрат уйғотди.

## **ЎЗБЕКИСТОН РАҚАМЛАРДА (2009 ЙИЛ)**

### **ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ**

Ер майдони : 447 400 км

Шимол-жануб ўртасидаги масофа: 930 км

Фарб-шарқ ўртасидаги масофа: 1425 км

Баланд чўққиси : Аделунга тоғи (4301 м.)

### **АҲОЛИСИ**

Аҳоли сони: 29 миллион

Аҳоли зичлиги: 1 км<sup>2</sup> да 62 киши

Пойтахти: Тошкент

Катта шаҳарлари: Тошкент, Наманган, Андижон, Самарқанд, Нукус, Бухоро, Қарши, Фарғона, Марғилон, Навоий, Жиззах, Урганч, Термиз, Шахрисабз, Қўқон, Гулистон, Хива

Табиий ўсиш кўрсаткичи: 1,8 фоиз

Туғилиш кўрсаткичи: 22 фоиз

Ўлим даражаси: 5 фоиз

Болалар ўлеми даражаси: 21 фоиз

Ҳосилдорлик даражаси: 2,4

Ўртacha умр кўриш узунлиги: 73 ёш

### **ЖАМИЯТ**

Инсон тараққиёти индекси: жаҳонда 107 ўринда

Саводхонлик даражаси: 99,3 фоиз

Бошланғич саводхонлик даражаси: 93,2

Шаҳарда яшовчи аҳоли: 40 фоиз

Дин: Ислом суннийлари (90 фоиз), христиан проваславлари (9 фоиз), яхудийлик

### **ИҚТИСОДИЁТ**

Пул бирлиги: ўзбек сўми

Инфляция даражаси: 7,4 фоиз

Ялпи ички маҳсулот: 32,816 млрд. АҚШ доллари

Иқтисодий ўсиш даражаси: 8,4 фоиз (2010 йил)

Аҳоли жон бошига даромад: 1100 АҚШ доллари

ЯИМда қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси: 23 фоиз

ЯИМда саноатнинг ҳиссаси: 31 фоиз

ЯИМда хизматларнинг ҳиссаси: 46 фоиз

Ишсизлик даражаси: 7 фоиз

Импорт: 9438,3 млн.доллар

Экспорт: 11 771,3 млн доллар

Ўзбекистоннинг Францияга экспорти: 141 млн. евро  
Франциянинг Ўзбекистонга экспорти: 52 млн.евро

## **БОШҚАРУВ**

Маъмурий-худудий бўлиниш: 12 та вилоят, 121та шаҳар ва 163 туман

Давлат бошқаруви: президентлик

Давлат тили: ўзбек тили

Махсус тиллар: ўзбек ва рус тиллари

Сўзлашув тиллари: ўзбек, рус, тоҷик, қозоқ, туркман, қирғиз.

## АЙРИМ ХРОНОЛОГИК САНАЛАР

Мил.авв. 2200–1700 йиллар – Амударё атрофига илк цивилизацияларнинг пайдо бўлиши

Мил.авв. 1700 йил – Сўғдлар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига келиб жойлашдилар

Мил.авв. VI аср – Форс аҳамонийлари сатрапликларга асос солдилар

Мил.авв. 329 йил – Искандар Зулқарнайн Самарқанд томон юриш қилди

Мил.авв. 190 йил – Ҳинд-Юнон подшолигининг вужудга келиши

115 йил – Парфияликлар Бақтрия сакларини қувиб чиқардилар

II аср – Буюк ипак йўлига асос солиниши

224 – Форс Сосонийлар династиясига асос солиниши

712 – Араблар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини эгаллаб олдилар

751 – Талас жанги

IX аср – Араб-мусулмон тамаддунининг бошланиш даври

1040 – Салжуқийлар Қорахонийлар ўрнида ҳокимият тепасига келдилар

1220 – Бир неча минг аскарлари билан Чингизхон ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини эгаллаб олди

1347 – Чиғатой улусининг тугатилиши

1336 – Амир Темурнинг дунёга келиши

1405 – Амир Темурнинг вафот этиши

1429 – Абулхайрхон Ўзбек улуси номи билан барча кўчманчи шайбонийларни бирлаштирди

1511–1514 – Бобур Самарқандни эгаллади

1512 – Хива хонлиги даврининг бошланиши. У ислом дунёсининг марказлари сифатида гуллаб-яшнади

1599 – Бухоро хонлигининг бошланиш даври

1709 – Кўқон хонлиги даври бошланди

1867 – Тошкент Туркистон генерал губернаторлиги қароргоҳига айланди

1868 – Бухоро амирлиги рус протекторатига айланди

1873 – Хива хонлиги рус империяси таркибига қўшиб олинди

1876 – Кўқон хонлиги руслар томонидан эгаллаб олинди

1884 – Рус қўшинлари Марв шаҳрини эгаллаб олдилар

1885 – Руслар Панж воҳасини эгалладилар (Афғонистон чегараси)

1895 ва 1907 – Рус-инглиз битими (2 та). Унга кўра, рус империяси Помир ўлкасига эгалик қилди ва Ваҳан водийсидаги коридор (йўлак) орқали Афғонистонни буфер мамлакатга айлантирди

1897 – Андижонда русларга қарши қўзғалон

1916 – Тошкентда русларга қарши қўзғалон ва унинг шафқатсизларча бостирилиши

1917 – Миллатпарварлар мустақил Кўқон давлатига асос солдилар. Қизил армия томонидан бу давлатнинг йўқ қилиниши

1920 – Коммунист М.Фрунзенинг Тошкентга келиши минтақанинг руслар қўл остига ўтганидан далолат эди

1921–1922 – Марказий Осиёдаги очлик сабабли миллионлаб аҳоли нобуд бўлди

1922 – Анвар пошто бошлигидаги “босмачилик” қўзғалони коммунистлар томонидан бостирилди

1924 йил октябрь – Ўзбекистон СССР таркибида социалистик мамлакатга айланди

1936 – Қорақалпоғистон Автоном Республикаси ЎзССР таркибига қўшилди

1937–1938 – Кўплаб ўзбек раҳбарлари Сталин томонидан олиб борган қатағон қурбонига айланишди

1954 – Никита Хрушчёв бўз ерларни ўзлаштириш сиёсатини олиб борди

1966 йил 26 апрель – Тошкентда кучли ер силкиниши содир бўлди

1979 – Қизил армия Афғонистонни эгаллади

1991 йил 31 август – Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинди

1991 йил декабрь – МДҲ ташкил топди ва Ўзбекистон унинг аъзосига айланди

1991 йил 29 декабрь – И.Каримов президентлик сайловларида ғолиб чиқди

1992 йил 2 март – Ўзбекистон БМТга қабул қилинди

2000 йил 9 январь – Президент И.Каримов қайтадан сайланди.

2001 йил июнь – Ўзбекистон ШХТга аъзо бўлди

2006 йил август – Ўзбекистон КХШТга аъзо бўлди

2007 йил 23 декабрь – Президент И.Каримов президентликка қайтадан сайланди

2009 йил июнь–2010 йил июнь – Ўзбекистон ШХТга раислик қилди

2010 йил июнь – Қирғизистондаги ўзбек этник аҳоли қаттиқ таҳқирланди. Мазкур воқеалар минглаб қирғизистонлик ўзбекларни Фарғона водийсига қочиб ўтишга мажбур қилди.

## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасига кўра унинг миллий давлат рамзлари байроқ, герб ва миллий мадхия ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясида 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинди.

Давлат Байроғи рамзи мамлакат ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроқларига хос энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда, республика табиатига хос хусусиятларни, ҳалқнинг миллий ва маданий ўзлигини ҳам акс эттиради.

Байроқдаги ҳаво ранг – зангори осмон ва мусаффо сув рамзиdir. Мовий – ҳаво ранг Шарқда азалдан қадрланади, буюк Амир Темур ҳам ўз байроғига шу рангни танлаган.

Оқ ранг – тинчлик ва поклик тимсолидир. Ёш мустақил давлат ўз йўлида баланд довонлардан ошиб ўтиши керак. Байроқдаги бу ранг миллат йўлининг мусаффо ва чароғон бўлиши учун яхши ният рамзиdir.

Яшил ранг – сернеъмат ва оромбахш табиат тимсоли. Ҳозирги вактда бутун дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракати кенг ёйилмоқда. Унинг рамзи ҳам яшил рангdir. Айнан Амир Темур ўз байроғи учун ложувард рангни танлаган.

Ярим ой – ўзбек ҳалқининг кўп асрлик анъаналарига мувофиқ келади. Ярим ой ва юлдузлар – мусаффо осмоннинг ва тинчликнинг рамзлариidir.

Байроқда 12 та юлдуз тасвири бор. 12 рақами қадимдан мукаммаллик тимсоли ҳисобланади. Давлат Байроғи – ўзбек ҳалқининг ўтмиши, бугунги куни ва келажаги рамзиdir.

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида 1992 йил 2 июлда қабул қилинди.

Давлат Гербининг марказида тасвирланган – қанотларини кенг ёйиб турган Ҳумо қуши – баҳт-саодат ва эркесварлик рамзиidir. Буюк аллома Алишер Навоий Ҳумо қушини барча тирик мавжудотлар ичida энг саховатлиси деб таърифлаган.

Гербнинг юқори қисмида республика бунёдкорлиги рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Унинг ичida ярим ой ва беш қиррали нишон ифодаланган.

Қуёш тасвири – давлатнинг йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган яхши ният тимсоли. Айни пайтда у республикадаги ноёб табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб туради.

Бошоқлар – ғалланинг тимсоли. Оппоқ бўлиб очилаётган пахта чаноқлари тасвирланган ғўза шохлари – серқуёш юртнинг донгини бутун дунёга таратган асосий бойлик рамзидир.

Буғдой бошоқлари ва пахта чаноқларининг давлат байроғига ўхшаган лента билан ўраб қўйилганлиги – республикада истиқомат қилаётган халқлар яқдиллигининг тимсолидир.

Герб ранги тасвирда бўлиб, Хумо қуши кумуш рангда, қуёш, бошоқлар, пахта чаноғи ва «Ўзбекистон» деган ёзув тилла рангда; ғўза шохлари ва барглари, водийлар яшил рангда; тоғлар ҳаво рангда; чаноқдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда; Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи тасвирланган лента тўрт хил рангда берилган.

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 10 декабрь куни қабул қилинди. Мадҳия матни муаллифи Абдулла Орипов, унинг мусиқаси Мутал Бурҳонов томонидан басталаган.

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛарнинг логотиплари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)



Ўзбекистон Адолат социал-демократик партияси (АСДП)



Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЛДП)



Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (МТДП)



## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- ANQUETIL J., *Route de la Soie*, Lattès, Paris, 1986.
- ARIAC, *La Lettre d'Asie centrale*, Maison des sciences de l'homme, Paris.
- BADEL Pierre-Yves, *Marco Polo, La Description du monde*, Librairie générale française, 1998.
- BANUAZIZI W., *The New Geopolitics of Central Asia and its Borderlands*, Tauris, London, 1994.
- BARICCO Alessandro, *Soie*, traduit de l'italien par Françoise BRUN, Albin Michel, Paris, 1997 (édition originale : Seta, Milan, 1996).
- BARTHOLD W., *Histoire des Turc d'Asie centrale*, Adrien Maisonneuve, Paris, 1945.
- BATUTA Ibn, « Voyages et périples: l'Asie centrale », in *Voyageurs arabes*, Gallimard, la Pléiade, Paris, 1995, pp 706-742.
- BAUD A., FORêt Ph., GORSHENINA S., *La Haute Asie telle qu'ils l'ont vue, explorateurs et scientifiques de 1820 à 1940*, Ed. Olizane, Genève, 2003.
- BAYRON Robert, *The Road to Oxiana*, 1937 ; trad. Française: *La Route d'Oxiane*, plusieurs éd. Dont Payot, Paris, 2002.
- BIARNES Pierre, *Pour l'empire du monde. Les Américain aux frontières de la Russie et de la Chine*, Ellipses, Paris, 2002.
- BONAVIA Judy, Guide Olizane : *Route de la Soie – de Xi'an à Kashgar*, Editions Olizane, Genève, 2002.
- BOULINOIS Luce, *La Route de la Soie*, Arthaud, Paris, 1963. « Nouvelle Route de la Soie » in *Asie centrale. Aux confins des empires, réveil et tumulte*, pp.98-109, Ed. Autrement, Paris, 1992.
- BOULINOIS Luce, *La Route de la Soie : Dieux, guerriers et marchands*, Olizane, Genève, 2003.
- BRILL-OLCOTT M., *Central Asia's New States, Independence, Foreign Policy and Regional Security*, US Institute of Peace Press, Washington D.C., 1996.
- CAGNAT René et JAN Michel, *Le Milieu des empires*, Robert Laffont, Paris, 1981.
- CAGNAT René, *La Rumeur des steppes*, Payot, Paris, 2001.
- CARRERE D'ENCAUSSE Hélène, *Réforme et Révolution chez les musulmans de l'Empire russe*, Presse de la Fondation nationale des Sciences Politiques, 2<sup>nd</sup> édition., 1981.
- CARRERE D'ENCAUSSE Hélène, *Le grand défi : Bolcheviks et Nation, 1917-1930*, Flammarion, Paris, 1987.
- CHALIAND Gérard, *Les Empires nomades de la Mongolie au Danube*, Perrin, Paris, 1995.
- CHUVIN Pierre (éd.), *Les Arts d'Asie centrale*, Citadelles et Mazenod, Paris, 1999 (1860-1862), Phébus, 1991.
- DJALILI Mohamed-Reza et KELLNER Thierry, *Géopolitique de la nouvelle Asie centrale*, Presse universitaires de France, Paris, 2001.

- KEHREN Lucien, *La Route de Samarcande au temps de Tamerlan*, Imprimerie nationale, Paris, 1990.
- KHALID Adeeb, *The Politics of Muslim Cultural Reform, Jadidism in Central Asia*, California University Press, 1998.
- LACOSTE Yves (sous la dir. De), « Le Cercle de Samarcande », *Hérodote, revue de géographie et de géopolitique*, 2<sup>e</sup> trimestre 1997, N°84, Ed. La Découverte, Paris.
- MAALOUF Amin, *Samarcande*, Le Livre de Poche, Paris.
- MAILLART Ella, *Oasis interdites*, Payot, Paris.
- NALIVKIN V.P., Histoire du khanat de Kokand, Paris, 1889.
- OHAYON I., « L'Asie centrale soviétique dans la Seconde Guerre mondiale, un réceptacle des populations déplacées et punies en URSS », in GUEDJ F, e. a., *Le siècle des guerres*, Ed. de l'Atelier, Paris, 2004.
- OLIVIER Bernard, *La longue marche : de la Méditerranée jusqu'en Chine par la Route de la Soie*, 4 tomes, Phébus, Paris, 2001.
- PELLIOT Paul, *Recherches sur les chrétiens d'Asie centrale et d'Extrême-Orient*, II, 1. *La stèle de Si-Ngan-Fou*, Ed. de la Fondation Singer-Polignac, Paris, 1984.
- PETRIC B-M., *Pouvoir, don et réseaux en Ouzbékistan post-soviétique*, PUF, Paris, 2002.
- POLO Marco, *Le devisement du Monde*, 2 Vol., Maspero/La Découverte, 1982.
- POUJOL Catherine, « La construction du chemin de fer transcaspien au Turkestan de 1880 à 1917 : reflet des mentalités et conséquences », *Innovations technologiques et mentalités*, CNRS, Paris, pp.187-206,
- POUJOL Catherine, « Les relations entre l'Asie centrale et la Palestine ou les voies d'un sionisme affectif, 1793-1917 », *Cahiers du Monde russe et soviétique*, 1991, XXXII(1), janvier-mars, pp.33-42,
- POUJOL Catherine (sous la dir. de), *Asie centrale, Aux confins des empires, réveil et tumulte*, Editions Autrement, Paris, 1992.
- POUJOL Catherine, « L'islam en Asie centrale : la part des héritages, le prix des transitions », *Les études de la documentation française*, édition 1999, pp. 37-53,
- POUJOL Catherine, *Dictionnaire de l'Asie centrale*, Ellipses, Paris, juin 2001, *L'islam en Asie centrale : vers la nouvelle donne*, Ellipses, Paris, 2001.
- POUJOL Catherine, *Ouzbékistan. La croisée des chemins*, La Documentation française, Paris, 2005.
- RAPIN Claude, « Relations entre l'Asie centrale et l'Inde à l'époque hellénistique », in *Cahiers d'Asie centrale* N°1/2, *Inde-Asie centrale. Route du commerce et des idées*, PP.35-45, 1996.
- RASHID Ahmed, « The new Silk Road », in *Far Eastern Economic Review*, vol. 163, N°45, pp.28-30, 9 novembre 2000.
- RASHID Ahmed, *Asie centrale, champ de guerres. Cinq républiques face à l'islam radical*, trad. de l'anglais, Ed. Autrement frontières, Paris, 2002.

- DREGE Jean-Pierre, BÜHRER E.M., *La Route de la Soie : paysages et légendes*, Biblioarts, Paris, 1986.
- DREGE Jean-Pierre, *Marco Polo et la Route de la Soie*, Gallimard, Paris, 2006.
- FARALE Dominique, *De Gengis Kan à Quubilaï Khan. La grande chevauchée mongole*, 2<sup>e</sup> édition, Economica, Paris, 2003.
- FOUNIAU V., *Histoire de l'Asie centrale*, Que sais-je, PUF, Paris, 1994.
- FRANCFORT Henri-Paul, « Les pétroglyphe d'Asie centrale et la Route de la Soie », in *Les routes de la soie, Patrimoine commun, identités plurielles*, ed. UNESCO, Paris, pp.34-52, 1994.
- GOLDENCHTEIN Youri, *Samarcande-Boukhara-Chakhrisabz-Khiva*, ACR (Coll. Poche Couleur), Paris, 1995.
- GORSHENINA Svetlana, *La route de Samarcande. L'Asie centrale dans l'objectif des voyageurs d'autrefois*, Olizane, Genève, 2000.
- GORSHENINA Svetlana, *Explorateurs en Asie centrale, voyageurs et aventuriers, de Marco Polo à Ella Maillart*, Olizane, Genève, 2000.
- GROUSSET René, *L'Empire des steppes : Attila, Gengis Khan, Tamerlan*, Payot, Paris, 1989.
- GROUSSET René, *Les Conquérants du monde. Vie de Gengis Khan*, Albin Michel, Paris 1983.
- GUALIER S., JERA-BEZARD R., MAILLARD M., *Buddhism in Afghanistan and Central Asia*, Brill, Leyde, 1987.
- HOPKIRK Peter, *Bouddhas et rôdeurs sur la Route de la Soie*, Philippe Picquier, Arles, 1989.
- HOPKIRK Peter, *Foreign devils on the Silk Road*, J. Murray, London, 1980.
- HUGHE Edith et François-Bernard, *La Route de la Soie ou les empires du mirage*, Petite Bibliothèque Payot, 2006.
- JAN Michel, *Le voyage en Asie centrale et au Tibet. Anthologie des voyageurs occidentaux du Moyen Age à la première moitié du XX<sup>e</sup> siècle*. Introduction, chronologie, bibliographie, index de noms de personnes et de lieux établis par-, Robert Laffont, Paris, 1992.
- KARIMOV Islam, *Ouzbékistan, sur le chemin du développement des réformes économiques*, Carte Segrete, Paris, 1996.
- KARIMOV Islam, *L'Ouzbékistan à la veille du XXI<sup>e</sup> siècle, les menaces à la sécurité, les conditions de la stabilité et les garanties du progrès*, Ouzbékistan, Tachkent, 1997.
- KARIMOV Islam, *La grande spiritualité: une force invincible*, Tachkent, 2008.
- KARIMOV Islam, *The global financial economic crisis, ways and measures to overcome it in the conditions of Uzbekistan*, Ouzbékistan, Tachkent, 2009.
- KARIMOV Islam, *The outcomes of implementation of the anti-crisis program for 2009 and main priorities of development of Uzbekistan's economy in 2010*, the international conference « The efficiency of the anti-crisis programs and priorities of the post-crisis development », Tashkent, 2010.
- KARIMOV Islam, *Modernization of the country and building a strong civil society is our main priority*, discours introductifs, Tachkent, 2010.

- ROBERT Jean-Noël, *De Rome à la Chine: sur les routes de la soie au temps des Césars*, Belles Lettres, Paris, 1993.
- ROUX Jean-Pierre, *Histoire de l'Empire mongol*, Fayard, Paris, 1993.
- ROUX Jean-Pierre *L'Asie centrale. Histoire et civilisations*, Fayard, Paris.
- ROUX Jean-Pierre, *Tamerlan*, Fayard, Paris.
- ROY Olivier (sous la dir. de), « Des ethnies aux nations en Asie centrale », *Revue du monde musulman et de la Méditerranée*, janvier 1992, Aix-en-Provence.
- ROY Olivier, *L'échec de l'islam politique*, Le Seuil, Paris, 1992.
- ROY Olivier, *La nouvelle Asie centrale ou la fabrication des nations*, Le Seuil, Paris, 1997.
- ROY Olivier, *L'Asie centrale contemporaine*, Presses Universitaires de France, Paris, 2001.
- RUDELSON Justin Jon, *Central Asia Phrasebook, Languages of the Silk Road*, Lonely Planet, 1998.
- TESSON Sylvain, TELMON Priscilla, *La chevauchée des steppes : 3000 km à cheval à travers l'Asie centrale*, Laffont, Paris, 2001.
- THOREZ J., THOREZ P., « Le partage des eaux dans les républiques du Caucase oriental et d'Asie centrale, manifestation des tensions post-soviétiques », *Cahiers d'Asie centrale*, N°13-14, Edisud Sept. 2004,
- THOREZ J., THOREZ P., « Montagnes et espaces nationaux post-soviétiques en Asie centrale (Kirghizistan, Tadjikiastan, Ouzbékistan) », *Cahiers de géographie*, collection EDYTEM Chambéry, N°2, 2004, pp.143-150.,
- THOREZ J., THOREZ P., « Enclaves et enclavement dans le Ferghana post-soviétique », *CEMOTI*, N°35, PP.28-39.
- TOLMACHEVA M., « The Muslim Woman in Soviet Central Asia », *Central Asian Survey*, volume XII, N°4, Oxford, 1993, pp.531-548.
- TUKHLIEV N., KREMENTSOVA A., *The Republic of Uzbekistan: Encyclopaedic reference*, The State Publishing House, Tashkent, 2003.
- WESSELS C. Sj. *Early Jesuit travellers in Central Asia 1603-1721*, Martinus Nijhoff, La Haye, 1924 (réimpr. Asian Educational services, New Delhi, 1992).
- WOOD Frances, *Did Marco Polo go to China?*, Secker and Warburg, London, 1995.
- YAKEMTCHOUK R., *Ouzbékistan, Puissance émergente en Asie centrale*, l'Harmattan, Paris, 2003.
- ZORZI Alvise, *Vie de Marco Polo, voyageur vénitien*, trad. de l'italien, Robert Laffont, Paris, 1983.

**Бошқа манбалар:**

<http://www.ouzbekistan.fr>

<http://www.lolakarimova.com>

# МУНДАРИЖА

МИННАТДОРЧИЛИК .....	3
КИРИШ .....	5
I БОБ. МИНТАҚА ЧОРРАҲАСИДА ЖОЙЛАШГАН, ЛЕКИН ОЧИҚ ДЕНГИЗ ЙЎЛЛАРИДАН УЗОҚ БЎЛГАН МАМЛАКАТ .....	7
1. Марказий Осиёдаги худуди бўйича учинчи, ахолиси сони бўйича биринчи мамлакат .....	7
2. 80 фоиз ҳудуди текисликлардан иборат, Сирдарё ва Амударё билан суғориладиган мамлакат .....	9
3. Қурғоқчилик билан изоҳланадиган континентал иқлим.....	11
4. Жиддий табиий хавф-хатарлар ва экологик муаммолар ....	11
5. Совет даврида бошланган экологик фалокат.....	13
6. Мустақилликдан кейин Ўзбекистон ҳукуматининг атроф- муҳит муаммоларига муносабати.....	14
7. Сув миллий ва ҳалқаро муаммо сифатида .....	15
I бобга доир савол ва топшириқлар .....	17
II БОБ. ИККИ МИНГ ЙИЛЛИК ЗАФАРЛИ ЮРИШЛАР, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ .....	19
1. Тараққиёт чорраҳалари ва аҳолининг турмуш тарзи.....	19
2. Қадимги тарих, орийлар, сўғдликлар ва аҳамонийлар .....	19
3. Искандар Зулқарнайн ва юнонлар.....	21
4. Күшон империяси ва Буюк ипак йўлининг барпо этилиши .....	23
5. Сосонийлар, хунлар ва турқ сулолалари .....	24
6. Ислом дини ва арабларнинг кириб келиши.....	25
7. Сомонийлар ва шаҳарларнинг маданий тараққиёти.....	28
8. Қорахонийлар, салжуқийлар ва мўғул босқини.....	29
9. Амир Темур ва темурийлар: Самарқанднинг залворли даври .....	31
10. Шайбонийлар ва биринчи ўзбеклар .....	35
11. З.М. Бобур Фарғонада .....	36
12. Жунғор империяси.....	36
13. Чигатой улуси парчаланишидан пайдо бўлган уч хонлик .....	36
II бобга доир савол ва топшириқлар.....	38
III БОБ. РУС ЎЗБЕКИСТОНИДАН – МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНГАЧА 39	39
1. Русларнинг кириб келиши.....	39
2. Мустамлакачилик сиёсати, «катта ўйин» ва I Жаҳон уруши ...	39
3. Большевиклар инқилоби ва фуқаролар уруши .....	41
4. Советлаштириш ва миллий-ҳудудий чегараланиш .....	41
5. Иккинчи жаҳон уруши ва Совет Иттифоқининг қулаши .....	42

<b>6. Мустақил Ўзбекистон .....</b>	<b>43</b>
<b>III бобга доир савол ва топшириқлар .....</b>	<b>47</b>
<b>IV БОБ. НИСБАТАН АҲОЛИ ТАРКИБИ БИР ХИЛ, ЁШ ВА ҚИШЛОҚ</b>	
<b>ХЎЖАЛИГИ БИЛАН БАНД БЎЛГАН МАМЛАКАТ .....</b>	<b>48</b>
1. Этник келиб чиқиши турли бўлса ҳам таркиби бир хил аҳоли	48
3. Мустақиллик чегараларнинг характеристини ўзгартирмади	51
4. Ўзбекистоннинг демографик ҳолати .....	52
5. Аҳолининг табиий ўсиши охирги 50 йил ичida секинлашган..	54
6. Аҳоли зичлигининг ўсиб бориши ва урбанизация даражасининг барқарорлашуви.....	57
7. Турмуш тарзи юксалиб бормоқда.....	60
8. Ижтимоий соҳада давлат асосий роль ўйнамоқда .....	61
<b>IV бобга доир савол ва топшириқлар .....</b>	<b>65</b>
<b>V БОБ. 2008 ЙИЛДАГИ ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ</b>	
<b>ИНҚИРОЗИГА БАРДОШ БЕРА ОЛГАН ИҚТИСОДИЁТ .....</b>	<b>66</b>
1. 1992 йилдан бўён иқтисодий кўрсаткичлар                   барқарор	
ҳолатда.....	66
2. Қишлоқ хўжалигининг муҳим роли, саноатнинг мунтазам	
ривожланиши ва хизмат кўрсатиш соҳасининг тараққий топиши ....	69
3. Ташқи савдо кўрсаткичлари, мамлакатнинг иқтисодий	
ривожланиши ва хизмат кўрсатиш соҳасида унинг жаҳон савдосига	
интеграциялашувини кўрсатади .....	70
4. 1990 йилдан бўён оқилона иқтисодий сиёsat туфайли	
иқтисодиётнинг юксалиб бориши давом этмоқда.....	74
5. 1991 йилдан бери бешта асосий тамойил Ўзбекистон сиёsatини	
белгиламоқда.....	76
6. Реал иқтисодий устунлик ва айrim камчиликлар .....	76
7. Тенгизликнинг кучайиш хавфи .....	77
8. Комил ишонч сабаблари.....	78
<b>V бобга доир савол ва топшириқлар.....</b>	<b>80</b>
<b>VI БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ</b>	
<b>БОЙЛИГИ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА. САНОАТ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ</b>	
<b>КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИ ЖАДАЛЛИК БИЛАН РИВОЖЛАНМОҚДА .</b>	<b>82</b>
1. Минг йиллик тоғ этагидаги воҳалар .....	82
2. XXI аср бошида ҳам қишлоқ хўжалигига асосланган жамият .	83
3. Ўзгаришлар жадал эмасми?.....	85
4. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий       муаммолари ....	85
5. Замонавий саноат тараққиёт палласида.....	86
6. Хизмат кўрсатиш соҳасининг кескин ривожи ҳамда туризмнинг мақсад ва вазифалари .....	89
7. Кучли транспорт тармоғи янгиланиш йўлида .....	98
8. Телекоммуникациялар ва Интернет.....	102
<b>VI бобга доир савол ва топшириқлар .....</b>	<b>107</b>
<b>VII БОБ. ЖАДАЛ ДЕМОКРАТЛАШУВ ЙЎЛИДАГИ ЖАМИЯТ .....</b>	<b>109</b>

1. Ўзбекистон Конституцияси Франциядаги V Конституциясига ўхшаш ..... 2. 1991 йилдан бўён ўтказилган сайловлар ва сиёсий партиялар ролининг ошиб бориши ..... 3. Оммавий ахборот воситалари демократлашув йўлида ..... 4. Инсон хуқуқларига қаратилган эътибор ..... 5. Муваффақиятларга бой айём ..... 6. Аёллар ролининг ошиб бориши ва болаларни қилиш..... <b>VII бобга доир савол ва топшириқлар.....</b> <b>VIII БОБ. ЯНГИ «КАТТА ЎЙИН» САРИ!</b>	<b>Республика</b> <b>109</b> <b>110</b> <b>112</b> <b>113</b> <b>117</b> <b>ҳимоя</b> <b>119</b> <b>122</b> <b>123</b> <b>123</b> <b>126</b> <b>129</b> <b>131</b> <b>132</b> <b>135</b> <b>139</b> <b>141</b> <b>143</b> <b>146</b> <b>147</b> <b>150</b> <b>151</b> <b>153</b> <b>155</b> <b>157</b> <b>159</b> <b>160</b>
---	---

# **ЎЗБЕКИСТОН ГЕОСИЁСАТИ**

## **(ўқув қўлланма)**

Оригинал-макет: *Н. Галимуллин*

Нашрга тайёрланган материалларнинг сифати, келтирилган фактлар, атоқли отлар ва бошқа маълумотларнинг аниқлиги, шунингдек, очик нашр этиш ман қилинган маълумотларни оммалаштиргани учун ўқув қўлланма муаллифлари жавобгардир

ЖИДУ рухсатисиз қайта чоп этиш ман қилинади.

Формат 84x108 1/32. Ҳажми 12,85 б.т.  
Адади 100.

---

ЖИДУда чоп этилди.  
100077, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54